

З.Р.ИСМАТУЛЛАЕВ, И.И. НАСРИЕВ

**ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУД
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ
НАМУНАЛАРИ**

**ОБРАЗЦЫ
СУДЕБНЫХ
ДОКУМЕНТОВ ПО
ХОЗЯЙСТВЕННЫМ
ДЕЛАМ**

34С6

67.410

И81


Ушбу рисола Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг суд амалиётини умумлаштириш бўлимида тайёрланган бўлиб, унда ҳўжалик судларида чиқариладиган ажрим, ҳал қилув қарори, суд буйруғи ва қарор сингари бир қатор процессуал ҳўжатларнинг қай тартибда ёзилиши баён этилган. Маъкур китобдан ҳўжалик судлари судьялари, судьяликка захирага олинган ҳўқуқшунослар ва бошқа суд ходимлари ҳамда юридик ўқув юртларининг талабалари фойдаланиши мумкин.

Маъсул муҳаррир: **М.К.АЗИМОВ** — Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раисининг ўринбосари, юридик фанлари номзоди.

Тақризчилар: **Ш.П.РЎЗИНАЗАРОВ** — юридик фанлари доктори, профессор;
Ш.Б.БЕРДИЕВ — юридик фанлари номзоди.

HO 29360
386

04
1578



HO

И 1203020600—2 эълонсиз — 2003
М359 (04)—2003

ISBN 5—8244—1546—3

© «Меҳнат» нашриёти, 2003 й.

MFN 8603

**ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ
БЎЙИЧА СУД
ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ
НАМУНАЛАРИ**

СЎЗ БОШИ

Хўжалик судларида одил судловни амалга оширишда қонунчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир судьядан ўз вазифасига сидқидилдан ёндашишни ҳамда қонун талабларига қатъий риоя қилишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам хўжалик судларида иш юритиш ва низоларни ҳал этишда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодекси нормаларини тўғри татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Суд ҳужжатларини тузишда процессуал қонун нормаларига тўла риоя этмаслик, суд фаолиятида жиддий хатоликларни келтириб чиқаради.

Хўжалик ишларини кўришда судлар томонидан ажрим, ҳал қилув қарори, суд буйруғи ва қарор сингари бир қатор процессуал ҳужжатлар чиқарилиб, уларнинг ҳар бири ўзининг тузилиши, мазмуни ва моҳиятига кўра, маълум бир процессуал ҳаракатларни ифода этади. Ҳар қандай суд ҳужжати муайян бир ҳолатни у ёки бу тарзда ифодалайди. Шуларни эътиборга олган ҳолда уларни тузишда дастлаб ҳар бир ҳужжатнинг ўзига хос хусусияти ва ёзилиш тартибига қатъий риоя қилиниши лозим.

Суд ҳужжатларини тузишда ушбу ҳужжатларнинг тили ва услубига, энг аввало, давлат тили қонун-қоидаларига қатъий риоя этиш лозим бўлади. Бусиз бугунги кун талабларига жавоб берадиган аниқ, лўнда ва теран мантиқли ҳужжатни яратиш бўлмайди. Ҳужжат матни аниқлик, ихчамлик, лўндалик ва мазмуний тўлиқлик каби талабларга ҳам жавоб бериши даркор.

Ҳар бир суд ҳужжати унинг тузилишини белгилловчи ҳуқуқ нормасига мос келиши, яъни ҳужжат қонунда қандай тартиб белгиланган бўлса, шу асосда тузилиши керак. Ҳужжатда суд тафтишида аниқланган ҳолатлар ақс эттирилиши ва у ишонарли, одилона ва ҳаққоний баён қилиниши шарт.

Хўжалик судлари фаолиятида қўлланиладиган процессуал ҳужжатларнинг тузилиши борасида маълум даражада суд амалиёти йўлга қўйилган бўлса-да, уларни янада шакллантириш ва суд ҳужжатлари сифатини яхшилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири

бўлиб қолмоқда. Шу боис хўжалик судлари судьялари учун қўлланма сифатида ушбу рисола илк бор тақдим этилаётир.

Китобда баён этилган суд ҳужжатларининг намуналари Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг талаблари ҳамда хўжалик судларида ҳозиргача мавжуд бўлган суд амалиётига асосланган ҳолда ишлаб чиқилди. Мазкур қўлланма судьяларга айрим суд ҳужжатларини тузишда ёрдам кўрсатиш ҳамда ёш судьяларнинг бу борадаги тажрибаларни орттиришда кўмаклашиш мақсадида яратилди.

Намуналарда баён этилган ҳудудлар, тарафлар ва бошқа шахслар ҳамда иш ҳолатлари шартли равишда баён қилинган бўлиб, суд ҳужжатларини тузишда улардан фақат намуна сифатида фойдаланиш ва ҳар бир иш бўйича иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда суд ҳужжатлари тузишга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Мазкур китобни яратишда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судининг ходимлари муаллифларга ўз маслаҳатлари ҳамда таклифлари билан яқиндан ёрдам беришди.

Рисола илк бор чоп этилаётгани боис суд ҳужжатлари намуналарини тузишда муаллифлар томонидан баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган бўлиши мумкин. Шунинг назарда тутган ҳолда суд ҳужжатларининг намуналаридан амалиётда фойдаланиш билан бирга бу ҳақдаги таклиф ва мулоҳазаларингизни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига билдирсангиз, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мирзо-Улугбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий
хўжалик судининг раиси

Биринчи бўлим

Биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари

*Даъво аризасини қабул қилиш ва ишни
кўришга тайинлаш тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 24 март

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси О.Холдоров, даъвогар «Дилдор» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг жавобгар «Бўстон» масъулияти чекланган жамиятидан 3500000 сўм қарзни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, даъво аризасининг шакли ва мазмуни ҳамда унга илова қилинган ҳужжатлар ЎзР ХПКнинг 112 - моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда тузилган деб топди.

Мазкур низо хўжалик судларида кўриб чиқишга тегишли эканлиги, даъво аризасини қабул қилиш учун етарли асослар мавжудлиги ҳамда низои ўз вақтида ва тўғри ҳал этилишини таъминлашни назарда тутган ҳолда ЎзР ХПКнинг 116, 122, 124-моддаларига асосан

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Дилдор» очиқ турдаги акциядорлар жамиятининг жавобгар «Бўстон» масъулияти чекланган жамиятидан 3500000 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси иш юритишга қабул қилинсин.

Ишни кўриш 2002 йил 9 апрел куни соат 14.00 га тайинлансин. Суд мажлиси _____ вилоят хўжалик суди биносида ўтказилсин.

Ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича:

— даъвогарга даъво талабларини асослантирувчи ҳужжатларнинг асл нусхасини тақдим этиш (шу жумладан, тўловни амалга оши-

рилганлиги, маҳсулот етказиб берилганлиги тўғрисидаги ва бошқа ҳужжатларни) тақдим этиш;

— жавобгарга даъво аризаси юзасидан даъвога қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрни тақдим этиш юклатилсин;

— суд муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тарафларга хабар қилинсин.

Тарафларнинг вакиллари суд мажлисига шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт.

Судья

О. Холдоров

*Даъво аризасини қабул қилишни
рад этиш тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 24 март

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Ф. Абдурахмонов, даъвогар «Коском» қўшма корхонасининг жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни кўриб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Коском» қўшма корхонаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундиришни сўраган.

Даъво аризасига илова қилинган ҳужжатлардан кўринишича, айнан шу томонлар ўртасида, айни бир предмет тўғрисида ва айни бир асослар бўйича мазкур низо юзасидан иш юритишни тугатиш ҳақида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ажрими мавжуд.

Бундай ҳолатда ЎзР ХПКнинг 117-моддасининг 2-бандига кўра, судья даъво аризасини қабул қилишни рад этади ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан тўланган давлат божини даъвогарга қайтаради.

Юқорида баён этилганларга кўра, ЎзР ХПКнинг 117-моддаси, 2-бандини қўллаб, судья

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Даъвогар «Коском» қўшма корхонасининг жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қабул қилиш рад этилсин. Тўланган давлат божи даъвогарга қайтарилсин ва бу ҳақда тегишли маълумотнома берилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида _____ вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят келтириши мумкин.

Судья

Ф. Абдурахмонов

*Даъво аризасини қайтариш
тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 3 июл

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Ф. Абдурахмонов, даъвогар «Коском» қўшма корхонасининг жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Коском» қўшма корхонаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундиришни сўраган.

Даъво аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим чиқарилгунга қадар даъвогар «Коском» қўшма корхонаси томонидан даъво аризасини қайтариб олиш ҳақида ариза тақдим қилинди.

Бундай ҳолатда ЎзР ХПКнинг 118-моддасининг 9-бандига кўра, судья даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларни даъвогарга қайтаради. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан тўланган давлат божи ҳам даъвогарга қайтариллиши лозим.

Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 118-моддаси, 9-бандини қўллаб, судья

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Даъвогар «Коском» қўшма корхонасининг жавобгар «Алисимпекс» масъулияти чекланган жамиятидан 105.700 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар даъвогарга қайтарилсин. Тўланган давлат божи даъвогарга қайтарилсин ва бу ҳақда тегишли маълумотнома берилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида _____ вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят келтириши мумкин.

Судья

Ф. Абдурахмонов

Суд буйруғини бериш ҳақидаги аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 12 апрел

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси А. Зикиров, кредитор «ТЕЛЕКОМ» қўшма корхонасининг қарздор «Иншоот» фирмасидан 2.654.370 сўм асосий қарз, 1.327.185 сўм жарима ва 29.380 сўм давлат божини ундириш учун суд буйруғини бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Кредитор «ТЕЛЕКОМ» қўшма корхонаси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, қарздор «Иншоот» фирмасидан 2.654.370 сўм асосий қарз, 1.327.185 сўм жарима ва 29.380 сўм давлат божини ундириш учун суд буйруғини беришни сўраган.

ЎзР ХПКнинг 103-моддасига кўра, суд буйруғи судья томонидан ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилгандагина берилади.

Аризачи «ТЕЛЕКОМ» қўшма корхонаси қарздор «Иншоот» фирмасидан дебиторлик қарзидан ташқари, тўлов муддатини кечиктирилганлик учун жаримани ундириш тўғрисида ҳам суд буйруғи беришни сўраган.

ЎзР ХПКнинг 107-моддасига кўра, судья кредитор томонидан билдирилган талаб ушбу кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса, аризани қабул қилишни рад этади.

Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 107-моддаси, 1-қисми, 1-бандини қўллаб, судья

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«ТЕЛЕКОМ» қўшма корхонасининг «Иншоот» фирмасидан 2.654.370 сўм асосий қарз, 1.327.185 сўм жарима ва 29.380 сўм давлат божини ундириш ҳақида суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризасини қабул қилиш рад этилсин.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар аризачига қайтарилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят келтириши мумкин.

Судья

А. Зикиров

А Ж Р И М

шаҳри
2002 йил 18 январ

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Т.Турсунов, даъвогар «Ўзсаноатқурилишбанк» Авиясозлар филиалининг жавобгарлар «Улфат» МЧЖ ва «Соғлом» МЧЖларидан 105.153.268 сўм ундириш ҳамда даъвои таъминлаш туғрисидаги даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъво аризасида кўрсатилишича, 2000 йил 15 сентябрдаги 28-сонли шартномага асосан, «Ўзсаноатқурилишбанк» Авиясозлар филиали томонидан жавобгар «Улфат» масъулияти чекланган жамиятига йиллик 24 % тўлаш шarti билан 95.016,4 минг сўм кредит ажратилган. Кредит қайтарилши ва унга ҳисобланган фоизларнинг тўланиши «Соғлом» масъулияти чекланган жамият билан «Улфат» масъулияти чекланган жамият ўртасида тузилган кафиллик шартномаси билан кафолатланган. Кредит шартномасининг 5-қисми 11.1—11.5-бандларига асосан, кредит ва унга ҳисобланган фоизлар 2001 йил 14 сентябрга қадар тўланиши лозим бўлса-да, қарз олувчи кредитни қайтармаган ва фоизларни тўламаган. «Соғлом» масъулияти чекланган жамият томонидан кафиллик шартномаси бўйича олинган мажбурият ҳам бажарилмаган. Шу сабабли даъвогар қарз олувчи ва кафил «Соғлом» масъулияти чекланган жамиятнинг мол-мулкани хатлашни сўраган.

ЎЗР ХПК 76-моддасига асосан, хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра, даъвои таъминлаш чораларини кўришга ҳақли. Шу кодекснинг 77-моддасига асосан, жавобгарга тегишли бўлган мол-мулк ёки пул маблағларини хатлаб қўйиш даъвои таъминлаш чораси бўлиши мумкин.

Суд даъвогарнинг даъвои таъминлаш ҳақидаги талаби асосли ва қонуний бўлганлигини эътиборга олган ҳолда унинг илтимосномасини қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бинобарин, ЎЗР ХПКнинг 76,77-моддаларини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

«Улфат» масъулияти чекланган жамият ҳамда «Соғлом» масъулияти чекланган жамиятга тегишли бўлган мол-мулклар хатлансин. Бунда хатланаётган мол-мулкларнинг умумий қиймати даъво суммаси миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

Мол-мулкни хатлаш бўйича ижро варақаси берилсин.

Ажрим ижро қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш» департаментининг _____ вилоят ҳудудий бўлимига юборилсин.

Ажримнинг ижроси ҳақида тегишли тартибда хўжалик судига маълум қилинсин.

Ажримдан норози тараф _____ вилоят судининг апелляция инстанциясига бир ой муддатда апелляция шикоятни келтириши мумкин.

Судья

Т. Турсунов

*Ишни кўришни бошқа кунга
қолдириш ҳақида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 6 май

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси С. Садилов, даъвогар «Олмос Фаррух» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг жавобгар «Фарҳод» МЧЖдан 2.000.000 сўм ундириш ҳақидаги даъво аризаси бўйича -сонли хўжалик ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг 2002 йил 12 апрелдаги ажрими билан даъвогар «Олмос Фаррух» хусусий ишлаб чиқариш корхонасининг даъво аризаси иш юритишга қабул қилиниб, ишни кўриш 2002 йил 6 май соат 11.00 га тайинланган. Ажрим тарафларга буюртма хати орқали юборилган. Лекин ажрим жавобгарга етиб борганлигини билдирувчи почта хабарномаси келмаганлиги учун суд ишни бошқа кунга қолдиришни лозим топди.

Хўжалик процессуал кодексининг 131-моддасига биноан, хўжалик суди ишни шу мажлисда кўриш мумкин бўлмаган тақдирда уни кейинга қолдиришга ҳақли.

Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 131-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Мазкур хўжалик ишини кўриш 2002 йил 7 май соат 10.00 га қолдирилсин ва бу ҳақда тарафларга маълум қилинсин.

Судья

С.Садилов

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 3 май

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Б. Тошев, _____ туман Давлат солиқ инспекциясининг Исоқов номли фермер хўжалиги мол-мулкидан 2.431.112 сўм боқиманда қарзини ундириш учун суд буйруғини бериш ҳақидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Кредитор _____ туман ДСИси 2002 йил 29 апрелда хўжалик судига мурожаат қилиб, қарздор Исоқов номли фермер хўжалигидан 2.431.112 сўм боқиманда қарзини ундириш тўғрисида суд буйруғи беришни сўраган.

Қарздор Исоқов номли фермер хўжалиги ундирувчининг талабига рози бўлмасдан судга 2002 йил 1 май куни ариза билан мурожаат қилиб, бюджет олдидаги барча қарзларни тўлаб бўлганлиги учун суд буйруғи беришни рад этишни сўраган.

ЎзР ХПКнинг 109-моддаси, 2-қисми, 1-бандига кўра, агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса, судья суд буйруғи беришни рад этади.

Шуларга асосан, ЎзР ХПКнинг 109-моддаси, 2-қисми, 1-бандини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

_____ туман ДСИНинг Исоқов номли фермер хўжалиги мол-мулки ҳисобидан 2.431.112 сўмлик боқиманда қарзини ундириш учун суд буйруғини бериш рад этилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят бериши мумкин.

Судья

Б.Тошев

*Ижро этиш усулини ўзгартириш
хақида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 13 феврал

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Р. Аҳмедов, Б. Юнусовнинг котиблигида, ундирувчининг вакили Г. Абравнинг иштирокида _____ ҳиссадорлик жамиятининг _____ вилоят хўжалик суди томонидан - сонли иш бўйича берилган 2001 йил 1 майдаги суд буйруғини ижро этиш усулини ўзгартириш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйдагиларни

А Ш И Қ Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик суди томонидан - сонли иш бўйича 2001 йил 1 майда берилган суд буйруғига асосан, қарздор _____ жамоа хўжалигидан _____ ҳиссадорлик жамияти фойдасига 162.000 сўм асосий қарз, 2.450 сўм давлат божи, 2.836 сўм почта харажати ундирилган.

Ундирувчининг аризасида қарздорнинг ҳисоб-рақамида пул маблағи бўлмаганлиги учун суд буйруғини ижро этиш усулини ўзгартириб, қарзни қарздорнинг мол-мулкидан ундириб бериш сўралган.

АТ «Пахтабанки»нинг _____ бўлими томонидан 2002 йил 15 январда берилган 01/11-сонли маълумотномада қарздорнинг ҳисоб-рақамида пул маблағи йўқлиги қайд этилган.

Бундай ҳолатда хўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 217-моддасига асосан, ундирувчининг аризасига кўра, суд ҳужжатининг ижро этиш усулини ўзгартиришга ҳақли.

Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 217-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг _____ - сонли иш бўйича 2001 йил 1 майдаги суд буйруғини ижро этиш усули ўзгартирилсин.

_____ вилояти _____ тумани _____ жамоа хўжалигининг мол-мулки ҳисобидан _____ ҳиссадорлик жамияти фойдасига 162.000 сўм асосий қарз, 2.450 сўм давлат божи, 5.672 сўм почта харажати, жами 170.122 сўм ундирилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят келтириши мумкин.

Судья

Р. Аҳмедов

*Ишончли шахсни тасдиқлаш
тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 15 октябр

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Н. Турдиев _____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 25 сентябрдаги «Моҳира» хусусий фирмасини банкрот деб эътироф этиш ва тугатиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори бўйича қабул қилинган «Моҳира» хусусий фирмасининг 2001 йил 5 октябрдаги кредиторлар йиғилиш баённомасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 25 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан «Моҳира» хусусий фирмаси банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритилган.

Кредиторлар йиғилишининг 2001 йил 5 октябрдаги қарорига асосан, _____ тумани ДСИ вакили Б. Собировни тугатиш комиссиясининг ишончли шахси этиб тайинлаш таклиф қилинган.

Суд Б. Собировнинг кредиторлар йиғилиши қарорига асосан, ишончли шахс этиб сайланганлигини эътиборга олиб, уни тасдиқлашни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 77-моддаси ва ЎЗР ХПКнинг 151-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Моҳира» хусусий фирмасини тугатиш комиссиясида ишончли шахс этиб Б. Собировнинг номзоди тасдиқлансин.

Б. Собировга:

— 3 кун муддатда хўжалик судининг қарорига асосан, қарздор банкрот деб эътироф этилганлиги ва кредиторларнинг талаблари икки ой муддатда қабул қилиниши ҳақида рўзномада эълон бериш;

— Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 88-моддасига мувофиқ, тугатиш ишларининг натижалари ҳақидаги якуний ҳисоботни судга тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

Ажрим устидан бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Судья

Н. Турдиев

04
1578
Alisher Navoiy
qurilgan
1998.08.18 MK

*Ташқи бошқарувчини қайта
тайинлаш тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 27 май

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Д. Жўраев ташқи бошқарувчи тайинлаш тўғрисидаги «Темирбетон» акционерлик жамияти кредиторлари йиғилишининг 2002 йил 22 майдаги ташқи бошқарувчини қайта тайинлаш тўғрисидаги баённомасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг _____ - сонли хўжалик иши бўйича 2002 йил 18 февралдаги ажрими билан «Темирбетон» акционерлик жамиятига нисбатан ўн икки ойга ташқи бошқарув жорий қилинган ва кредиторлар йиғилишининг қарори билан тасдиқланган. Владимир Александрович Калганов ташқи бошқарувчи этиб тайинланган.

«Темирбетон» акционерлик жамияти кредиторлар йиғилишининг 2002 йил 22 майдаги қарори билан В.А. Калганов ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинган ва ташқи бошқарувчи этиб Шуҳрат Ниғматжонович Ҳасановнинг номзоди тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига биноан, ташқи бошқарув хўжалик суди томонидан кредиторлар йиғилишининг қарори, қарздорнинг мол-мулки эгаси ёки банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг аризаси асосида ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача жорий этилади ва ташқи бошқарувчи тайинланади, бу ҳақда ажрим чиқарилади.

Шуларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 47, 50, 51, 52-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Темирбетон» акционерлик жамияти кредиторлари йиғилишининг 2002 йил 22 майдаги қарори билан тасдиқланган Шуҳрат Ниғматжонович Ҳасанов ташқи бошқарувчи этиб тайинлансин.

Ажрим устидан бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Судья

Д. Жўраев

*Тугатиш комиссиясининг ҳисоботини
тасдиқлаш тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 12 август

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди судьяси Р. Тоштемиров «Насаф» кичик корхонасини тугатиш комиссиясининг 2002 йил 9 апрелдаги яқунловчи ҳисоботини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ шаҳар ҳокимининг 1996 йил 23 апрелдаги 317-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтган «Насаф» кичик корхонаси _____ вилоят хўжалик судининг 2002 йил 20 февралдаги ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритилган

Ишончли шахс Т. Султонназаровнинг хўжалик судига тақдим қилган 2002 йил 9 апрелдаги яқунловчи ҳисоботида кўрсатилишича, корхонанинг кредиторлик қарзи 618.807 сўмни, шундан республика бюджетига давлат божи 58.310 сўмни, _____ вилоят хўжалик судига давлат божи 10.290 сўмни, почта харажатлари 2.836 сўмни ва _____ шаҳар Давлат солиқ инспекциясига 550.207 сўмни ташкил этади. Тугатиш жараёнида бошқа кредиторлар ва қарздорнинг мол-мулки аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 90-моддасига биноан, тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида ишончли шахс томонидан тақдим қилинган ҳисобот кўриб чиқилгандан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш яқунланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради ва уни юридик шахсни давлат рўйхатига олувчи органга юборади. Хўжалик судининг ажрими юридик шахсни ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асос бўлади.

Баён қилинганларга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 88, 90-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 151-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Насаф» кичик корхонасини тугатишга доир иш юритиш натижалари тўғрисидаги ишончли шахс томонидан тақдим этилган 2002 йил 9 апрелдаги якунловчи ҳисобот тасдиқлансин.

«Насаф» кичик корхонасини ягона давлат реестридан чиқариш учун ушбу ажрим _____ шаҳар ҳокимига юборилсин.

«Насаф» кичик корхонасининг ягона давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги _____ шаҳар ҳокимининг қарори _____ вилоят хўжалик судига тақдим қилинсин.

Судья

Р. Тоштемиров

Яқунловчи ҳисоботга қўшимча ҳисоботни тасдиқлаш ҳақида ажрим

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 19 декабр

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси А. Тошбоев «Лола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги иш бўйича тугатиш комиссиясининг ишончли шахси К. Тожибоевнинг 2001 йил 6 декабрдаги ТК-180/5-сонли яқунловчи ҳисоботига қўшимча ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг _____ - сонли иш бўйича 1999 йил 23 декабрдаги ҳал қилув қарори билан «Лола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти банкрот деб эътироф этилган ва тугатишга доир иш юритилган.

Хўжалик судининг 2000 йил 12 январдаги ажрими билан кредиторлар йиғилишининг 2-сонли баённомасига асосан _____ вилояти Иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармасининг тугатиш бўлими бошлиғи К.Тожибоев тугатиш комиссиясининг ишончли шахси этиб тасдиқланган.

Хўжалик судининг 2001 йил 11 декабрдаги ажрими билан ишончли шахс томонидан тақдим қилинган яқунловчи ҳисобот тасдиқланган.

Ушбу яқунловчи ҳисоботга ишончли шахс банкрот корхонанинг «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси олдидаги 20,5 млн.сўм қарзини қоплашга оид қўшимча ҳужжатларни тақдим этиб, яқунловчи ҳисоботни тасдиқлаш тўғрисидаги ажримга қўшимча ажрим чиқариб беришни сўраган.

Тақдим қилинган ҳужжатларга кўра, «Ўзбекчармпойабзал» уюшмаси 20,5 млн. сўм қарзни банкрот корхонанинг мол-мулки ҳисобидан олиш ҳақида хат берган бўлса-да, кейинчалик қарзни пул ҳисобида беришни сўраган. 2001 йил 13 декабрда «Сарбон» масъулияти чекланган жамияти тугатиш комиссиясига ТМ-01/12-сонли хат билан мурожаат қилиб, банкрот корхонанинг қолган мол-мулкларини тўлов муддати узайтирилган шаклда сотиб олишга амалий ёрдам беришни сўраган. Ушбу мурожаат 2001 йил 14 декабрда бўлиб ўтган кредиторлар йиғилишида кўрилган ва банкрот корхонанинг «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасига бўлган 20,5 млн. сўм қарзини қоплаш мақ-

садида банкрот корхонанинг қолган мол-мулкани «Сарбон» маъсуляти чекланган жамиятга 42,0 млн. сўмга тўлови бир йил муддатга узайтирилган шаклда сотиш, тўловнинг биринчи қисми — 20,5 млн. сўмни белгиланган муддатда «Ўзбекчармпойабзал» уюшмасининг ҳисоб рақамига ўтказиш, тўловнинг қолган қисмини эса Республика санация жамғармаси ҳисобига ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинган. Ушбу қарорга асосан, 2001 йилнинг 19 декабрида _____ вилояти муниципал биржасида 1273-сонли олди-сотди шартномаси тузилган ва банкрот корхонанинг қолган мол-мулки «Сарбон» маъсуляти чекланган жамиятга тўлов муддати бир йилга узайтирилган ҳолда сотилган.

Шу билан тугатиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 88, 89, 90-моддалари талабларига мувофиқ, тугатиш комиссияси томонидан банкрот корхонанинг қарзлари бўйича барча кредиторларнинг манфаати тўлиқ миқдорда қаноатлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 90-моддасига биноан, тугатишга доир иш юритиш таомилини ўтказиш натижалари тўғрисида ишончли шахс томонидан тақдим қилинган ҳисобот кўриб чиқилганидан кейин хўжалик суди тугатишга доир иш юритиш якунланганлиги тўғрисида ажрим чиқаради ва уни юридик шахсни давлат рўйхатига олувчи органга юборади. Хўжалик судининг ажрими юридик шахсни ягона давлат реестрига қарздор тугатилганлиги тўғрисида ёзув киритилиши учун асосдир.

Бундан ташқари, хўжалик судининг 2001 йил 11 декабрдаги ажрими ижро этилганлигини ҳисобга олган ҳолда, ЎзР ХПКнинг 151-моддаси, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 90-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Лола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини тугатиш комиссиясининг ишончли шахси К. Тожибоевнинг 2001 йил 6 декабрдаги ТК-180/5-сонли якунловчи ҳисоботиغا 2001 йил 19 декабрдаги ТК-180/6-сонли қўшимча ҳисботи тасдиқлансин.

«Лола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини ягона давлат реестридан чиқариш учун ушбу ажрим _____ шаҳар ҳоқимига юборилсин.

«Лола» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ягона давлат реестридан чиқарилганлиги тўғрисидаги _____ шаҳар ҳокимининг қарори дарҳол _____ вилоят хўжалик судига тақдим қилинсин.

Судья

А. Тошбев

*Банкротлик ҳақидаги ишнинг кўрилишини
қарздор илтимосига кўра кейинга
қолдириш тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 16 январ

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди Ф. Шодмоновнинг раислигида,
Т. Юсуповнинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёр-
дамчиси Т. Тошбоев, _____ шаҳар давлат солиқ инспекциясининг
вакили С. Абдуллаев, қарздор корхона вакили А. Шариповларнинг
иштирокида, _____ вилоят прокурорининг _____ шаҳар давлат
солиқ инспекциясининг манфаатини кўзлаб «Мебел» тижорат ишлаб
чиқариш ширкати банкрот деб топиш ҳақидаги аризасини кўриб
чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

_____ вилоят прокурори _____ шаҳар Давлат солиқ ин-
спекциясининг манфаатини кўзлаган ҳолда хўжалик судига ариза
билан мурожаат қилиб, «Мебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати-
ни банкрот деб топишни сўраган.

Аризада кўрсатилишича, корхонанинг 2001 йил 1 январ ҳолати
бўйича топширган балансига асосан 49072,0 минг сўм муддати ўтган
дебитор қарзи, 252627,0 минг сўм кредиторлик қарзлари шундан:
харидор ва буюртмачилардан олинган 3000,0 минг сўм муддати ўтган
бўнақлар, мол етказиб берувчилардан муддати ўтган 64471,0 минг
сўм, бюджетга муддати ўтган 117560,0 минг сўм, меҳнатга ҳақ тўлаш
бўйича муддати ўтган 5625,0 минг сўм, ижтимоий суғуртага мудда-
ти ўтган 51887,0 минг сўм, бюджетдан ташқари фондларга муддати
ўтган 7662,0 минг сўм, бошқа кредиторларга 2422,0 минг сўм қарзи
мавжуд бўлиб, корхона ўз фаолиятини 97289,0 минг сўм зарар би-
лан якунлаган. Бундан ташқари, корхона 147,0 млн.сўмлик асосий
воситалардан тўлиқ фойдаланмаган, 63,8 млн. сўмлик тайёр маҳсулот
сотилмаган, кредиторлик қарзлари 252,0 млн. сўмга, дебиторлик қар-
злари 49,0 млн. сўмга кўтарилган.

Суд мажлисида қарздор вакили корхона маҳсулот ишлаб чиқа-
риш бошлагани, бунинг натижасида бюджетга 15 млн. сўм тўлангани

ва қолган қарзларни ҳам тўлаш имконияти борлигини билдириб, қарзларни тўлаш учун муҳлат беришни сўради.

Суд қарздор корхона вакилининг илтимосини муҳокама қилиб, тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиққан ҳолда, қуйидаги асосларга кўра, илтимосномани қаноатлантиришни лозим деб топди.

_____ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 2002 йил 11 январдаги 12/65-сонли хатида кўрсатилишича, «Мебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати солиқлар ва пенсия жамғармаси бўйича ўз қарзи ҳисобига 14.947.213 сўм, шундан мол-мулкни сотишдан 7.645.183 сўм ва дебиторлардан 1.042.081 сўм тўлаган.

Бундан ташқари, 2002 йил 1 январ ҳолатига иш ҳақи бўйича муддати ўтган 5.900.000 сўмдан 3.300.000 сўм, кредиторларга 67.000.000 сўмдан 45.700.000 сўм тўланган, 47.000.000 сўм дебитордан 45.100.000 сўм ундирилган, қолдиқ 2.000.000 сўмни ташкил этган. 64.000.000 сўмлик маҳсулот сотилган бўлиб, шундан фойда 6.000.000 сўмни ташкил этади.

Дебиторлар билан тузилган солиштирма далолатномалар бўйича дебитор қарзи 3.296.912 сўмни ва ижрога қабул қилинган Россия Федерацияси Красноярск ўлкаси Арбитраж судининг А33-8223/01-С2-сонли иш бўйича чиқарган 2001 йил 27 сентябрдаги қарорига асосан 2001 йил 14 ноябрда берилган 028854-сонли ижро варақаси бўйича ООО ПКК «Реконструкция»дан 2.585.952 рублни ташкил этади.

Корхона ишлаб чиқаришда фойдаланмайдиган ва сотишга яроқли бўлган 39.000.000 сўмлик бинога, 14.900.000 сўмлик темир йўлга, 12.000.000 сўмлик асбоб-ускунага, 1.280.000 сўмлик тайёр маҳсулотга, 1.100.000 сўмлик материалларга эга. Корхонанинг 47.000.000 сўм дебитор қарзи мавжуд бўлиб, шу билан бирга хўжалик судининг қарорига асосан «Целлюлозстрой» корхонасидан ўз фойдасига 56.000.000 сўм ундириши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни 43-моддасида, қарздорда етарли миқдорда ликвид мол-мулк борлигидан шохидлик берувчи далиллар бўлган тақдирда хўжалик суди қарздорнинг илтимосномасига биноан банкротлик тўғрисидаги ишни кўришни кейинга қолдириш, қарздорга кредиторларнинг талабларини суд томонидан белгиланган муддатда қондиришни таклиф этишга ҳақли бўлиб, бу муддат ўттиз кундан ошмаслиги кўрсатилган.

Баён қилинганларга асосан ҳамда «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси ва Хўжалик процессуал кодексининг 131-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Мебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкатининг илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Қарздорга кредиторларнинг талабларини қондириш учун 30 кун муҳлат берилсин. Ишни кўриш шу муддатга қолдирилсин.

Судья

Ф. Шодмонов

*Судьяни рад қилиш қаноатлантирилмаслик
тўғрисида ажрим*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 20 июл

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг раиси С.Парпиев, даъвогар «Тўхтабой» хусусий корхонасининг «Дон маҳсулотлари» АЖга нисбатан 1.000.000 сўм қарзни ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича юритилган хўжалик ишини кўришда «Тўхтабой» хусусий корхонаси вакилининг раислик этувчини рад қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Иш мазмунига кўра, даъвогар «Тўхтабой» хусусий корхонаси «Дон маҳсулотлари» АЖга нисбатан 1.000.000 сўм қарзни ундириш тўғрисида даъво кўзғатган ва даъво аризаси судья И.Чоршанбиев томонидан иш юритувга қабул қилинган.

Мазкур хўжалик ишини кўриш жараёнида даъвогар вакили Т.Солиев судга ариза билан мурожаат қилиб, ишда раислик қилаётган судья И.Чоршанбиев олдин ҳам уларнинг даъвоси бўйича кўрилган ишда раислик қилганлиги ва даъво асосиз қаноатлантирилмагани учун уни рад қилишни сўраган.

Даъвогар вакилининг аризаси қуйидаги асосларга кўра, рад қилиниши лозим. Аниқланган ҳолатларга қараганда, ҳақиқатан ҳам судья И.Чоршанбиев томонидан аввал ҳам даъвогарнинг даъвоси бўйича хўжалик иши кўрилган бўлиб, суднинг ҳал қилув қарорига биноан даъво рад этилган ва юқори суд инстанциялари томонидан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ЎзР ХПКнинг 17-моддасида ишнинг шировард натижасидан шахсан, бевосита ёки билвосита манфаатдор бўлса, судья рад қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Бироқ юқорида қайд этилган ҳолатда судьянинг ҳолислигига шубҳа туғдирувчи ҳолатлар мавжуд эмас. Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 17, 21-моддаларига асосан, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Даъвогар вакили Т. Солиевнинг судья И.Чоршанбиевни рад қилиш тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд раиси

С. Парпиев

**Кассация шикоятини қайтариш
тўғрисида ажрим**

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2002 йил 12 март

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси А.Собиров, даъвогар «Мелиқўзи» фермер хўжалигининг жавобгар «Жомбой» ширкат хўжалигидан 2.987.098 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича вилоят хўжалик судининг 2002 йил 12 февралда чиқарган ҳал қилув қарори устидан жавобгар «Жомбой» ширкат хўжалиги томонидан келтирилган кассация шикояти ва унга илова қилинган ҳужжатларни ўрганиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Мелиқўзи» фермер хўжалиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Жомбой» ширкат хўжалигидан 2.987.098 сўм ундиришни сўраган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилган.

ЎзР ХПКнинг 178-моддасига кўра, кассация шикоятини бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар нусхаларини юборади. Шунга қарамадан, тақдим этилган ҳужжатлар орасида кассация шикоятининг нусхасини даъвогар «Мелиқўзи» фермер хўжалигига юборилганлигини тасдиқловчи далил мавжуд эмас.

Бундай ҳолатда ЎзР ХПКнинг 180-моддаси, 3-бандига кўра кассация шикояти қайтарилиши лозим. Шуларга асосан, ЎзР ХПКнинг 180-моддаси, 3-бандини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Жомбой» ширкат хўжалигининг 2002 йил 5 апрелдаги кассация шикояти унга илова қилинган 11 варақдаги ҳужжатлар билан бирга қайтарилсин.

Ажримдан норози тараф бир ой муддат ичида _____ вилоят хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

А.Собиров

*Даъвои қаноатлантириш тўғрисида
ҳал қилув қарори
(қарзни ундириш ҳақида)*

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И

_____ шаҳри
2002 йил 11 январ

-сонли иш

_____ вилоят (шаҳар) хўжалик суди судьяси Т. Алиевнинг ра-
ислигида, Р. Ашурованинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг
ёрдамчиси А. Носиров ҳамда томонлардан даъвогар вакили Т. Барно-
ев, адвокат С. Шукуров, жавобгар вакили Ф. Турсунов ва адвокат
Р. Собировларнинг иштирокида даъвогар «Садо» МЖЧнинг жавоб-
гар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан 3000401,25 сўм асосий қарз,
1440192,59 сўм пеня ва суд харажатларини ундириш ҳақидаги даъво
аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Даъвогар «Садо» МЖЧ хўжалик судига даъво аризаси билан му-
рожаат қилиб, жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан
3000401,25 сўм асосий қарзни, 1440192,59 сўм пеня ва суд харажат-
ларини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъвои қувватлаб, 2001 йил 14
майда тузилган шартномага асосан, даъвогар «Темир йўл» қурилиш
дирекциясига қурилиш маҳсулотлари (бетон, цемент, қувур) етказиб
берилганлиги, шунга қарамай жавобгар олинган маҳсулот учун
ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлигини кўрсатиб, даъвои қаноатланти-
ришни сўради.

Жавобгар вакили даъво талабларини қисман тан олди.

Суд томонларнинг важларини муҳокама қилиб, иш материалла-
рини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвои тўла қано-
атлантиришни лозим деб топди.

Аниқланган ҳолатларга кўра, томонлар ўртасида 2001 йил 14 майда
тузилган шартномага асосан, даъвогар жавобгарга қурилиш маҳсу-
лотларини етказиб бериш, жавобгар эса етказиб берилган маҳсулот-
лар ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган. Даъвогар ўз маж-
буриятини тўлиқ бажариб, қурилиш маҳсулотларини кўрсатилган

манзилга етказиб берган. Даъво талабларида қайд қилинган асосий қарз тарафлар ўртасида 2002 йил 1 январ ҳолатига тузилган солиштирма далолатнома ва ишдаги бошқа ҳужжатлар орқали тўла тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни-нинг 32-моддаси, 2-қисмига асосан, етказиб берилган маҳсулотлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлаши лозим.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни 32-моддаси, 2-қисми, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 333-моддаси ҳамда ЎзР ХПК нинг 135—138-моддаларини қўллаб, хўжалик суди

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъво қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан даъвогар «Садо» МЧЖ фойдасига 3000401,25 сўм асосий қарз, 1440192,59 сўм пеня, 88811,8 сўм давлат божи ва 2000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида _____ (шаҳар) хўжалик судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

Т. Алиев

*Даъвони қисман қаноатлантириш
тўғрисида ҳал қилув қарори
(қарзни ундириш ҳақида)*

**Ўзбекистон Республикаси номидан
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

_____ шаҳри
2002 йил 11 январ

-сонли иш

_____ вилоят (шаҳар) хўжалик суди судьяси Т. Ҳақимовнинг раислигида, Т. Саидованинг котиблигида ҳамда томонлардан даъвогар вакили И. Бекнозов, жавобгар вакили И. Қодировларнинг иштирокида даъвогар «Умид» масъулияти чекланган жамиятининг жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан 23.050.000 сўм асосий қарз, 11.525.000 сўм пеня ва суд харажатларини ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

«Умид» масъулияти чекланган жамият хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан 23.050.000 сўм асосий қарз, 11.525.000 сўм пеня ва суд харажатларини ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъвони қувватлаб, 1999 йил 4 декабрда тузилган шартномага асосан, даъвогар томонидан «Темир йўл» қурилиш дирекциясига 2-сорт темир йўл рельсларидан 92200 тонна етказиб берилганлигини, жавобгар эса маҳсулотнинг 15 %ни олдиндан тўлаб, қолган 85 %ни маҳсулот омборига келиб тушгач, 90 банк куни ичида тўлаши лозим бўлганлиги, лекин шунга қарамай жавобгардан олинган маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмаётганлигини кўрсатиб, даъвони қаноатлантиришни сўради.

Жавобгар вакили даъво талабларини қисман тан олди.

Суд томонларнинг вазларини муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъвони қисман қаноатлантиришни лозим деб топди. Аниқланган ҳолатларга кўра, томонлар ўртасида 1999 йил 4 декабрда тузилган шартномага асосан, даъвогар жавобгарга 2000 йил 1 февралдаги 17-сонли ишончнома ва 96-сонли юк хатига асосан жавобгарнинг вакили И. Қодиров орқали маҳсулотни тўлиқ етказиб берган.

ЎзР ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак. Шартноманинг 2.4-бандига кўра, маҳсулотнинг ҳақи у жавобгарнинг омборига келиб тушгач, 90 банк кун ичида, яъни 2000 йил 1 майгача тўлиқ тўланиши лозим бўлган. Аммо, жавобгар шартнома шартини бажармаган ҳолда маҳсулот ҳақини умуман тўламаган.

ЎзР ФКнинг 333-моддасига кўра, қарздор айби билан бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Ушбу кодекснинг 449-моддасига кўра, сотиб олувчи етказиб бериладиган товарлар ҳақини шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоблар тартиби ва шаклига амал қилган ҳолда тўлаши лозим. Шу сабабли суд асосий қарз суммасини ундиришни лозим деб топди.

Бундан ташқари, даъвогар маҳсулотнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун жавобгардан Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасига кўра, кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %, аммо кечиктирилган сумманинг 50 %дан ортиқ бўлмаган миқдорда, яъни 2000 йилнинг 1 майдан то 25 ноябргача (талабнома юборилган кун) жами 208 кунга 11.525.000 сўм пеня ундиришни сўраган.

ЎзР ФКнинг 324-моддасига кўра, қарздор мажбуриятини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шарт.

Даъвогар пеня суммасини тўғри ҳисоблаган бўлса-да, унинг ўзи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майдаги Фармони ва жавобгар билан тузилган шартноманинг 2.4-банди талабларини бузиб, олдиндан 15 %ли тўлов амалга оширилмасидан туриб, маҳсулотни жавобгарга бериб юборган. Бундан ташқари, дебиторлик қарзини ундириш чорасини ўз вақтида кўрмаган. ЎзР ФКнинг 335-моддасига кўра, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли мажбуриятни бажариш мумкин бўлмаслиги юз беришига ёки бажармаслик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, шунингдек, кредитор мажбуриятни бажармаслик етказилган зарарни камайтириш чораларини қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли кўрмаган бўлса, суд ишнинг ҳолатига кўра, тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли. Ушбу ҳуқуқ нормасидан келиб чиқиб,

суд сўралаётган пенянинг 10 %ни, яъни 1.152.500 сўмни ундиришни, қолган қисмини рад қилишни, давлат божини эса, тўлиқ жавобгардан ундиришни лозим деб топди.

Юқоридагиларга асосан ва ЎзР ФКнинг 234, 236, 238, 260, 324, 325, 333, 437, 449-моддалари, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни 32-моддасини ҳамда ЎзР ХПКнинг 135—138-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р К И Л А Д И :

Даъво қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар «Умид» масъулияти чекланган жамияти фойдасига жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекцияси ҳисобидан 23.050.000 (йигирма уч миллион эллик минг) сўм асосий қарз, 1.152.500 (бир миллион бир юз эллик икки минг беш юз сўм) сўм пеня ва 1800 (бир минг саккиз юз) сўм почта харажатлари ундирилсин.

Жавобгар «Темир йўл» қурилиш дирекциясидан даъвогарга 345750 сўм давлат божи ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисми рад қилинсин.

Хал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида _____ вилоят (шаҳар) хўжалик судига апелляция тартибида шикоят келтириши мумкин.

Судья

Т. Ҳақимов

*Аризани рад қилиш тўғрисида
ҳал қилув қарори*

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ А Л Қ И Л У В Қ А Р О Р И

_____ шаҳри
2002 йил 5 март

-сонли иш

_____ вилоят (шаҳар) хўжалик суди Т. Алиевнинг раислигида, Р. Ашурованинг котиблигида, _____ вилоят (шаҳар) прокурори ёрдамчиси С. Алиев ҳамда аризачи вакили Т. Носиров иштирокида «Солижон» масъулияти чекланган жамиятининг _____ шаҳар, _____ тумани, Заргарлик кўчаси, 23-уй манзилидаги жами майдони 346,6 кв.м. бўлган бинога нисбатан мулк ҳуқуқини тан олиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Аризачи «Солижон» масъулияти чекланган жамияти хўжалик судига мурожаат қилиб, «Ҳикмат» акционерлик жамияти бошқарув ҳайъатининг 2002 йил 7 январдаги йиғилиш қарорига кўра _____ шаҳар, _____ тумани, Заргарлик кўчаси, 23-уй манзилидаги жами майдони 346,6 кв.м. бўлган бино (савдо павильони) Б.Тошмухаммедовнинг 460. 000 сўмлик пулига қурилганлиги учун сотиб олинганлиги, кейинчалик тadbirkorлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида «Ҳикмат» акционерлик жамиятининг руҳсати билан сотиб олинган ерда қурилиш ишлари олиб борилганлиги, қурилиш учун харажатлар «Солижон» масъулияти чекланган жамиятининг таъсисчиларидан бири ва директори бўлмиш Б. Тошмухаммедовнинг шахсий маблағи ҳисобидан тўланганлиги, Б. Тошмухаммедовнинг бинога бўлган мулк ҳуқуқини «Солижон» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан тан олиш ҳамда ер ажратиш ҳақидаги аризаси _____ шаҳар ва _____ туман ҳокимиятлари томонидан қаноатлантирилмасдан қолдирилганлигини кўрсатиб, мазкур бинога бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқлашни сўраган.

Суд мажлисида аризачининг вакили аризани қувватлаб, ўз талабларини қаноатлантиришни сўради.

Суд аризачининг кўргазмаларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрга-

ниб чиққан ҳолда қуйидаги асосларга кўра, аризачининг талабини рад қилиш ва суд харажатларини аризачидан ундиришни лозим деб топди.

ЎзР ФКнинг 182-моддасида мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи асослар кўрсатилган бўлса-да, мазкур иш бўйича мулк ҳуқуқини тасдиқлаш сўралаётган бинони МЧЖга ўтганлигини тасдиқловчи қонуний асос, яъни биронта ҳужжат судга тақдим этилмади.

«Ҳикмат» акционерлик жамияти бошқарув ҳайъатининг 2002 йил 7 январдаги 2-баённомасининг 4-банди, 3-хат бошида кўрсатилишича, ер майдони бино қуриш учун Б.Тошмуҳаммедовга 1997 йилда берилган. Ўша пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги Қонуни 5, 12 ва 34-моддаларига кўра, _____ шаҳрида қурилиш учун ер майдони ажратиб бериш ваколоти _____ шаҳар ҳокимиятининг мутлақ ваколотига кирган. Яъни, қурилиш учун ер майдони ажратиш «Ҳикмат» акционерлик жамияти бошқарув ҳайъатининг ваколотига кирмаган.

Юқориди қайд этилган баённоманинг 4-банди, 3-қисмида кўрсатилишича, ер майдони фуқаро Б.Тошмуҳаммедовга берилган. Аризачининг аризасида таъкидланишича, бино фуқаро Б.Тошмуҳаммедовнинг шахсий маблағи ҳисобидан қурилган. Аммо Б.Тошмуҳаммедов бинони, аввало, ўз номига расмийлаштирмасдан туриб, уни «Солижон» масъулияти чекланган жамиятига устав фонди сифатида киритишга ҳақли бўлмаган. Қолаверса, иш материалларида бино Б.Тошмуҳаммедов томонидан «Солижон» масъулияти чекланган жамиятига устав фонди сифатида киритилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам йўқдир.

ЎзР ФКнинг 212-модда, 1 ва 2-қисмларига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмастан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатини тасарруф этишга -- сотиш, ҳадя этиш, ижарага бериш, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Юқоридагиларга асосан, ЎзР ФКнинг 9, 10, 164, 182, 212-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 135—138-моддаларини қўллаган ҳолда суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Аризачининг талаби рад қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида _____ вилоят (шаҳар) хўжалик судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

Т. Алиев

Даъвои рад қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ шаҳри
2002 йил 10 январ

-сонли иш

_____ вилоят (шаҳар) хўжалик суди Т. Ҳақимовнинг раислигида, С. Исмоиловнинг котиблигида ҳамда томонлардан даъвогар вакили Т. Исомов, жавобгар вакили Х.Тиллаевларнинг иштирокида даъвогар _____ туман ҳокими ижроия маҳкамасининг жавобгар «Иссиққувват» очиқ турдаги акционерлик жамиятидан 10075931 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

_____ туман ҳокими ижроия маҳкамаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Иссиққувват» очиқ турдаги акционерлик жамиятидан 10075931 сўм ундиришни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили даъвои қувватлаб, жавобгар билан _____ туман буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси ўртасида 2000 йил 1 июлда 168-сонли иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узатиш тўғрисидаги шартнома тузилганлиги, _____ шаҳар ҳокимининг 2000 йил 16 октябрда 556-сонли қарори чиқарилиб, унда шаҳарда иссиқлик энергиясини 2000 йилнинг 18 октябридан узатиш лозимлиги кўрсатилган бўлса-да, жавобгар шартномани шартларини бузиб, иссиқлик энергиясини 2000 йилнинг 25 октябридан узатганлиги, шу боис жавобгардан 2000 йилнинг 18 октябрдан то 25 октябригача бўлган давр учун унга тўланган иссиқлик энергияси ҳақини қайтариб беришни сўраган.

Жавобгар вакили даъвои тан олмасдан уни рад этишни сўради.

Суд томонларнинг важларини муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, даъво рад қилиниши лозим, деб ҳисоблайди.

Даъвогар _____ туман буюртмачи хизмати давлат унитар корхонасининг судга тақдим этган уставининг 4-банди, 2-қисмига кўра, мазкур корхона алоҳида юридик шахс бўлиб ҳисобланади.

2000 йил 1 июлдаги 168-сонли иссиқлик энергияси ва иссиқ сув узатиш шартномаси жавобгар билан _____ туман буюртмачи хизмати давлат унитар корхонаси ўртасида тузилган бўлиб, _____ туман ҳокимининг ижроия маҳкамаси бу ерда жавобгар билан бевожоба шартномавий муносабатга киришмаган ва у билан низолашилаётган шартнома бўйича ҳеч қандай ҳисоб-китоб қилмаган.

Бундай ҳолатда суд даъво талаби рад қилиниши ва барча суд харажатлари даъвогар зиммасида қолдирилиши лозим, деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, ЎзР ФКнинг 234, 236-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 135, 138-моддаларини қўллаб, хўжалик суди

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Даъвогар _____ туман ҳокими ижроия маҳкамасининг жавобгар «Иссиққувват» очиқ турдаги акционерлик жамиятидан 10075931 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси рад қилинсин.

Ҳал қилув қароридан норози томонлар бир ой ичида _____ вилоят хўжалик судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Судья

Т. Ҳақимов

*Банкрот деб эътироф этиш
тўғрисида ҳал қилув қарори*

Ўзбекистон Республикаси помидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ шаҳри
2002 йил 9 апрел

-сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди М. Болтаевнинг раислигида, Д. Ҳошимованинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси И. Муҳаммедов, аризачи даъвогар вакили Р. Норбоевларнинг иштирокида даъвогар _____ туман Давлат солиқ инспекциясининг «Гўзал» кичик корхонасини банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги 2002 йил 27 февралдаги 12F4-196-сонли аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни:

А Н И Қ Л А Д И :

Аризачи _____ туман Давлат солиқ инспекцияси хўжалик судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Гўзал» кичик корхонасини банкрот деб эътироф этишни сўраган.

Ариза мазмунига кўра, «Гўзал» кичик корхонаси _____ туман ҳокимининг 1995 йил 9 мартдаги 82-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтган. Корхона таъсисчиси ва раҳбари И. Мирзааҳмедов _____ туман судининг 1999 йил 30 сентябрдаги ҳукми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилингандан сўнг, корхона фаолият кўрсатмаган. Корхонанинг 2002 йилнинг 25 февралгача бюджет олдида 2.518.799 сўм боқиманда қарзи ва 3.559.700 сўм пеня мавжуд бўлиб, қарзларини тўлаш имкониятига эга эмас.

Суд мажлисида аризачи вакили аризани қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Суд иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра, аризани қаноатлантириш лозим, деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, _____ туман ҳокимининг 1995 йил 9 мартдаги 82-сонли қарори билан «Гўзал» кичик корхонаси давлат рўйхатига олинган. АТ «Тадбиркорбанк» _____ туман бўлимининг маълумотномасига кўра, «Гўзал» кичик корхонасининг ҳисоб рақами бўйича охириги операцияси 1998 йилда бўлган ва 2-сонли картотекада 3.067.420 сўм мавжуд. _____ туман солиқ инспекциясининг маълумотномасига кўра, 2002 йил 25 февралгача «Гўзал» ки-

чик корхонасининг солиқ бўйича бюджетга қарзи 2.518.799 сўми, пеня 3.559.700 сўми ташкил этади.

_____ туман судининг 1999 йил 30 сентябрдаги ҳукми билан корхона раҳбари И. Мирзааҳмедов ЎзР ЖКнинг 273-моддаси, 5-қисми билан 10 йилга озодликдан маҳрум қилинган. «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига биноан, юридик шахс пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 3, 41-моддалари ва ЎзР ХПКнинг 30, 154, 135, 138-моддаларини қўллаган ҳолда суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Аризачининг талаби қаноатлантирилсин.

_____ тумандаги «Гўзал» кичик корхонаси банкрот деб эътироф этилсин.

Тугатишга доир иш юритилсин.

_____ туман Давлат солиқ инспекциясининг инспектори Б. Юсупов ишончли шахс тайинлансин ва унга «Гўзал» кичик корхонаси банкрот деб эътироф этилганлиги ҳамда тугатишга доир иш юритиш очилганлиги ҳақида газетада эълон бериш юклатилсин.

«Гўзал» кичик корхонаси ҳисобидан республика бюджетига 67.065 сўм давлат божи, _____ вилояти хўжалик суди фойдасига 11.835 сўм давлат божи ва 2836 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Судья

М. Болтаев

*Корхонани банкрот деб эътироф
этиш ҳақида ҳал қилув қарори
(прокурор аризаси бўйича)*

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

_____ шаҳри
2002 йил 25 феврал

-сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди судья Т. Парпиевнинг раислигида, М. Низомованинг котиблигида, вилоят прокурорининг ёрдамчиси С. Ботиров ҳамда Гулобод шаҳар ДСИ вакили И. Усмонқулов, «Гулободмебел» ТИЧШ директори вазифасини бажарувчи Ф. Асоровларнинг иштирокида аризачи _____ вилоят прокурорининг Гулобод шаҳар Давлат солиқ инспекцияси манфаатини кўзлаб, «Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати банкрот деб эътироф этиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Аризада кўрсатилишича, мебел маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати Гулобод шаҳар ҳокимининг 1994 йил 30 мартдаги 206-сонли қарори билан давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, устав капитали — 67162,0 минг сўмни, мол-мулк қиймати — 226011,0 минг сўмни, корхонанинг 2001 йил 1 январ ҳолатига тақдим этган балансига кўра, дебитор қарзлари 49072,0 минг сўмни, кредитор қарзлари 252627,0 минг сўмни, шундан харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар 3000,0 минг сўмни, мол етказиб берувчилардан 64471,0 минг сўмни, бюджет олдидаги қарзлари 117560,0 минг сўмни, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлари 5625,0 минг сўмни, ижтимоий суғурта бўйича қарзлари 51887,0 минг сўмни, бюджетдан ташқари фондларга қарзлари 7662,0 минг сўмни, бошқа кредиторларга қарзлари 2422,0 минг сўмни ташкил этган. 2001 йил 1 январ ҳолатига корхона ўз фаолиятини 97289,0 минг сўм зарар билан якунлаган ва оморда 63,8 млн. сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан қолган. Гулобод шаҳар ДСИ билан тузилган солиштирма далолатномага кўра, ширкатнинг бюджетга қарзи 299297910,91 сўмни ташкил этиши ва корхона қарзларини

тўлаш имкониятига эга бўлмагани учун аризачи уни банкрот деб эътироф этишни сўраган.

Суд мажлисида аризачининг вакили аризани қувватлаб, уни қаноатлантиришни сўради.

Гулобод шаҳар ДСИ вакили ҳам аризани қувватлаб, корхонанинг барча мол-мулки унинг бюджет қарзлари ҳисобига _____ вилоят хўжалик суди томонидан берилган суд буйруғига асосан хатланганлиги ва биржа савдоларига қўйилганлиги ҳамда ҳозирда сотилаётганлиги, бироқ корхона бу билан бюджет қарзларини қоплашга қодир эмаслиги боис корхона банкрот ҳолатида эканлигини билдирди.

«Гулободмебел» вакили ҳақиқатан ҳам, корхона оғир иқтисодий аҳволда эканлигини тан олиб, агар корхонага вақт берилса, аҳвол яхшиланиши, бунинг учун имконият мавжудлигини билдириб, корхонани сақлаб қолишни сўради.

Суд тарафларнинг тушунтиришлари, тақдим қилинган ҳужжатлар ва иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра «Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкатини банкрот деб эътироф этишни лозим, деб топди.

Ҳақиқатан ҳам иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Гулобод вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан берилган хулосада кўрсатилишича, корхонанинг 2001 йил 1 январ ҳолатига бухгалтерия баланси кўрсаткичлари бўйича дебитор қарзлари 49072,0 минг сўми, кредитор қарзлари 252627,0 минг сўми, шундан харидор ва буюртмачилардан олинган бўнақлар 3000,0 минг сўми, мол етказиб берувчилардан қарзлари 64471,0 минг сўми, бюджет олдидаги қарзлари 117560,0 минг сўми, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлари 5625,0 минг сўми, ижтимоий суғурта бўйича қарзлари 51887,0 минг сўми, бюджетдан ташқари фондларга қарзлари 7662,0 минг сўми, бошқа кредиторларга қарзлари 2422,0 минг сўми ташкил этган.

Гулобод шаҳар ДСИнинг бюджет тўловлари бўйича таққослаш далолатномасига асосан корхонанинг жами боқиманда қарзи 2001 йилнинг 1 январ ҳолатига 77785,9 минг сўми, устама жаримаси 40402,0 минг сўми, 2001 йилнинг 8 январ ҳолатига жами боқиманда қарзи 208582,6 минг сўми, устама жаримаси эса 90715,3 минг сўми ташкил этган бўлиб, асосий қарз 130796,7 минг сўмга ёки 63 фоизга, устама жаримаси эса 50313,3 минг сўмга ёки 56 фоизга ортган. Айланма маблағларнинг етишмаслиги, мавжуд айланма маблағлардан оқилона фойдаланилмаганлиги ва корхонанинг узоқ вақт давомида фаолият кўрсатмаганлиги унинг банкротлик ҳолатига тунишига сабаб бўлган.

Гулобод шаҳар ДСИнинг маълумотномасига кўра, корхонанинг 9620275 сўм бюджет қарзларини ундириш учун _____ вилоят хўжалик судининг 1998 йил 18 августдаги 04F21-371-сонли суд буйруғига асосан, жами 9291463,73 сўмлик мол-мулки хатланиб, шундан 1050312,4 сўмлик мол-мулк сотилган, қолган 5723318,9 сўмлик асосий воситалар ва тайёр маҳсулотлар харидоргир бўлмагани учун сотилмаган ва корхонага қайтариб берилган. 8750322,29 сўмлик асбоб-ускуналар _____ вилоят биржасида савдога қўйилган. Корхонанинг 25438000 сўм бюджетга бўлган қарзини ундириш учун берилган _____ вилоят хўжалик судининг 1999 йил 31 декабрдаги 01F45-908—сонли суд буйруғига асосан, корхонанинг 25834407 сўмлик мол-мулки хатланган ва 7200000 сўмга сотилган. Корхонанинг 31216112 сўм бюджет қарзини ундириш учун берилган _____ вилоят хўжалик судининг 2000 йил 4 августдаги 01F45-336-сонли суд буйруғига асосан, корхонанинг 37669920 сўмлик мол-мулки хатланган ва шундан савдо дўкони орқали 41420,47 сўмга сотилган. Корхонанинг 59454520 сўм бюджет қарзини ундириш учун берилган _____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 26 мартдаги 1F45-110-сонли суд буйруғига биноан корхонанинг 60879589 сўмлик мол-мулки хатланган ва биржа савдосига қўйилган, шундан 5000000 сўмлик мулк сотилган. Корхонанинг 136012192 сўм бюджет қарзини ундириш учун берилган _____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 23 июндаги 01F45-319-сонли суд буйруғига асосан-корхонанинг қолган 42799977,89 сўмлик бино ва асбоб-ускуналари хатланган ва биржа савдосига қўйилган. 2002 йилнинг 14 феврал ҳолатига корхонанинг хатланган мол-мулк қолдиғи 123795640,18 сўмни, боқиманда қарзи 204028998,49 сўмни, устама жарима 12404528,21 сўмни, жами 328074283,7 сўмни ташкил этади.

«Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига биноан, юридик шахснинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондириш ёки мажбурий тўловларни бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ёки тўлов мажбурияти юзага келган кундан эътиборан олти ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломати деб эътироф этилади.

«Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати кредиторлари йиғилишининг 2001 йил 25 декабрдаги қарори билан қарздорни банкрот деб топишга келишилган ва _____ вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича ҳудудий бошқармасининг тугатиш бўлими бошлиғи Ю. Бадаловни тугатиш комиссиясининг ишончли шахси этиб тайинлаш таклиф қилинган.

Юқоридагиларга асосан, «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 41-моддалари ҳамда ЎзР ХПКнинг 30, 135, 138, 154-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

Аризачининг талаблари қаноатлантирилсин.

Гулобод шаҳридаги «Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати банкрот деб этироф қилинсин.

Корхонани тугатишга доир иш юритилсин.

_____ вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича ҳудудий бошқармасининг тугатиш бўлими бошлиғи Ю. Бадалов ишончли шахс деб тайинлансин ва унга «Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати банкрот деб этироф этилганлиги ҳамда тугатишга доир иш юритилганлиги хусусида газетада эълон бериш билан бирга Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунининг 88-моддасига мувофиқ, тугатиш ишларининг натижалари хусусидаги якуний ҳисоботни судга тақдим этиш мажбурияти юклатилсин.

«Гулободмебел» тижорат ишлаб чиқариш ширкати ҳисобидан энг кам иш ҳақининг 20 баробари миқдорида республика бюджетига _____ сўм ва хўжалик судларининг ривожлантириш фондига _____ сўм, жами _____ сўм давлат божи ҳамда _____ вилоят хўжалик суди фойдасига _____ сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ҳал қилув қарори дарҳол ижрога қаратилсин.

Ҳал қилув қарори устидан бир ой ичида _____ вилоят хўжалик судига апелляция тартибида шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Судья

Т. Парпиев

СУД БУЙРУҒИ

_____ шаҳри
2002 йил 25 июл

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Т.Б. Алимбеков томонидан берилди.

Кредитор: «Атиргул» корхонаси
(_____ шаҳар, Олтин кўчаси, 40-уй).

Қарздор: «Қизил шаршара» уй-жой мулкдорлари ширкати
(_____ вилояти, _____ шаҳар, Тутзор кўчаси, 12-уй).

Талаб мазмуни: Шартнома бўйича тўланмаган қарзни қарздорнинг ҳисоб рақамидан ундириш тўғрисида.

ЎзР ХПКнинг 109, 110-моддаларига асосан, қарздор «Қизил шаршара» уй-жой мулкдорлари ширкати ҳисобидан «Атиргул» корхонаси фойдасига асосий қарз 1.179.040 (бир миллион бир юз етмиш тўққиз минг қирқ) сўм, 117.904 (бир юз ўн етти минг тўққиз юз тўрт) сўм давлат божи ва 2.836 (икки минг саккиз юз ўттиз олти) сўм почта харажатлари ундирилсин.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундириш буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎзР ХПКнинг 218-моддасига кўра, ижро варақаси топширилган банк ёки бошқа кредит муассасаси пул маблағларини ундириш тўғрисидаги суд ҳужжатини ижро этмаганлиги учун унга хўжалик суди ундирилиши керак бўлган сумманинг эллик фоизигача миқдорда жарима солади.

Ижро варақасида кўрсатилган ҳаракатларни бажариш зиммасига юклатилган шахс ана шу ҳаракатларни бажармаганлиги учун унга энг кам иш ҳақининг икки юз бараваригача миқдорда жарима солинади.

Жаримани тўлаш суд ҳужжатини ижро этиш мажбуриятидан озод қилмайди.

М.Ў.

Судья

Т.Б.Алимбеков

Иккинчи бўлим

Апелляция инстанциясида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари

*Апелляция инстанциясининг
ҳал қилув қарорини ўз кучида
қолдириш тўғрисидаги қарори*

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2001 йил 8 ноябр

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси раислик этувчи Р. Шокиров, ҳайъат аъзолари К. Холиқов, Ш. Муродовлардан иборат таркибда, М. Салимованинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Т. Воҳидов, даъвогар вакили П. Иброҳимов ва жавобгар вакили М. Искандаровларнинг иштирокида, даъвогар «Дархон пластмасса» акционерлик жамиятининг жавобгар _____ туман «Агрокимётаъминот» акционерлик жамиятидан етказиб берилган маҳсулот учун қарз ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича вилоят хўжалик судининг _____ -сонли иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори устидан жавобгар «Агрокимётаъминот» акционерлик жамияти томонидан келтирилган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, куйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Дархон пластмасса» акционерлик жамияти хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар _____ туман «Агрокимётаъминот» акционерлик жамиятидан етказиб берилган маҳсулотлар учун 14.343.664 сўм қарзни, 7.171.832 сўм пеня, 216.604 сўм давлат божи ва суд харажатларини, жами 21.732.100 сўм ундиришни сўраган.

_____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилган ва жа-

вобгарнинг ҳисоб рақамидан даъвогар фойдасига 14.046.080 сўм асосий қарз, 315.563 сўм пеня, 215.155 сўм давлат божи, 2836 сўм почта харажати, жами 14.579.634 сўм ундирилган (судья Б.Тошев).

Апелляция шикоятда шикоят бериш муддатини тиклаш, шартнома шартлари тузилишида даъвогарнинг айби ҳам борлигига суд томонидан эътибор берилмаганлиги учун ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Апелляция ҳайъати иш бўйича судья Ш.Муродовнинг маърузасини тинглаб, томонларнинг апелляция шикояти бўйича келтирган важларини, прокурорнинг суд қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрини муҳокама қилиб, иш материалларини ўрганиб чиққан ҳолда куйидаги асосларга кўра, апелляция шикояти бериш муддатини тиклашни ва суд қарорларини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Суд томонидан қабул қилинган қарорларни тарафларга юборилганлиги ёки тилхат билан топширилганлиги тўғрисида иш ҳужжатларида далиллар мавжуд эмас. Шунинг учун апелляция инстанцияси жавобгарнинг апелляция шикояти бериш муддатини тиклаш тўғрисидаги аризасини асосли деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг ҳақиқий ҳолати тўғри аниқланган ва тўпланган далиллар ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолисона текширилган. Жавобгар даъвогардан 67.243.900 сўмлик маҳсулот олган, шундан 52.900.332 сўмини тўлаган ва даъво аризаси берилганда қолдиқ 14.343.664 сўмни ташкил этган. Шундан кейин жавобгар яна 297.584 сўмни тўлаган. Даъвогарнинг 7.171.832 сўм пеня ундириш тўғрисидаги талаби биринчи инстанция суди томонидан атрофлича муҳокама қилинган ва даъвогарнинг шартнома шартларига риоя қилмаган ҳолда олдиндан 100 фоиз тўловсиз маҳсулот берганлигига, жавобгар олинган маҳсулот учун қисман тўловни амалга ошириш чорасини кўрганлигига, тўлов 110 кунга эмас, балки 90 кунга кечиктирилганлигига, жавобгар маҳсулотни пахтакор хўжаликларга тарқатганлигига, асосий қарз жавобгарга боғлиқ бўлмаган сабаб билан ўз вақтида амалга оширилмаганлигига, жавобгарнинг иқтисодий, молиявий жиҳатдан оғир аҳволда қолганлигига, талаб қилинган пеня миқдори жавобгарнинг хагги-ҳаракати ва ҳаракатсизлигига нисбатан номуганосиб эканлигига асослантирилган ҳолда баҳо берилган.

Биринчи инстанция суди юқоридаги ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ЎзР Фуқаролик кодексининг 326 ва 335-моддаларини қўллаш

билан пеня миқдорини 315.563 сўмга қадар камайтириб, қолган қисмини рад этиб тўғри хулоса қилган.

ЎзР ХПКнинг 169-моддасига биноан, хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги, хўжалик суди аниқланган, деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги, ҳал қилув қарорида баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларга мувофиқ келмаслиги, моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги асос бўлади.

Биринчи инстанция суди томонидан мазкур иш бўйича қарор қабул қилишда қонун талабларига тўла риоя этилган бўлиб, уни бекор қилишга ёки ўзгартиришга асос йўқ.

Юқоридагиларга асосан ҳамда ЎзР ХПКнинг 157, 164, 166—168, 171-моддаларини қўллаб, апелляция инстанцияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг _____ — сонли иши бўйича қабул қилинган 2001 йил 23 августдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, апелляция шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Қарордан норози томонлар бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Р. Шокиров

Ҳайъат аъзолари

**К. Холиқов
Ш. Муродов**

Апелляция инстанциясининг ҳал қилув қарорини қисман ўзгартириш тўғрисидаги қарори

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2001 йил 23 декабр

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси раислик этувчи Ш. Аҳмедов, ҳайъат аъзолари Р. Эргашев, Т. Қосимовлардан иборат таркибда, П. Эрдонованинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Р. Олимов, даъвогар вакили С. Фаффоров, жавобгар вакили Б. Юнусовларнинг иштирокида, даъвогар «Умид» ҳиссадорлик жамиятининг жавобгар «Жамол» ширкат хўжалигидан 103100 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича _____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 25 октябрдаги _____ сонли иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори устидан жавобгар «Жамол» ширкат хўжалиги томонидан келтирилган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Умид» ҳиссадорлик матлубот жамияти даъво ариза билан судга мурожаат қилиб, жавобгар «Жамол» ширкат хўжалигидан шартнома бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун 50000 сўм асосий қарз, тўлов кечиктирилганлиги учун 45800 сўм пеня ва тўловдан бош тортганлик учун 7500 сўм жарима ундиришни сўраган.

_____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори билан (судья А. Тошев) даъвогарнинг даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 50000 сўм асосий қарз, 25000 сўм пеня, 2250 сўм давлат божи ва 2836 сўм суд ва почта харажатлари, жами 80086 сўм ундирилган. Даъво талабларининг қолган қисми рад этилган.

Апелляция шикоятида жавобгар олинган маҳсулот учун тўлов ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар амалга оширилганлигини, суд томонидан низони ҳал этишда иш ҳолатларига тўла баҳо

берилмаганлигини кўрсатиб, биринчи босқич судининг 2001 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори бекор қилини ва даъвоғони рад этишни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Т. Қосимовнинг маърузасини, томонларнинг апелляция шикоятни бўйича келтирган важдларини ҳамда прокурорнинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш тўғрисидаги хулосасини эшитиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра шикоятни қисман қаноатлантиришни ва ҳал қилув қарорини қисман ўзгартиришни лозим деб ҳисоблайди.

Даъво аризасида таъкидланишича, даъвогардан томонлар ўртасида 2000 йил 26 июлда тузилган 103-сонли маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартнома асосида 2000 йил 14 сентябрдаги 229-сонли ишончнома билан жавобгар ўз вакили А. Мирзаев орқали 2000 йил 14 сентябрдаги 14-сонли накладнойга кўра 50000 сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини олган, шунинг учун даъвогар жаобгардан 50000 сўм асосий қарз, 45800 сўм пеня ва 7500 сўм жарима ундиришни сўраган.

Даъво аризасида маҳсулот А. Мирзаев томонидан 2000 йил 14 сентябрдаги 229-сонли ишончномага кўра, олинганлиги баён қилинган бўлса-да, даъво аризага (иш варағи 9) 2000 йил сентябрдаги санаси мавжуд бўлмаган 22-сонли юк хати илова қилинган бўлиб, унга кўра мазкур маҳсулот даъвогар томонидан 2000 йил 22 сентябрдан 57-сонли ишончнома асосида «Тошлоқ» жамоа хўжалигига берилган.

«Жамол» ширкат хўжалиги бошқарув раиси Т. Ҳопимовнинг вилоят хўжалиги судига 2001 йил 15 декабрда йўллаган 145-сонли хати (ишнинг 40 варағи) ва вилоят прокурорига юборган 2001 йил 6 ноябрдаги 129-сонли аризасидан кўринишича (ишнинг 41-варағи) ҳақиқатан ҳам ширкат хўжалиги томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари 2000 йил 14 сентябрда қабул қилинган бўлиб, олинган маҳсулот бўйича даъвогар билан ҳисоб-китоб қилинган.

Судлов ҳайъати томонидан жавобгарнинг важдлари текшириб кўрилганда ушбу ҳолатни тасдиқловчи 2000 йил 2 ноябрдаги 112-сонли тўлов талабномасида кўрсатилган сумма миқдори олинган маҳсулот учун тўланиши лозим бўлган суммадан кам эканлиги аниқланди.

«Умид» ҳиссадорлик матлубот жамияти раиси А. Олтоев апелляция шикоятни бўйича билдирган ёзма фикрида жавобгар 2000 йил 19 декабрдаги 496-сонли ва 2001 йил 2 майдаги 425-сонли талабномаларни жавобсиз қолдирганлигини, қарз 2000 йил 2 ноябрдаги

112-сонли тўлов топшириқномаси билан қисман қопланганлигини баён қилиб, ҳисобчиси томонидан «Жамол» ширкат хўжалигининг 50000 сўм қарзи мавжудлиги ҳақида нотўғри маълумот берилганлиги туфайли даъво аризасини, даъво суммаси ошириб юборилганлигини кўрсатган ва жавобгар томонидан тўланган сумма миқдори 10000 сўмни ташкил этганлиги боис, жавобгарнинг қарзи 40000 сўм эканлигини қайд этган.

Биринчи босқич суди низони ҳал этишда ишда мавжуд бўлган ҳужжатларга етарли даражада эътибор бермаганлиги оқибатида низони ҳал этишда хатоликка йўл қўйилган. Суд томонидан тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг мавжудлиги ҳамда тарафларнинг ҳаракатларига баҳо берилган бўлса-да, олинган маҳсулот учун жавобгар томонидан тўланган сумма миқдорига, яъни тўлов ҳужжатларига эътибор берилмаган.

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар даъвогар олдидаги ўз мажбуриятларини тўла бажармаган ҳолда олинган 50000 сўмлик маҳсулот учун 10000 сўм тўлаган, холос. Ушбу суммдан ортиқ тўловнинг амалга оширганлиги тўғрисида жавобгар судга ҳеч қандай далил тақдим эга олмайди. Бундай ҳолатда жавобгардан даъвогар фойдасига 40000 сўмни ундириш лозим бўлиб, биринчи босқич суди томонидан ундирилган пеня миқдорини ҳам камайтириш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 437-моддасида маҳсулот етказиб бериш шартномасининг мазмуни кўрсатилган бўлиб, унга кўра маҳсулот етказиб берувчи—сотувчи ўзи ишлаб чиқарган ёки сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиши ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Тарафлар ўртасида тузилган шартномада тўловни кечиктирилганлик учун жавобгарлик чораси кўзда тутилмаганлиги боис суд ушбу ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддасини қўллашчи лозим топади.

Ушбу Қонуннинг 32-моддасига мувофиқ етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг

168-моддаси, 3-бандига кўра, апелляция инстанцияси суднинг ҳал қилув қарорини ўзгартиришга ҳақли.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга асосан, апелляция ҳайъати биринчи инстанция судининг мазкур иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ўзгартирилиши лозим деб ҳисоблайди.

ЎзР ХПКнинг 95-моддасига кўра, суд харажатлари ишда ишти-рок этувчи шахсларга уларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдориди мутаносиб равишда юкланади.

Апелляция ҳайъати ишни кўриш билан боғлиқ бўлган суд хара-жатларини тақсимлаш масаласини муҳокама қилиб, давлат божи тўлаш мажбуриятини ундирилган суммага мутаносиб равишда жавобгар зиммасига юклашни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ЎзР ФКнинг 333, 437-моддалари, ЎзР ХПКнинг 95, 168, 169, 171-моддаларини қўллаган ҳолда суд-лов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Апелляция шикоятни қисман қаноатлантирилсин.

Даъвогар «Умид» ҳиссадорлик жамиятининг жавобгар «Жамол» ширкат хўжалигидан 103100 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйи-ча вилоят хўжалик судининг 2001 йил 25 октябрдаги ҳал қилув қарори ўзгартирилсин.

«Жамол» ширкат хўжалигидан «Умид» ҳиссадорлик матлубот жа-мияти фойдасига 40000 сўм асосий қарз, 20000 сўм пеня, 1800 сўм давлат божи ва 2836 сўм почта харажатлари ундирилсин. Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Қарордан норози томонлар бир ой муддат ичида _____ вилоят хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик су-дига кассация шикояти (протести) келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш. Аҳмедов

Ҳайъат аъзолари

**Р. Эргашев
Т. Қосимов**

*Апелляция инстанциясининг ҳал қилув
қарорини бекор қилиш ва янги қарор
қабул қилиш тўғрисидаги қарори*

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2002 йил 20 феврал

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси раис-лик қилувчи К. Бобоев, ҳайъат аъзолари Ж. Солиҳов, К. Қосимовлардан иборат таркибда, О. Турсуновнинг котиблигида, _____ вилоят прокурорининг ёрдамчиси Ю. Тошматов, даъвогар вакили С. Юсупов ва жавобгар вакили Ш. Шомирзаевларнинг иштирокида, даъвогар _____ туман автомобил йўллар бошқармасининг жавобгар «Граф» хусусий дўконидан мажбурий тўлов бўйича 2.923.590 сўм асосий қарзни, тўловни кечиктирганлик учун 1.052.492 сўм пеня, тўловдан асосиз бош тортганлик учун 291.386 сўм жарима ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича вилоят хўжалик судининг 01/30-09-сонли иш юзасидан чиқарган ҳал қилув қарори устидан даъвогар _____ туман автомобил йўллар бошқармаси томонидан келтирилган апелляция шикоятини ҳамда _____ вилоят прокурори ўринбосарининг апелляция протестини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар _____ туман автомобил йўллар бошқармаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Граф» хусусий дўконидан мажбурий тўлов бўйича 2.923.590 сўм асосий қарзни, тўловни кечиктиргани учун 1.052.492 сўм пеня, тўловдан асосиз бош тортгани учун 291.386 сўм жарима ундиришни сўраган.

_____ вилоят хўжалик судининг 2002 йил 31 январдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган (судья О. Ҳамроев).

Апелляция шикоятда суд томонидан иш ҳолатларига нотўғри баҳо берилганлиги ва низони ҳал этишда меъёрий-ҳуқуқий нормалар нотўғри талқин қилганлиги учун ҳал қилув қарорини бекор қилиш сўралган.

Апелляция протестда ҳал қилув қарорини бекор қилиш, иш бўйича янги қарор қабул қилиш ва даъвони қисман қаноатлантириб, жавобгардан даъвогар фойдасига 2.923.590 сўм асосий қарзни ундириш сўралган.

Жавобгар «Граф» хусусий дўкони апелляция шикоятига бер-

ган эътирозномасида ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдиришни сўраган.

Апелляция ҳайъати иш бўйича судья К. Қосимовнинг маърузасини тинглаб, тарафларнинг вазларини, прокурорнинг протестни қувватлаб берган ҳулосасини муҳокама қилган ҳолда иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра апелляция шикоятини ва протестини қаноатлантиришни лозим топди.

Иш материалларига кўра, даъвогар _____ туман автомобил йўллари бошқармаси жавобгар «Граф» хусусий дўконидан йўл фондига мажбурий тўлов бўйича 1999 йил 1 январ ҳолатига 990.466 сўм, 2000 йил 1 январ ҳолатига 484.257 сўм, 2001 йил 1 январ ҳолатига 370.747 сўм, 2001 йилнинг ярим йиллик ҳолатига 1.078.100 сўм қарзни ундиришни сўраган. Биринчи инстанция суди жавобгарнинг фаолият тури улгуржи савдо бўлганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Низомнинг 6-бандига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 октябрдаги 375-сонли қарори билан киритилган ўзгартиришга асосланган ҳолда жавобгар йўл жамғармасига ажратмаларни ялпи даромаднинг бир фоизи миқдоридан, яъни 1999 йил учун 393.388 сўм, 2000 йил учун 96.400 сўм, 2001 йил учун 125.895 сўм, жами 615.683 сўм тўлаши лозимлигини эътироф этиш билан бирга жавобгар 1999 йил учун 45.000 сўм, 2000 йил учун 632.700 сўм, жами 677.700 сўм тўлаганлигини инobatта олиб, жавобгарнинг йўл жамғармасига қарзи йўқ деб ҳисоблаган ва шунга асосан даъвони рад этган.

_____ туман статистика маркази томонидан берилган маълумотномага кўра, «Граф» хусусий дўконининг ОКОНХ бўйича асосий фаолият тури 1994 йилдан 2002 йилнинг 1 мартига қадар аҳолига озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари сотиш бўлган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги 1993 йил 5 июлдаги 334-сонли қарори билан тасдиқланган «Республика йўл жамғармаси маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Низомнинг 6-бандига асосан, йўл жамғармаларини ташкил этиш манбаи бўлиб тайёрловчи, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан, умумий овқатланиш, таъминот ташкилотларининг ҳақиқий товар айланмасидан, киритилган ўзгартиришга асосан улгуржи ва чакана дорихона муассасаларининг эса ялпи даромадидан бир фоизлик ажратмалар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил

2 октябрдаги ушбу Низомига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги 375-сонли қарори фақат улгуржи ва чакана дорихона муассасаларига тааллуқли бўлиб, тайёрловчи, воситачи, савдо корхоналари, шу жумладан, умумий овқатланиш, таъминот ташкилотлари учун йўл фондига маблағ ажратиш ҳақиқий товар айланмасидан бир фоизлик тўлов тўлаш тартиби ўзгаришсиз қолган.

Мазкур хўжалик ишини кўришда биринчи инстанция суди томонидан иш ҳолатларига тўла баҳо берилмаганлиги натижасида низони тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган меъёрий ҳужжатлар нотўғри талқин қилинган ва натижада асоссиз ҳал қилув қарори чиқарилган. Бундай ҳолатда апелляция ҳайъати биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш бўйича янги қарор қабул қилишни, даъвони қисман қаноатлантириб, даъвогарнинг асосий қарзни ундириш талабини қаноатлантириш, даъвогар томонидан қарзни ундириш учун ўз вақтида қонуний ҳаракатлар амалга оширилмагани учун даъвонинг пеня ва жарима ундириш қисмини рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

ЎЗР ХПКнинг 169-моддасига биноан, моддий ҳуқуқ нормаларини нотўғри қўлланилиши ҳал қилув қарорини бекор қилишга асос бўлади. Бинобарин, ЎЗР ХПКнинг 157, 164, 166—169, 171-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Апелляция шикояти ва апелляция протести қаноатлантирилсин. _____ вилоят хўжалик судининг 2002 йил 31 январдаги _____ сонли иш бўйича чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилинсин ва иш бўйича янги қарор қабул қилинсин.

Даъвогар _____ туман автомобил йўллари бошқармасининг даъвоси қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар «Граф» хусусий дўкони ҳисобидан даъвогар _____ туман автомобил йўллари бошқармаси фойдасига 2.923.590 сўм асосий қарз, 87.708 сум давлат божи, 2836 сўм почта харажати, жами 3.014.134 сўм ундирилсин. Даъвонинг қолган қисми рад этилсин.

Қарордан норози томонлар бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик суди орқали Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига кассация тартибида шикоят (протест) келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

К. Бобоев

Ҳайъат аъзолари

Ж. Солиҳов

К. Қосимов

*Апелляция инстанциясининг қайта
экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажрими*

А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 15 июл

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанцияси раислик қилувчи Х. Худоёров, ҳайъат аъзолари С. Қосимов ва Г. Одиловалардан иборат таркибда, 3. Эргашевнинг котиблигида, вилоят прокурорининг ёрдамчиси И. Миробов, даъвогар вакили Р. Рахматуллина, жавобгар вакили Х. Фафоровнинг иштирокида, даъвогар «Бойчечак» жамоа корхонасининг жавобгар «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмасидан бажарилган қурилиш ишлари учун ортиқча олинган 1.366.937 сўмни қайтариб бериш ҳақидаги даъвоси бўйича вилоят хўжалик судининг 2001 йил 6 февралдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, даъвогар «Бойчечак» жамоа корхонаси томонидан келтирилган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

«Бойчечак» жамоа корхонаси 1997 йил 6 октябрда вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмасидан бажарилган қурилиш ишлари учун ортиқча олинган 1.366.937 сўмни қайтариб беришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг 1997 йил 2 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан даъвогар фойдасига 1.384.433 сўм асосий қарз, 22.000 сўм қўшимча харажатлар ундирилган (судья Т. Сайфуллаев).

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди кассация инстанциясининг 1998 йил 22 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаринсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг 2000 йил 26 декабрдаги қарори билан мазкур иш бўйича чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгитдан кўриш учун юборилган.

Вилоят хўжалик судининг 2001 йил 6 февралдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад қилинган ва даъвогардан жавобгар фойдасига 1.447.966 сўм асосий қарз, 60.000 сўм қўшимча харажатлар, 14000 сўм давлат божи ундирилган (судья С. Эшматов).

Даъвогар «Бойчечак» жамоа корхонаси томонидан келтирилган апелляция шикоятда ҳал қилув қарорини бекор қилиш, иш бўйича

суд-қурилиш экспертизаси тайинлаш ва даъвои қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилиш ҳамда давлат божини қайтариш сўралган.

Жавобгар «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмаси апелляция шикоятига эътироз билдириб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришни сўраган.

Иш ҳужжатларига кўра, томонлар ўртасида 1996 йил 1 ноябрда тузилган 19-сонли шартнома мавжуд бўлиб, ушбу шартнома бўйича бажарилиши лозим бўлган ишларнинг келишилган баҳоси 1.629.280 сўмни ташкил этган. Шартномага асосан қурилиш ишлари сметаси тузилиб, буюртмачи томонидан 300.000 сўм бўнак (аванс) тўланган ва 307.253 сўмлик қурилиш материаллари берилган.

1997 йилнинг январида 631.266 сўмлик иш бажарилган бўлиб, 307.253 сўмлик қурилиш материалларининг ҳақи чиқариб ташланганда, тўлаш учун 324 013 сўм қолган. Февралда эса 695.191 сўмлик иш бажарилган ва ҳамма ишларни буюртмачи тўлиқ қабул қилиб олган. Буюртмачи бажарилган иш учун тўлаши лозим бўлган 1.019.204 сўмга пудратчи томонидан инкасса топшириқномаси тақдим қилинган ва шунга кўра 1.019.204 сўм ҳамда 7.707 сўм пеня қўшиб ундирилган.

Таъмирлаш ишлари 1997 йил январ-февралда бажарилиб, буюртмачи томонидан қабул қилинган бўлса-да, даъвогар 1997 йилнинг июл ойида _____ вилоят архитектура ва шаҳарсозлик бошқармасига мурожаат қилиб, бажарилган ишлар сифатсиз эканлигини кўрсатган ва иш сифатини қайта текшириш учун мутахассис ажратишни сўраган.

Вилоят архитектура-қурилиш назорати инспекцияси бошлигининг ўринбосари В. Булгаков томонидан 1997 йил 8 июлда қайта текширув ўтказилиб, хулоса тузилган ва бунда 1991 йил баҳоларига нисбатан нархларни кўтариш индекси 87,4668 нотўғри қўлланилганлиги, аслида 43,5 индексе қўлланиши лозим бўлганлиги, бу индекслар ўртасидаги фарқ 837.102 сўмни ташкил қилганлиги, тақдим этилган Ф-2 далолатномаларида кўрсатилган иш ҳажми бажарилган ишлар ҳажмига мос келмаслиги ва коэффициентлар нотўғри қўлланилганлиги қайд этилиб, олдинги тузилган далолатномаларда кўрсатилган иш ҳажми (1.326.457 сўм) нотўғри ҳисобланганлиги, аслида амалда бажарилган ишлар ҳажми 211.480 сўм эканлиги ва шуларга асосан 1.114.977 сўм буюртмачига қайтарилиши лозимлиги кўрсатилган.

Давлат архитектура-қурилиш назорати бирлашган бошқармаси томонидан 1998 йил 4 февралда берилган 29/Ж-сонли хатда вилоят архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси низоли объектда бажарилган ишлар бўйича назорат ўлчови ўтказиш ва хулосалар беришга ҳақли эмаслиги баён этилиб, инспекция томонидан 1997 йил

8 июлда берилган 65-сонли хулоса ва унинг иштирокида ўтказилган назорат текширув натижалари бўйича тузилган далолатнома ҳақиқий эмаслиги қайд этилган.

Шуларга асосан, апелляция ҳайъатининг 2001 йил 3 апрелдаги суд мажлисида даъвогар «Бойчечак» жамоа корхонасини суд-қурилиш экспертизаси тайинлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилган ва эксперт олдига қуйидаги талаблар қўйилган:

1. 1996 йил 1 ноябрдаги 19-сонли шартномага асосан «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмаси томонидан Оқсой шаҳри, Зебунисо кўчаси, 7-а уйдаги «Бойчечак» жамоа корхонасининг маъмурий биносини таъмирлаш ишларини нархини аниқлаш;

2. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган иш ҳажмининг ҳақиқий иш ҳажмига мувофиқлигини аниқлаш;

3. Ишни топшириш ва қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган материаллар чиқимининг ҳақиқий чиқимга мувофиқлигини аниқлаш;

4. Шартномада ва ишни топшириш-қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган ишнинг қийматини амалдаги қонунчиликда белгиланган нархларга мувофиқлигини аниқлаш;

5. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасида иш қийматини ошириб ёзиш сабабини аниқлаш.

Экспертизанинг 2001 йил 18 майдаги 1406/16-сонли хулосасида бажарилган ишларнинг 1997 йилдаги баҳоси 210301 сўмни ташкил этиши, Ф-2 далолатномасида кўрсатилган материалларнинг баҳоси тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланмаганлиги сабабли ишлатилган материалларнинг ҳисоб-китобини жамлашнинг имконияти йўқлиги, бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасидаги ишларнинг нархи (1984 йил базасида) амалдаги нархларга (1991 йил базасида) мувофиқ эмаслиги кўрсатилган.

Суд мажлисида жавобгар вакили талабнома билдириб, ўтказилган экспертизада «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмаси вакили иштирок этмаганлиги, эксперт фақат ишдаги материаллар билангина чекланиб, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиб олмаганлиги, экспертиза бир ёқлама олиб борилганлиги учун қайта экспертиза тайинлашни сўради.

Апелляция ҳайъати ушбу илтимосномани муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра уни қаноатлантиришни ва қайта экспертиза тайинлашни лозим деб топди.

Қўйилган саволларга берилган жавоблардан маълум бўлишича, ҳақиқатан ҳам назорат ўлчови кўрсаткичларидаги (сони, баҳоси, суммаси) фарқ экспертиза билан аниқланганлиги кўрсатилган. Холбуки, назорат ўлчови натижалари бўйича тузилган далолатнома Давлат

архитектура-қурилиш назорати бирлашган бошқармаси томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган. Бундан ташқари, эксперт В.В. Кузина томонидан «Бойчечак» жамоа корхонасининг биноси кўздан кечирилган ва ўлчовлар ўтказилган. Бироқ бу ўлчовлар экспертиза хулосасида акс эттирилмаган. Эксперт томонидан ишдаги мавжуд ҳужжатлар, яъни бажарилган ишни қабул қилиш далолатномаларидаги ва Давлат архитектура-қурилиш назорати бирлашган бошқармаси томонидан ҳақиқий эмас, деб топилган назорат ўлчов натижалари бўйича тузилган далолатномалардаги кўрсаткичлар таққосланиб, ўртадаги фарқ экспертиза хулосасига асос қилиб олинган. Бундай ҳолатда суд эксперт В.В. Кузина томонидан тузилган суд-қурилиш экспертизаси хулосасини тўлиқ, деб ҳисоблай олмайди.

ЎзР ХПКнинг 69-моддаси, 5-қисмига биноан, хўжалик суди экспертнинг хулосасига қўшилмаса, ишда иштирок этувчи шахснинг илтимосномасига кўра, қайта экспертиза тайинлаб, уни ўтказишни бошқа экспертга топшириши мумкин.

Юқорида қайд этилган ҳолатларга асосланган ҳолда ЎзР ХПКнинг 67, 69, 83-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Аҳмад» хусусий қурилиш фирмаси вакили Х. Фаффоровнинг қайта экспертиза тайинлаш тўғрисидаги илтимосномаси қаноатлантирилсин.

Маъмур иш бўйича қайта суд-қурилиш экспертизаси тайинлансин.

Эксперт олдига 2001 йил 3 апрел кунги ажримда қўйилган 5 та талаб юзасидан қайта экспертиза ўтказиш масаласи қўйилсин. Экспертиза ихтиёрига 2 жылдди _____ сонли хўжалик иши ажрим билан бирга юборилсин.

Экспертизани ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Х. Сулаймонова номидаги республика илмий-тадқиқот криминалистика марказига топширилиб, экспертизани ўтказиш бошқа экспертга юклатилсин. Экспертиза харажатлари «Аҳмад» хусусий қурилиш фирмасига юклатилсин. Экспертиза хулосаси олингунга қадар иш юритиш тўхтатилсин.

Раислик қилувчи

Х. Худоёров

Ҳайъат аъзолари

**С. Қосимов
Г. Одилова**

Кассация ва назорат инстанцияларида қабул қилинадиган суд ҳужжатлари

Кассация инстанциясининг апелляция инстанцияси қарорини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисидаги қарори

Қ А Р О Р

Тошкент шаҳри
2002 йил 13 март

-сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳужалик судининг судлов ҳайъати раислик қилувчи Д. Исроилов, ҳайъат аъзолари Б. Эгамбердиев ва Р. Рустамовлардан иборат таркибда, З. Дадажоновнинг котиблигида, Республика Бонн прокурорининг ёрдамчиси Т. Солиев ҳамда томонлардан даъвогар вакили С. Мамадалиев, жавобгар вакили А. Зулиновларнинг иштирокида, даъвогар «Деликатес» тайёрлов савдо харид базасининг «Нурхон» мева-сабзавот қайта ишлаб чиқариш корхонасидан 310.735.182 сўм ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича вилоят ҳужалик судининг 12-сонли ҳужалик иши бўйича 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори ва 2001 йил 14 декабрдаги қарори устидан «Деликатес» тайёрлов савдо харид базаси томонидан келтирилган кассация шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Деликатес» тайёрлов савдо харид базаси ҳужалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Нурхон» мева-сабзавот қайта ишлаб чиқариш корхонасидан 164.583.169 сўм асосий қарз, 21.891.848 сўм зарар, 124.260.165 сўм пеня ундиришни сўраган.

Вилоят ҳужалик судининг 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво талаблари қисман қаноатлантирилиб, жавобгарнинг мол-мулкидан 23.330.340 сўм ундирилган (судья Ф. Тоиров).

Даъвогарнинг шикоятига кўра, апелляция инстанцияси томони-

дан вилоят хўжалик судининг 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори бекор қилиниб, тарафлар ўртасида келишув битими тасдиқланган ва иш юритиш тугатилган (М. Исатов, А. Пан, М. Хошимов — маърузачи).

Кассация тартибида келтирилган шикоятда ишни кўришда апелляция инстанцияси томонидан иш ҳолатларига тўғри баҳо берилмаганлиги ва процессуал қонун нормалари нотўғри қўлланилганлиги қайд этилиб, судлов ҳайъати қарорини бекор қилиш ва 80.105.400 сўм асосий қарз, 12.015.800 сўм жарима, 40.052.700 сўм пеня, 5.729.947 сўм зарар, 16.021.080 сўм бой берилган фойда, жами 153.924.927 сўмни ундириш тўғрисида янги қарор қабул қилиш сўралган.

Жавобгар кассация шикояти юзасидан билдирган ёзма эътирозидан, апелляция инстанция судининг қарорини кучда қолдиришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Р. Рустамовнинг маърузасини тинглаб, томонларнинг кассация шикояти бўйича келтирган важларини муҳокама қилиб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиққан ҳолда прокурорнинг суд қарорини ўзгартиришсиз қолдириш тўғрисидаги фикрини тинглаб, қуйидаги асосларга кўра, апелляция инстанция судининг қарорини ўзгартиришсиз қолдиришни лозим топди.

Иш ҳужжатларига қараганда, тарафлар ўртасида тузилган 1999 йил 5 ноябрда ва 2000 йил 3 апрелдаги шартномаларга асосан жавобгар даъвогарнинг топширган мева, сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқарган ва тайёр маҳсулот сифатида сотган. Тарафлар ўртасида тузилган ҳисоб-китоблардан сўнг 2001 йил 1 декабр ҳолатига жавобгарнинг мавжуд қарзи 60.105.400 сўмни ташкил этган ва ушбу ҳолат 2001 йил 14 декабрдаги ҳисоб-китобларни солиштириш далолатномаси билан тасдиқланади.

Апелляция инстанцияси судига тақдим этилган келишув битимида ушбу қарз инкор этилмасдан, жавобгар бу қарзни омборхонадаги мавжуд тайёр маҳсулотни бериш йўли билан қоплашни, даъвогар эса ўз навбатида 84.477.769 сўм асосий қарз, 146.152.013 сўм пенядан воз кечиши ва мазкур келишув битими имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида жавобгарнинг омборхонасидан тайёр маҳсулотни олиб чиқиб кетишни ўз зиммасига олган.

ЎЗР ХПКнинг 40-моддасига асосан, тарафлар ҳар қандай инстанцияда ишни келишув битими билан якунлашлари мумкин.

Апелляция инстанцияси қайд этилган келишув битими амалдаги

қонун ҳужжатларига зид эмаслигини, тарафлар ва бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатлари бузилмаганлигини ҳисобга олиб, уни асосли равишда тасдиқлаган ва иш юритишни тугатган.

Судлов ҳайъати юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилишга асос йўқ деб ҳисоблайди ва уни ўзгартиришсиз қолдиришни лозим деб топади.

Бинобарин, ЎзР ХПКнинг 40, 132, 146, 182, 187, 189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик суди апелляция ҳайъатининг 2001 йил 14 декабрдаги даъвогар «Деликатес» тайёрлов савдо харид базасининг «Нурхон» мева-сабзавот қайта ишлаб чиқариш корхонасидан 310.735.182 сўм ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарган қарори ўзгартиришсиз, кассация шикояти эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи

Д. Исроилов

Ҳайъат аъзолари

**Б. Эгамбердиев
Р. Рустамо**

*Кассация инстанциясининг ҳал қилув
қарорини ўзгартириш тўғрисидаги қарори*

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2001 йил 31 январ

- сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъати раислик қилувчи А. Отажонов, ҳайъат аъзолари Д. Рафиқов ва Л. Алмановлардан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёрдамчиси Р. Шокиров, томонлардан даъвогар вакили А. Дадаев, жавобгар вакили Н. Саидовларнинг иштирокида даъвогар «Адолат» адвокатлик бюросининг жавобгар «Паркент» акционерлик фирмасидан 646743 сўм ундириш ҳақидаги _____ вилоят ҳўжалик судининг 202-сонли ҳўжалик иши бўйича 1999 йил 20 апрелда чиқарган ҳал қилув қарори устидан «Паркент» акционерлик фирмаси томонидан келтирилган кассация шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар _____ туманидаги «Адолат» адвокатлик бюроси _____ вилоят ҳўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар «Паркент» акционерлик фирмасидан 646743 сўм ундириб беришни сўраган.

Вилоят ҳўжалик судининг 1999 йил 17 сентябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 606711 сўм асосий қарз ва 2377,81 сўм пеня ундирилган (судья М. Баратов).

Иш апелляция тартибида кўрилмаган.

Кассация шикоятида суд томонидан адвокатлик бюроси амалга оширган ҳуқуқий хизматларига ва суд қарорлари бўйича 4 ташкилотдан ундирилган суммалар ижро этилмаганлиги ҳолатига тўла баҳо берилмаганлиги кўрсатилиб, шикоят бериш муддати узрли сабабларга кўра, ўтказиб юборилгани учун шикоят бериш муддатини тиклаб, ҳал қилув қарорини қисман бекор қилиш ва иш ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда қонуний қарор қабул қилиш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Л. Алмановнинг маърузаси, томонларнинг фикрлари, прокурорнинг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ҳақидаги хулосасини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиққан ҳолда, шикоят ва унга берилган эътирознома важларини муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра, шикоят бериш муддатини тиклаш ва ҳал қилув қарорини ўзгартиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, «Паркент» акционерлик фирмаси билан «Адолат» адвокатлик бюроси ўртасида 1998 йилнинг 4 декабрида 42-сонли ҳуқуқий хизмат кўрсатиш тўғрисида шартнома тузилган. Ушбу шартномага кўра, акционерлик фирмаси адвокатлик бюросига иш топшириши, бюро эса ўз навбатида топширилган юридик ҳаракатларни фирма номидан бажариш мажбуриятини олган.

Иш материалларида мавжуд бўлган даъво аризасида қайд этилишича, адвокатлик бюроси томонидан 1998 йилнинг 26 октябридан 1999 йилнинг 26 майигача 7 ой давомида ҳуқуқий хизмат кўрсатиб келинган. Яъни даъво, талабномалар тақдим этиш, шартномаларга хулоса бериш, буйруқларни кўриб бериш, оғзаки ва ёзма маслаҳатлар бериш каби ҳаракатлар амалга оширилган. Шунинг учун жавобгар 571711 сўм даъво – талабномалар юритиш ишларини олиб борганлиги ва 35000 сўм ҳуқуқий маслаҳатлар берилганлиги учун, жами 606711 сўм тўлаши лозим бўлган.

Ҳайъат мажлисида жавобгар вакили ҳуқуқий маслаҳатлар учун 35000 сўмлик тўловни тан олиши, лекин даъвогарнинг даъво ишлари учун 571711 сўм ҳақ олиш ҳақидаги важи қисман асоссиз эканлиги, чунки даъво аризада қайд этилган 4 корхонадан 4 таси бўйича ҳуқуқий хизмат ишлари охирига етказилмаганлигини кўрсатиб, даъвонинг шу қисмини рад этишни сўради.

Ишда мавжуд ҳужжатларга қараганда, даъвогарнинг ҳақиқатан бажарган ишлар суммаси бўйича олиши лозим бўлган ҳуқуқий хизмат ҳақи «Алишер» хусусий фирмаси бўйича 23042 сўмни, «Мунис» жамоа хўжалиги бўйича 257290 сўмни, «Ресурс» ХРУ бўйича 5284 сўмни, хусусий тадбиркор Пўлатов бўйича 58002 сўмни, жами 343618 сўмни ташкил этган. Бунга ҳуқуқий маслаҳатлар учун тўланиши лозим бўлган 35000 сўмни қўшиб ҳисоблаганда, жами тўланиши лозим бўлган сумма 378618 сўмни ташкил этади. Даъвогар томонидан қолган корхоналар – А. Темур номидаги хўжалик, «Бўстон» ширкатлар уюшмаси ва «Бойқозон» хўжалиги бўйича ишлар белгиланган тартибда амалга оширилиб якунига етказилмаган ва судга бажарилган ишларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган.

ЎзР ФКнинг 817-моддасига кўра, томонлар ўртасидаги шартнома топшириқ шартномаси бўлиб, унга биноан вакил ўзига берилган топшириқни топшириқ берувчининг кўрсатмаларига мувофиқ бажариши шарт. Вакил топшириқ берувчининг талабига мувофиқ унга топшириқ қандай бажарилаётганлиги ҳақида маълумот бериб туриши, топшириқни бажариш учун тузилган битимлар бўйича олинган ҳамма нарсани кечиктирмасдан топшириқ берувчига топшириши, топшириқ бажариб бўлингандан кейин топшириқ хусусиятига кўра

зарур бўлса, ҳисобот тақдим этиб, унга исботловчи ҳужжатларни илова қилиши шарт.

Акционерлик фирмаси бажарилган 4 топшириқ бўйича иш бажарилганлиги ҳақидаги тегишли далолатномани даъвогарга берган. Лекин даъвогар томонидан қолган топшириқлар бўйича тегишли маълумотлар бўлмаганлиги ва маблағлар ундирилмаганлиги сабабли топшириқ бажарилганлиги тўғрисида жавобгар томонидан далолатнома тузилмаган. Даъвогар томонидан қилинган ишлар бўйича судга далолатнома тақдим этилган бўлса-да, бу далолатнома белгиланган тартибда жавобгарга берилмаган ва жавобгар бу далолатномага ўз фикрини ёзма равишда билдирмаган. Ушбу далолатнома бир томонлама тузилмаганлиги учун далил ҳисобланмайди.

Судлов ҳайъати иш бўйича аниқланган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилув қарорини ўзгартириш ва жавобгардан даъвогарга 378618 сўм асосий қарз ва 2377,81 сўм пеняни ундириб бериш, даъвонинг қолган 268125 сўм қисмини рад этишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга биноан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 817,820-моддалари ҳамда Хўжалик процессуал кодексининг 187, 189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Кассация шикоятни қисман қаноатлантирилсин.

_____ вилоят хўжалик судининг 1999 йил 20 апрелдаги даъвогар «Адолат» адвокатлик бюросининг жавобгар «Паркент» акционерлик фирмасидан 646743 сўм ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарган ҳал қилув қарори ўзгартирилсин.

Жавобгар «Паркент» акционерлик фирмасидан даъвогар «Адолат» адвокатлик бюроси фойдасига 378618 сўм асосий қарз, 2377,81 сўм пеня, 11430 сўм давлат божи, 1000 сўм почта харажатлари ундирилсин. Даъвонинг қолган қисми рад этилсин.

Ҳал қилув қарорининг қолган қисми ўзгартиришсиз қолдирилсин.

Қарор юзасидан ижро варақалари бериш _____ вилоят хўжалик суди зиммасига юклатилсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи

А. Отажонов

Ҳайъат аъзолари

**Д. Рафиқов
Л. Алманов**

*Кассация инстанциясининг ҳал қилув
қарорини бекор қилиб, янги қарор қабул
қилиш тўғрисидаги қарори*

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2002 йил 13 март

- сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъати раислик қилувчи Д. Исроилов, ҳайъат аъзолари Б. Эгамбердиев ва Р. Рустамовлардан иборат таркибда, З. Дадажоновнинг котиблигида, Республика Бош прокурорининг ёрдамчиси Т. Солиев ҳамда томонлардан даъвогар вакили С. Мамадалиев, жавобгар вакили А. Зулиновларнинг иштирокида, даъвогар «Питер» қўшма корхонасининг жавобгар «Жавлон» хусусий корхонасидан 200.000 сўм асосий қарз, 200.000 сўм жарима ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича _____ вилоят ҳўжалик судининг 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори ва 2001 йил 14 октябрдаги апелляция қарори устидан «Питер» қўшма корхонаси томонидан келтирилган кассация шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Питер» қўшма корхонаси _____ вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Жавлон» хусусий корхонаси томонидан 2000 йил 29 декабрда тузилган ижара шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаётганлиги сабабли, ундан 200.000 сўм асосий қарз ва 200.000 сўм пеня ундиришни сўраган.

_____ вилоят ҳўжалик судининг 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган (судья Ф. Тоиров).

Апелляция инстанциясининг 2002 йил 7 мартдаги қарорига кўра, ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилган (М. Исатов, А. Пан, М. Ҳошимов – маърузачи).

Кассация шикоятида вилоят ҳўжалик судининг биринчи ва апелляция инстанцияси қарорларини бекор қилиб, янги қарор қабул қилиш ва даъвони қаноатлантириш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Р. Рустамовнинг маърузасини ва томонларнинг фикрларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб

чиқиб, прокурорнинг кассация шикоятини қаноатлантириш тўғрисидаги ҳулосасини эшитган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра, кассация шикоятини қаноатлантиришни, иш бўйича чиқарилган суд қарорларини бекор қилиш ва даъвои қаноатлантириш тўғрисида янги қарор қабул қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларга қараганда, томонлар ўртасида 2000 йил 29 декабрда 1-сонли ижара шартномаси тузилиб, ушбу шартномага кўра, даъвогар жавобгарга Қосимов номли жамоа ҳўжалигида жойлашган 186-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчасини вақтинча ишлатиш ва фойдаланиш учун берган.

1999 йил 1 февралда тузилган 1/186-сонли ижара шартномасига асосан, 1999 йилнинг 15 мартда томонлар ўртасида топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилиб, унга кўра даъвогар жавобгарга 186-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчасини мол-мулклари билан топширган. Яъни, 2000 йил 29 декабрдаги ижара шартномасини тузиш вақтида мол-мулклар жавобгарнинг тасарруфида бўлган.

Хўжалик судининг биринчи ва апелляция инстанциялари низои ҳал этишда иш ҳолатларини чуқур текширмаган ва уларга тегишли баҳо бермаган. Шунинг учун ҳам биринчи босқич судининг ижара шартномаси тузилгандан кейин топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузилмаган ва олдиндан тўловлар амалга оширилмаганлиги ҳақидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди.

Бундан ташқари, шартноманинг 4.1-бандида ёнилғи қуйиш шохобчасидан фойдаланганлик учун ижара ҳақи ҳар бир литр сотилган нефт маҳсулотидан 2 сўм 50 тийин, бир ойда камида 20000 литр сотилган нефт маҳсулотидан ижара ҳақи 50000 сўм этиб белгиланган. Шартноманинг 4.2-бандида шартнома имзоланган кундан сўнг беш кун ичида олдиндан тўловлар амалга оширилиши кераклиги, 4.3-бандида эса, ижарачи ҳар бир ойнинг учинчи кунда ижарага берувчига нефт маҳсулотларини сотганлиги ҳақида маълумот бериши, 4.6-бандида бўлса, агар минимал ставкадан ижара ҳақи паст бўлса ёки ёнилғи қуйиш шохобчаси ишламаса, ижара ҳақи шартномасининг 4.1-бандига (50.000 сўм) мувофиқ амалга оширилиши белгиланган. Бундай ҳолда даъвогарнинг июн, август, сентябр ва октябр ойлари учун 200.000 сўм ундириш ҳақидаги талаби асослидир.

Шартноманинг 5.4-бандида агарда, ижарачи шартноманинг 4.4 ва 4.7-бандларига асосан белгиланган муддатда тўланмаган пул маблағларини ўтказмаганда ҳар бир кун учун 0,5 фоиз пеня тўлаши лозимлиги кўрсатилган. Шунга кўра, жавобгардан даъвогар фойда-

сига тарафлар ўртасида тузилган ижара шартномасининг 5.4-бандига асосан 200.000 сўм миқдорида пеня ундирилиши лозим бўлади.

Юқоридагиларга қўра, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 187—189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

_____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 27 августдаги ҳал қилув қарори ва 2002 йил 14 октябрдаги қарори бекор қилинсин ва иш бўйича янги қарор қабул қилинсин.

«Питер» қўшма корхонасининг даъвоси қаноатлантирилсин.

«Жавлон» хусусий корхонасининг ҳисоб рақамидан «Питер» қўшма корхонаси фойдасига 200.000 сўм асосий қарз ва 200.000 сўм пеня ҳамда 2000 сўм почта харажатлари ундирилсин.

Ушбу қарор бўйича ижро варақасини бериш _____ вилоят хўжалик судига юклатилсин.

Қарор қабул қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи

Д. Исроилов

Ҳайъат аъзолари

Б. Эгамбердиев

Р. Рустамов

Кассация инстанциясининг иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ажримни бекор қилиб, ишни мазмунан ҳал этиш тўғрисидаги қарори

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2001 йил 11 июл

- сонли иш

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг судлов ҳайъати раислик қилувчи А. Дадажонов, ҳайъат аъзолари Д. Рафиқов ва Л. Алмановлардан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёрдамчиси Р. Шокиров, томонлардан даъвогар вакили Н. Тошев, жавобгар вакили С. Чориевларнинг иштирокида даъвогар «Тошлоқ» акционерлик автокорхонасининг жавобгар _____ тумани махсус йўллардан фойдаланиш бошқармаси ҳисобидан 6.466.481 сўм ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича _____ вилоят ҳўжалик судининг 2001 йил 26 апрелда чиқарган иш юритишни тугатиш хусусидаги ажрими ва моддий зарарни ундириш тўғрисидаги хусусий ажрими устидан берган кассация шикоятини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Тошлоқ» акционерлик автокорхонаси ҳўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, _____ тумани махсус йўллардан фойдаланиш бошқармасидан 6.466.481 сўм ундиришни сўраган.

Вилоят ҳўжалик судининг 2001 йил 26 апрелдаги ажрими билан ЎзР ХПКнинг 86-моддасига асосан иш юритиш тугатилган. Шунингдек, суднинг хусусий ажримига кўра, «Тошлоқ» акционерлик автокорхонаси бош ҳисобчиси И. Салимовдан 3 ойлик ўртача маоши миқдорига моддий зарар корхона фойдасига ундирилган (судья М. Баратов).

Иш апелляция тартибига кўрилмаган.

Кассация шикоятда суд томонидан чиқарилган ажримларни бекор қилиш ва иш бўйича қонуний қарор чиқариш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Л. Алмановнинг маърузаси, томонлар фикри, прокурорнинг суд ажримларини бекор қилиш тўғрисидаги хулосасини эътиб, шикоятда келтирилган важларни муҳокама қилган ҳолда иш ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асослар-

га кўра, биринчи инстанция судининг иш юритишни тугатиш ҳақидаги ажрими ва моддий зарарни ундириш тўғрисидаги хусусий ажримини бекор қилишни, ишни янгитдан кўриш учун юбормасдан низони мазмунан ҳал этиб, даъвогарнинг даъвоси рад этилиши лозим деб ҳисоблайди.

Иш ҳужжатларига кўра, «Тошлоқ» акционерлик автокорхонаси 2000 йил 20 октябрдаги 3-сонли юк ташиш шартномасига асосан, 2001 йилнинг феврал ойида _____ тумани махсус йўллар фойдаланиш бошқармасига 6.466.481 сўмлик автохизмат кўрсатган. Ушбу ҳолат тарафлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни солиштириш тўғрисидаги 2001 йил 1 мартда тузилган далолатнома билан ўз тасдиғини топган.

Жавобгар ўз навбатида кўрсатилган хизмат учун 2001 йил 1 мартда 165-сон тўлов топшириғи билан 445.000 сўм, 2001 йил 15 мартда 213-сон тўлов топшириғи билан 1.000.000 сўм, 2001 йил 22 мартда 217-сон тўлов топшириғи билан 1.000.000 сўм, 2001 йил 27 мартда 261-сон тўлов топшириғи билан 1.400.000 сўм, 2001 йил 3 апрелда 278-сон тўлов топшириғи билан 1.500.000 сўм, 2001 йил 5 апрелда 282-сон тўлов топшириғи билан 1.000.000 сўм тўлаган. Бундан ташқари, «Тошвилюктранс» давлат акциядорлик автокорхоналари концернининг 2001 йил 3 апрелдаги 4-18/216-сон хатига кўра, _____ тумани махсус йўллар фойдаланиш бошқармасидан 2001 йил 31 мартда келиб тушган 2,0 млн. сўмдан 1,0 млн. сўми «Тошлоқ» акционерлик автокорхонасига ўтказилган ва мавжуд қарз даъво аризаси судга берилгунга қадар жавобгар томонидан тўлиқ тўланган.

Бундай вазиятда биринчи инстанция суди даъвони рад қилиш ўрнига процессуал қонун нормаларини нотўғри қўллаган ҳолда иш юритишни тугатиш ҳақида асоссиз ажрим чиқарган.

Иш мазмунидан келиб чиққан ҳолда суднинг «Тошлоқ» акционерлик автокорхонаси бош ҳисобчиси И. Салимовдан моддий зарарни ундириш тўғрисида чиқарилган хусусий ажримини ҳам қонуний деб бўлмайди.

Қайд этилганларга асосан, судлов ҳайъати биринчи инстанция судининг ажримларини бекор қилиб, даъво рад қилиниши лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра, ЎзР ХПКнинг 187-моддаси, 2-қисми, 188 ва 189-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

«Тошлоқ» акционерлик автокорхонасининг кассация шикояти қаноатлантирилсин.

_____ вилоят хўжалик судининг 2001 йил 26 апрелдаги даъвогар «Тошлоқ» акционерлик автокорхонасининг жавобгар _____ тумани махсус йўллардан фойдаланиш бошқармаси ҳисобидан 6.466.481 сўм ундириш ҳақидаги даъвоси бўйича чиқарган иш юриштишни тугатиш тўғрисидаги ажрими ва моддий зарарни ундириш борасидаги хусусий ажрими бекор қилинсин ҳамда иш бўйича янги қарор қабул қилинсин.

Даъвогар «Тошлоқ» акционерлик автокорхонасининг жавобгар _____ тумани махсус йўллардан фойдаланиш бошқармасидан 6.466.481 сўм ундириш тўғрисидаги даъвоси рад қилинсин.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

Раислик қилувчи

А. Дадажонов

Ҳайъат аъзолари

**Д. Рафиқов
Л. Алманов**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ХЎЖАЛИК СУДИ
РАЁСАТИНИНГ ҚАРОРИ

Қ А Р О Р

_____ шаҳар
2002 йил 22 январ

- сонли иш

Раёсат – Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари К. Лутфуллаев раислигида, Раёсат аъзолари С. Тўраев, И. Обидов, Б. Юнусов, З. Парпиев, Б. Барноевлардан иборат таркибда, республика Бош прокурорининг ўринбосари Ш. Неъматов иштирокида, _____ вилоят хўжалик судининг 7-1000-6/01-сонли иши юзасидан чиқарилган суд қарорлари устидан Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари томонидан келтирган протестни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Хусусий тадбиркор Н. Рустамов _____ вилоят хўжалик судига даъво аризаси бериб, жавобгар «Оролпиво» масъулияти чекланган жамиятидан 38000000 сўм асосий қарз, 190000 сўм жарима, 3150000 сўм қўшимча етказиб берилган маҳсулот баҳосидан қарз, 6840000 сўм зарар, жами 48180000 сўм ундиришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг 2001 йил 24 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгардан 37500000 сўм асосий қарз, 190000 сўм жарима, 6840000 сўм зарар ва 3150000 сўм қўшимча етказиб берилган маҳсулот баҳоси, жами 47680000 сўм ундирилган. Жавобгар корхона раҳбари М. Салимов ЎзР МЖТКнинг 176¹ моддасига асосан, маъмурий жавобгарликка тортилиб, унга 34300 сўм жарима солинган.

Жавобгар «Оролпиво» МЧЖнинг шикоятни асосида иш апелляция тартибида кўрилиб, судлов ҳайъатининг 2001 йил 31 октябрдаги қарорига кўра, ҳал қилув қарори ўзгартиришсиз қолдирилган.

Суд қарорлари устидан жавобгар «Оролпиво» МЧЖ томонидан берилган кассация шикоятни ва вилоят прокурорининг кассация протести Олий хўжалик суди судлов ҳайъатида кўрилиб, ҳайъатнинг 2001 йил 11 декабрдаги қарори билан вилоят хўжалик судининг қарорлари ўзгартиришсиз қолдирилган.

Протестда қабул қилинган барча суд қарорларини бекор қилиб, ишни қайтадан кўриб чиқишга юбориш сўралган.

Раёсат судья Т. Турсуновнинг маърузасини тинглаб, протест вазларини муҳокама қилган ҳолда республика Бош прокурори ўринбосари Ш. Неъматовнинг протестни қувватлаш ҳақидаги хулосасини эшитиб, қуйидаги асосларга кўра, протест қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Иш материалларидан кўринишича, хусусий тадбиркор Н. Рустамов ва «Оролпиво» МЧЖ ўртасида 2000 йил 2 октябрда 675-сонли шартнома тузилган (и.в 15) бўлиб, ушбу шартномага кўра «сотувчи» — хусусий тадбиркор Н. Рустамов «харидор» — «Оролпиво» МЧЖ олдида 2000 йилнинг 31 декабрига қадар баҳоси 69000000 сўм бўлган полиэтилен идишларга газланган ичимликлар қадоқлаш линиясини келтириб ўрнатиш, шу дастгоҳнинг барча техник ҳужжатларини тақдим этиш, дастгоҳни ўрнатиш, монтаж қилиш ва бу линияда ишлашни мутахассисларга ўргатиш мажбуриятларини олган. Шунингдек, «сотувчи» барча транспорт харажатлари ва сифатсиз линия етказиб берилган тақдирда жавобгарликни ўз зиммасига олиб, дастгоҳ учун бир йил кафолат берган.

Ушбу шартнома ўзининг мазмунига кўра, аралаш шартнома бўлиб, олди-сотди ва пудрат шартномаси шартларини ўз ичига олган. Шартномада «сотувчи» томонидан ускунани етказиб беришдан ташқари, уни ўрнатиш, монтаж қилиш ва «харидор»нинг тегишли мутахассисларини дастгоҳда ишлашга ўргатиш мажбурияти ҳам кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 63-моддасига мувофиқ, пудрат шартномаси бўйича бир тараф (пудратчи) иккинчи тараф (буюртмачи)нинг топшириғига биноан, маълум бир ишни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига белгиланган муддатда топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса иш натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади. Агар қонун ҳужжатларида ёхуд тарафлар келишувида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ишни бажариш учун пудратчи таваккал қилади.

Мазкур шартнома бўйича даъвогар маҳсулотни жавобгарга олиб келиб топширган бўлса-да, бу дастгоҳни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва жавобгар мутахассисларини ўргатиш билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаган. Шартнома баҳоси 69000000 сўмни ташкил этиб, бу сумма ўрнатилиши лозим бўлган дастгоҳларнинг қиймати, уларни олиб келиш билан боғлиқ бўлган транспорт харажатлари, мон-

таж қилиш ва мутахассисларни ишлашга ўргатиш харажатларини ўз ичига олишига қарамасдан ишда шартноманинг ушбу шартлари бажарилганлиги тўғрисида бирон-бир ҳужжат мавжуд эмас. Ишдаги 2000 йил 4 октябрдаги 11-сонли юк хатида эса (и.в 14) Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган бир дона сув қадоқлаш линияси «Оролпиво» МЧЖга 69000000 сўмга топширилганлиги қайд этилган бўлиб, жавобгар шу ҳужжатга асосан даъвогарга 31500000 сўм ўтказиб берган.

Биринчи инстанция суди низои ҳал этишда шартнома шартларининг қай даражада бажарилганлиги ва даъвогар талаб қилаётган сумма нималарни ўз ичига олишини тўлиқ текширмаган. Дастгоҳ ўрнатилиб, соzланган ҳолда «харидор»га топширилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг йўқлигига эътибор бермаган. Натижада, етарли асоссиз даъвони қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган. Апелляция ва кассация судлов ҳайъатлари ҳам биринчи босқич суди йўл қўйилган хато ва камчиликларга эътибор бермасдан, ишнинг ҳолати ҳамда ҳужжатларни чуқур таҳлил қилмасдан, ҳал қилув қарорини асоссиз равишда ўзгартиришсиз қолдирган.

Раёсат иш бўйича қабул қилинган суд қарорлари иш ҳолатларига мувофиқ эмаслиги, даъвогарнинг даъво талаблари ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан исботланмаганлигини эътиборга олиб, барча суд қарорларини бекор қилган ҳолда ишни қайтадан кўриб чиқиш учун ботқа вилоят хўжалик судига юборилиши лозим деб ҳисоблайди.

Ишни қайтадан кўришда иш ҳолатлари атрофлича ўрганилиши, бажарилиши лозим бўлган ишлар миқдори ва баҳоси аниқланиши, ҳисоб-китоблар ва ҳужжатлар мукамал текширилиши, томонларнинг важларига ҳуқуқий баҳо берилиши, заруриятига қараб иш бўйича суд-қурилиш экспертизаси тайинланиши ва амалда бажарилган ишлар миқдори ҳамда суммасини тасдиқловчи далиллар иш ҳужжатларига қўшилиши, тўпланган далилларга асосланган ҳолда қонуний қарор қабул қилиниши лозим бўлади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 195, 199—202-моддаларини қўллаб, Раёсат

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Протест қаноатлантирилсин.

_____ вилоят хўжалик судининг 7-1000-6/01-сонли хўжалик иши бўйича 2001 йил 24 сентябрдаги ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг 2001 йил 31 октябрдаги қарори ва Олий хўжа-

лик суди судлов ҳайъатининг 2001 йил 11 декабрдаги қарори бекор қилинсин.

Иш қайтадан кўриб чиқиш учун _____ вилоят хўжалик судига юборилсин.

Раислик қилувчи:

**К. Лутфуллаев,
Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди раисининг
биринчи ўринбосари**

**Хусусий ажримлар ва маъмурий жавобгарликка
тортиш тўғрисида қарор**

*Интизомий жавобгарликка тортиш
тўғрисида хусусий ажрим*

ХУСУСИЙ АЖРИМ

_____ шаҳри
2002 йил 1 август

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди, судья А. Зоҳидовнинг раислигида, С. Ботированинг котиблигида, томонлардан даъвогар вакили А. Ҳамдамов, жавобгар вакили С. Набиевларнинг иштирокида, даъвогар «Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонасининг жавобгар «Теромосмаш» қўшма корхонасидан 3583016 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Сардоба сут маҳсулотлари» хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Теромосмаш» қўшма корхонасидан етказиб берилган сут маҳсулотлари учун 1551889 сўм асосий қарз, 360068 сўм пеня, 1043700 сўм жарима, қайтарилмаган шиша идишлар ва қутичалар учун 347900 сўм, транспорт харажатлари учун 234488 сўм, жами 3583016 сўмни ундириб беришни сўраган.

_____ вилоят хўжалик судининг 2002 йил 1 августдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, жавобгар ҳисобидан 1424186 сўм миқдоридан асосий қарз, 229750 сўм идишлар қиймати, 33079 сўм давлат божи ҳамда 2000 сўм почта харажатлари ундирилган.

Даъвонинг қолган қисми рад этилган.

Суд тафтишида аниқланган ҳолатларга кўра, мазкур низонинг келиб чиқишига ва дебиторлик (кредиторлик) қарзларининг ву-

жудга келишига даъвогар ва жавобгар томонидан юқорида қайд этилган шартномада белгиланган шартларни тўла бажарилмаганлиги сабаб бўлган. Хусусан, даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулотнинг ҳақини ўз муддатида талаб қилинмаганлиги оқибатида тўловлар вақтида амалга оширилмаган ва ундирилиши лозим бўлган пул маблағлари корхона ҳисобига келиб тушмаган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 335-моддасига кўра, агар кредитор қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли етказилган зарар миқдорининг кўпайишига кўмаклашган бўлса, суд шунинг ҳолатига кўра, тўланадиган ҳақ миқдорини камайтиришга ёки кредиторга ҳақ тўлашни батамом рад этишга ҳақли. Суд томонидан даъвони қисман рад этилишига айнан шу ҳолат сабаб бўлган.

Тарафлар ўртасида 2002 йил 20 мартда тузилган 298-сонли шартномага биноан, даъвогар «Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонаси жавобгарга 2217186 сўм миқдоридан сут маҳсулотлари етказиб берган. Жавобгар олинган сут маҳсулотлари бўйича даъвогар олдида 1551889 сўм қарз бўлиб қолган.

«Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонасининг масъул ходимлари ўз хизмат вазифаларига лоқайдлик билан қарашлари оқибатида юқорида қайд этилган шартноманинг шартлари қўпол равишда бузилган. Чунончи, шартноманинг 4.1, 4.2-бандларида маҳсулот, жавобгарга шартнома имзолангандан сўнг 10 кун ичида тафсилот жадвалида (спецификацияда) белгиланган тартибда берилиши, етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулот қийматининг 15 фоизи олдиндан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилиши ва етказиб берилган маҳсулот қийматининг қолган қисми 20 кун ичида тўланиши шарт қилиб кўйилганлигига қарамай даъвогар томонидан етказиб берилган маҳсулотнинг ҳақи жавобгардан ўз вақтида талаб қилинмаган.

Бу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 12 майда «Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониининг 1-банди талаблари даъвогар томонидан қўпол равишда бузилган.

Бундан ташқари, тарафлар ўртасида 2002 йил 20 мартда тузилган 298-сонли шартноманинг қўшимча иловасига кўра, даъвогар жавобгарга фақат кефир маҳсулоти етказиб бериш лозим бўлса-да, «Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонасининг тижорат ишлари бўйича директор ўринбосари Т. Толиповнинг кўрсатмасига биноан, шартноманинг ушбу шартлари ҳам қўпол равишда бузилган ҳолда унда

кўрсатилмаган қаймоқ, творог сингари бошқа сут маҳсулотлари «Теромосмаш» қўшма корхонасининг турли жойларда жойлашган ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган «Таразсув», «Қамиш бозор» ҳамда «Оқсой» филиалларига бериб юборилган. Натижада, дебитор қарзларнинг миқдори янада кўпайган.

Суд юқорида қайд этилган ҳолатларни ўрганиб чиқиб, «Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонасининг масъул ходимлари томонидан шартнома шартларини бажаришда йўл қўйилган хато ва камчиликларга баҳо берган ҳолда уларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида хусусий ажрим чиқаришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони 2-бандига кўра, пул маблағлари ва бошқа мулкдан оқилона фойдаланмаслик, тўлов интизомини бузганлик, шартнома мажбуриятларини бажармаслик ва корхоналарни банкротлик даражасига олиб келганлик учун хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бошқа ходимларини эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тегишли органларга тақдимномалар киритиш ҳуқуқи берилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонни тадбиқ этиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига биноан хўжалик судларининг мансабдор шахслар эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимнома келтириш ваколати Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 152-моддаси тартибида амалга оширилади. Ушбу қарорнинг 5.1-бандига биноан, юридик шахс билан меҳнат муносабатларида бўлган мансабдор шахс ўзининг ножўя хатти-ҳаракати билан юридик шахсга зарар етказган тақдирда, агар ушбу ножўя хатти-ҳаракат маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқармаса, бундай мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахс-

ларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг 2-банди ҳамда ЎзР ХПКнинг 152-моддасини қўллаб, суд

АЖРИМ ҚИЛАДИ:

Мазкур хўжалик иши бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан «Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонасининг масъул ходимларига нисбатан шартномада белгиланган тўлов интизомини бузганликлари учун уларни эгаллаб турган лавозимидан озод этишга қадар интизомий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал этилсин.

«Сардоба сут маҳсулотлари» шўъба корхонаси раҳбарига хусусий ажримни жамоа ўртасида муҳокама қилиш, унда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, корхонада шартнома интизомига қатъий риоя этилишини таъминлаш, ходимларнинг масъулиятини янада оширишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиш мажбурияти юклатилсин.

Хусусий ажрим бўйича кўрилган чоралар тўғрисида бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судига хабар берилсин.

Хусусий ажрим устидан бир ой ичида _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят қилиш мумкин.

Судья

А. Зоҳидов

*Қонун бузилишларини бартараф
этиш тўғрисида хусусий ажрим*

Х У С У С И Й А Ж Р И М

_____ шаҳри
2001 йил 25 ноябр

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди судья А. Бобоевнинг раислигида, Д. Толиповнинг котиблигида, вилоят прокурорининг ёрдамчиси Д. Умаров, даъвогар «Обод» фермер хўжалиги вакили Ч. Ёрматов, жавобгар «Вилоятдонмаҳсулотлари» уюшмаси вакили Х. Олтибоевларнинг иштирокида, даъвогар «Обод» фермер хўжалигининг жавобгарлар «Вилоятдонмаҳсулотлари» уюшмаси ва _____ туман ҳокимлигидан 3635100 сўм ундириш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар «Обод» фермер хўжалиги хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгарлар «Вилоятдонмаҳсулотлари» уюшмаси ва _____ туман ҳокимлигидан 3635100 сўм ундиришни сўраган.

Вилоят хўжалик судининг 2000 йил 25 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво тўла қаноатлантирилган.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, _____ туманидаги «Обод» фермер хўжалиги ва _____ туман дон қабул қилиш корхонаси ўртасида 2000 йил 15 мартда 2-сонли давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган. Шартномага кўра, фермер хўжалиги давлат эҳтиёжи учун 60 тонна, шу жумладан, 30 тонна прејскурант нархида ва 30 тонна эркин нархда 2000 йил ҳосилидан стандарт талабларига жавоб берадиган дон етказиб бериши белгиланган.

Фермер хўжалиги томонидан 2000 йил 30 майда 64 тонна дон етказиб берилиб, шартнома мажбуриятлари тўлиқ бажарилган.

2000 йил 19 июнда _____ туман ҳокими Б. Бўронов, ҳокимнинг биринчи ўринбосари У. Доутов ва _____ туман дон қабул қилиш корхонаси раҳбари Ш. Тошматов томонидан «Юлдуз» ширкат хўжалиги оморида сақланаётган, «Обод» фермер хўжалигига қарашли бўлган 40390 килограмм дон борлиги аниқланиб, туман ҳокими

томонидан ушбу бугдойни ҳам туман дон қабул қилиш корхонасига топшириш, акс ҳолда жавобгарликка тортилиши мумкинлиги огоҳ-лантирилган ҳолда фермер хўжалиги раҳбарига донни туман дон қабул қилиш корхонасига топшириш ҳақида кўрсатма берилган. Туман ҳокимининг топшириғи билан шартномадан ортиқча етиштирилган дон шу куни тонги соат 4.00 га қадар дон қабул қилиш корхонаси-га ҳеч қандай шартномасиз мажбуран топширтирилган.

«Обод» фермер хўжалиги раҳбари Ч. Ёрматов дон қабул қилиш корхонаси томонидан белгиланган нархга рози эмаслиги ва унга қарашли дон ноқонуний равишда мажбуран топширтирилганлиги сабабли туман прокурорига мурожаат қилган. Туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, фермерга қарашли дон ғайриқонуний равишда мажбуран топширтирилганлиги сабабли туман ҳокими Б. Бўронов ва туман дон қабул қилиш корхонаси раҳбари Ш.Тошма-товларга нисбатан амрнома киритилиб, шартномасиз олинган буг-дойни қайтариш ва қонун бузилишини бартараф қилиш талаб этил-ган. Туман прокурорининг ушбу амрномаси бажарилмаган.

Даъвогар «Обод» фермер хўжалиги хўжалик судига даъво ариза-си билан мурожаат қилиб, мажбурий равишда топширтирилган 40390 килограмм дон баҳосини бозор нархларида ҳар килограммини 90 сўмдан ҳисоблаб, 3635100 сўмни жавобгарлар «Вилоятдонмаҳсулотлари» уюшмаси ва _____ туман ҳокимлигидан ундиришни сўраган.

Суд мажлисида аниқланишича, _____ туман ҳокими Б.Бўро-нов томонидан фермернинг режадан ортиқча бўлган бугдойи туман ва вилоятга белгиланган дон етиштириш бўйича давлат режалари бажарилмаганлиги сабабли мажбурий равишда олиниб, «Вилоятдон-маҳсулотлари» уюшмасининг омборига топширтирилган.

Бу ҳаракатлар бевосита туман ҳокимининг ташаббуси ва раҳбар-лиги остида амалга оширилганлиги ишдаги мавжуд ҳужжатлар ҳамда томонлар вакилларининг суд мажлисида берган баёнотлари билан ўз исботини топган. Суд мажлисида туман ҳокими Б. Бўронов ҳақиқатан ҳам хўжалик, туман ва вилоят томонидан дон сотиш режалари баж-арилмагунча ҳеч қайси фермер ортиқча донни олиб қолмаслиги тўғри-сида фермерларга топшириқ берганлигини тан олган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 15-моддаси-да давлат органлари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки бу органлар мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳара-катсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш

органи томонидан тўланиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Шу кодекснинг 990-моддасига мувофиқ, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ёки бу органлар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар, мансабдор шахсларининг айбидан қатъи назар, суднинг қарори асосида қопланиши лозим.

Суд иш ҳолатларидан келиб чиқиб, қайд этилган қонун нормаларига асосланган ҳолда туман ҳокимининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида етказилган зарар суммасини _____ туман ҳокимияти ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Суд бу каби қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва Хўжалик процессуал кодексининг 152-моддасини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

_____ вилоят ҳокимининг эътибори, ушбу хусусий ажримда қайд этилган _____ туман ҳокими Б. Бўронов томонидан йўл қўйилгани, қонунбузарликлар ва бунинг натижасида бюджетга 2401993 сўм зарар етказилиш ҳолатига қаратилсин.

Хусусий ажрим муҳокама қилиниб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судига маълум қилинсин.

Хусусий ажрим устидан бир ой ичида _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят қилиниши мумкин

Судья

А. Бобоев

Х У С У С И Й А Ж Р И М

_____ шаҳри
1999 йил 22 июл

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик суди судья А. Рашидовнинг раислигида, С. Ботированинг котиблигида, томонлардан даъвогар вакили А. Холиқов, жавобгар вакили Б. Эшоновларнинг иштирокида, даъвогар ТИФ «Миллий банки»нинг жавобгар «Омад» хусусий корхонасидан 4.499.177 сўм ундириш ва кредит шартномасини муддатдан олдин бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризасини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Даъвогар ТИФ «Миллий банки» хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «Омад» хусусий корхонасидан 4.499.177 сўм ундириш ва кредит шартномасини муддатидан олдин бекор қилишни сўраган.

Даъвогар вакили суд мажлисида даъво талабини ўзгартириб, жавобгардан 4.938.351 сўм ундиришни сўраб, даъвонинг қолган қисмидан, яъни кредит шартномаси муддати тугаганлиги сабабли уни муддатидан олдин бекор қилиш ҳақидаги даъвосидан воз кечган.

Хўжалик судининг 1999 йил 22 июлдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, жавобгар «Омад» хусусий корхонасидан даъвогар ТИФ «Миллий банки» фойдасига 4.938.351 сўм ундирилган.

Иш ҳолатларига кўра, 1996 йил 3 июлда тузилган 82-сонли шартномага мувофиқ, «Омад» хусусий корхонасига озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ускуналар олиш учун 35 фоиз устама ҳақи тўлаш шarti билан 36 ой муддатга 3.544.840 сўм миқдорда кредит ажратилган.

Шартноманинг 1.3-бандига мувофиқ, кредит биринчи босқичда 1.003.200 сўм хом ашё учун, иккинчи босқичда 2.120.000 сўм асбоб-ускуна учун ажратилган. Шартноманинг 3.3-бандига биноан, жавобгар 1997 йил 10 июлдан бошлаб ҳар чорақда кредитнинг уста-

ма фоизи – 31.017 сўм тўлаши ва 1997 йил 5 июлга қадар 1.000.000 сўмни кредит ҳисобидан қайтариши лозим бўлган.

Шартноманинг 1.2 «а» ва 1.3-бандларига асосан, ТИФ «Миллий банки» томонидан «Омад» хусусий корхонаси раҳбарининг 1996 йил 8 июлдаги аризасига биноан, кредитнинг биринчи босқичи, яъни 1.000.000 сўми «Малибу» фирмасига дон маҳсулотлари учун, 1996 йил 10 июлдаги аризасига биноан кредитнинг иккинчи босқичи 980.000 сўм «Фатаморғана» фирмасига тегирмон сотиб олиш учун ўтказиб берилган.

Шартноманинг 1.2 «б» бандига асосан, «Мадад» суғурта агентлигига бир йилга суғурта бадали учун миждоз ҳисобидан 140.540 сўм ўтказган.

1997 йил 16 январда ўтказилган мониторинг текшируви хулосасига кўра, кредит олувчи томонидан маҳсулот ва асбоб-ускуна олиш учун ўтказилган маблағ ҳисобига ҳеч нарса олинмаганлиги аниқланган.

Жавобгарнинг кредитдан фойдаланганлик учун қарзи жами 1.926.811 сўмни ташкил этган. Бундан ташқари, шартноманинг 3 ва 4-бандларида кўрсатилган муддатларда 2.500.000 сўм кредит қайтарилмаган.

Шартноманинг 6.1-бандида муддати ўтган қарзнинг ҳар бир кечиккан кунини учун 0,5 фоиздан пеня ундирилиши лозимлигини назарда тутган ҳолда суд жавобгардан 180 кун учун 891.000 сўм миқдорда пеня ҳам ундирган.

Бундан ташқари, суд мажлиси давомида «Омад» хусусий корхонаси раҳбари томонидан ажратилган кредит маблағларини «Бизнес-режаси»га нисбатан номувофиқ равишда фойдаланилганлик ҳолати ҳам аниқланган.

«Омад» хусусий корхонасининг раҳбари О. Болтаевнинг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қувватлаш учун кредит ажратган ТИФ «Миллий банки»га катта миқдорда зарар етказилган. Бундай ҳолатда суд О. Болтаевнинг ҳаракатларида ЎзР ЖКнинг 167-моддаси, 4-қисмининг «а» бандида кўрсатилган жиноят аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Шуларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий но-чорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва ЎзР ХПКнинг 152-моддасини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

«Омад» хусусий корхонасининг раҳбари Олим Болтаевга нисбатан ЎзР ЖКнинг 167-моддаси, 4-қисмининг «а»-банди билан жиноят иши қўзғатилсин.

Мазкур хусусий ажрим ижро қилиш учун вилоят прокурорига юборилсин.

Хусусий ажримдан норози тараф бир ой ичида _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят келтириши мумкин.

Судья

А. Рашидов

*Маъмурий жавобгарликка
тортиш тўғрисида қарор*

Қ А Р О Р

_____ шаҳри
2002 йил 5 август

- сонли иш

_____ вилоят хўжалик судининг судьяси Т. Толипов, даъвогар «Аланга» масъулияти чекланган жамиятининг «Аском» фирмасига нисбатан дебиторлик қарзларини ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича «Аском» фирмаси директори Т. Холиқовни Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176¹-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Холиқов Темур Сафарович, 1949 йили Олой шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, муқаддам судланмаган ва маъмурий жавобгарликка тортилмаган, оилали, 4 нафар фарзанди бор, депутат эмас, «Аском» фирмасида директор бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳар. Чилонзор даҳаси, 35-мавзе, 101-уйнинг 12-хонадонида яшайди.

Т. Холиқов «Аском» фирмаси директори лавозимида ишлаб келиб, даъвогар «Аланга» МЧЖ билан тузилган шартнома шартларини бажариш чораларини кўрмасдан, етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилмаган. Етказиб берилган маҳсулот учун унинг сифатсизлигини етарли асосларсиз рўқач қилиб, даъвогарга 1.200.000 сўм тўлашдан бош тортган.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг қарз-ни ундириш тўғрисидаги даъвоси тўлиқ қаноатлантирилиб, «Аском» фирмасидан «Аланга» МЧЖ фойдасига 1.200.000 сўм асосий қарз, давлат божи ва почта харажатлари ундирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176¹-моддасига мувофиқ, шартнома шартларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқиба-тида хўжалик юритувчи субъектларга мулкий зарар етказилганлиги

учун мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 309 ва 176¹-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

«Аском» фирмаси директори Темур Сафарович Холиқов Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 176¹-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилсин ва унга нисбатан энг кам иш ҳақининг ўн беш баробари, яъни _____ сўм миқдорда жарима солинсин.

Жариманинг 85 фоизи _____ сўм давлат бюджети, 15 фоизи _____ сўм хўжалик судларини ривожлантириш фондига ундирилсин.

Ушбу қарорнинг ижроси «Аском» фирмаси бош ҳисобчисига юклатилиб, 15 кун муддатда ижро қилинсин.

Қарор ижро қилинганлиги ҳақида 5 кун муддатда _____ вилоят хўжалик судига маълум қилинсин.

Қарор устидан ЎзР МЖТКнинг 315, 317-моддаларига мувофиқ бир ой муддатда _____ вилоят хўжалик судининг апелляция инстанциясига шикоят (протест) келтирилиши мумкин.

Судья

Т. Толилов

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларида суд мажлиси котиблари ишини ташкил этиш ва суд мажлиси баённомаларини юритиш тўғрисида У С Л У Б И Й Қ Ў Л Л А Н М А (кўчирма)

1. Суд мажлиси котибига қўйиладиган талаблар

Суд мажлиси котиби ушбу услубий қўлланмада кўрсатилган қоидаларни, суд мажлисини ўтказиш тартибини билиши ҳамда амалдаги қонунларга ва хўжалик судида ўрнатилган ички меҳнат тартиб қоидаларига қатъий риоя қилиши шарт.

Суд мажлиси котиби раислик қилувчи билан бир қаторда суд мажлиси баённомасининг сифати ва ўз вақтида тузилиши учун жавобгардир.

Суд мажлиси котиби суд мажлисида бўлаётган барча ҳолатларни бехато ва аниқ қайд этиб бориши лозим. Суд жараёнида бир неча котиб қатнашадиган бўлса, ҳар қайси котиб ўзи юритган баённомани имзолаши шарт.

Суд котибига суд мажлисида олинган маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни рухсатсиз ошкор қилиш, суд ишларини ҳал этишга бевоқифа ёки билвосита араланиш, адолатсиз ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда таъсир ўтказиш тақиқланади ва бундай ҳаракатлар учун қонунда белгиланган тартибда жиноий жавобгарликкача тортилишига асос бўлади.

Суд мажлиси котиби хўжалик суди раисининг буйруғига асосан, ишга қабул қилинади ва вазифасидан озод этилади.

2. Суд мажлиси котибининг вазифалари

- суд мажлиси котиби раислик қилувчининг топшириғига биноан, хўжалик ишини суд мажлисида (бириңчи инстанция, апелляция ва кассация) кўриш учун тайёрлайди;
- даъво аризаларини иш юритувига қабул қилинганлиги тўғрисидаги ажримларни тегишли тарафларга юборади;

• суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида бошқа процесс иштирокчиларини хабардор қилади;

• судга чақиртирилган процесс иштирокчиларининг келган-келмаганлиги сабабларини текширади ва ҳозир бўлмаган шахсларнинг келмаганлигини аниқлаб, бу ҳақда судьяга маълум қилади;

• ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатларни йиғиб олади;

• ҳар сафар судья ёхуд суд ҳайъати суд мажлиси залига кираётганида у ерда ҳозир бўлганларга: «Ўрнингиздан туринг! Суд келяпти», деб мурожаат қилади;

• агар ишда гувоҳлар қатнашаётган бўлса, уларни сўроқ қилингунга қадар суд залидан чиқиб туришларини таъминлайди;

• суд мажлиси баённомасини юргизади;

• раислик қилувчининг суд муҳокамасини тайёрлаш ва ўтказиш билан боғлиқ бошқа топшириқларини бажаради;

• судьянинг топшириғига биноан, чақириқ ва сўров хатларини тайёрлайди ҳамда уларни тегишли манзилларга юборади;

• суд мажлисига тайинланган ишлар рўйхатини суд мажлиси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тузади ва бу рўйхатни олдиндан белгиланган жойга илиб қўяди;

• чақириқ хатларининг топширилганлигини кузатади, бу ҳақдаги маълумотларни ишга тикади. Чақириқ хати чақирилувчига етмаганлиги аниқланган ҳолларда бу ҳақда раислик қилувчига маълум қилади ва унинг топшириғи асосида тегишли чора кўради;

• суд мажлисига чақирилган шахсларнинг уларни судда бўлган вақтлари ҳақида чақирув қоғозига белги қўяди;

• хўжалик ишлари кўриб чиқилгандан сўнг уларни расмийлаштиради;

• ишларни ҳисобга олишнинг қайд этиш дафтарини юритади ва унга кўрилган иш ҳамда уларнинг натижаларини ёзиб боради;

• суд раиси, судья, девонхона мудирини топшириғига биноан девонхонанинг бошқа ишларини бажаради;

- зарур ҳолларда иш кўрилгач ёки унинг кўрилиши бошқа кунга қолдирилгач, дарҳол судга чақирилганларнинг чақириқ хатларига уларнинг судда қатнашганлик муддатларини белгилайди ва ўз имзоси билан тасдиқлаб, суд муҳрини босади.

Суд мажлиси котиби иш кўрилиб, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ёки қарори чиқарилгандан кейин, қуйидаги ҳаракатларни бажаради:

- ишга барча ҳужжатларни белгиланган тартибда, яъни аввал суд мажлисигача бўлган ажрим ва бошқа ёзишмаларни, кейин суд мажлиси давомида ишга қўшилган ҳужжатларни, сўнг судья ва суд мажлиси котиби томонидан имзоланган суд мажлисининг баённомасини, сўнгра суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғи ёхуд ажримини тикади;

- иш варақларига рақам қўяди, ишдаги барча ҳужжатлар тўғрисида рўйхат тузиб, ўз имзоси билан тасдиқлайди;

- ишда қатнашган тараф ва бошқа шахсларга ишнинг кўрилиши тўхтатилганлиги ёки иш юритувдан тугатилганлиги ёхуд кўрилмасдан қолдирилганлиги ҳақидаги суд ажрими нусхасини ЎзР ХПКнинг 148-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва муддатларда юборади, бошқа ҳолларда суд ҳужжатининг нусхаси тарафларга, уларнинг илтимосларига кўра, белгиланган давлат божи тўлангандан сўнг берилади.

Иш бўйича чиқарилган суд ҳужжатлари нусхаси судьянинг имзоси билан тасдиқланиб, суднинг муҳри босилгач, берилади. Агар ҳужжатларнинг нусхалари бир неча варақдан иборат бўлса, уларнинг варақларига ип ўтказиб боғланган ҳолда ҳар бир саҳифага муҳр босилади. Берилаётган суд ҳужжати қонуний кучга кирмаган бўлса, бу ҳақда унинг нусхасига ёзиб қўйилади.

3. Суд ҳужжатларини ижрога бериш ва ишни архивга топшириш

Суд ҳужжатлари қонуний кучга кирганидан кейин ижро варақаси берилади. Дарҳол ижрога берилиши лозим бўлган қарорлар бундан мустасно. Суд буйруғини ижрога қаратиш ЎзР ХПКнинг 102-моддаси, келишув битимини ижрога қаратиш эса ЎзР ХПКнинг 146-модда, 5-қисми талаблари асосида амалга оширилади.

Ижро варақа суд мажлиси котиби томонидан аниқ ва тушунарли қилиб тўлдирилади, унга тузатиш киритилмайди. Мазкур ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларига суд раиси ёки шу ишни кўришда раислик қилган судья ва суд котиби томонидан имзоланиб, суднинг муҳри

босилади. Шу ҳужжатларни белгиланган жойга юбориш ҳақидаги қузатув хатларига ҳам суд раиси ёки судья имзо қўяди.

Ижро варақа ундирувчига буюртма хати орқали юборилади. Ижро варақа ундирувчига тилхат орқали берилиши ёки унинг илтимосига кўра, бевосита ижрога юборилиши мумкин. Хусусий ажримлар нусхаси тегишли идора, корхона, ташкилот, меҳнат жамоалари ва мансабдор шахсларга юборилади. Жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги хусусий ажримлар ижро этиш учун прокурорга юборилади. Хўжалик ишлари бўйича иш юритиш тугаллангач, суд мажлиси котиби томонидан ишда мавжуд бўлган ҳужжатлар тикилади, саҳифаланади ва уларнинг рўйхати тузилиб, ишни қўришда раислик қилган судьянинг имзоси билан архивга топширилади.

4. Суд мажлиси баённомасининг мазмуни, уни юритиш тартиби

Суд мажлиси вақтида суд мажлисининг котиби ЎзР ХПКнинг 134-моддасида назарда тутилган қоидалар асосида баённома юритади.

Суд мажлисида, шунингдек, суд мажлисидан ташқарида айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда баённома тузилади.

Суд мажлисининг баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- суд мажлиси ўтказилган йил, ой, кун ва жой;
 - ишни кўраётган суднинг номи, суд таркиби;
 - ишнинг номи;
 - ишда иштирок этувчи шахслар ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчилари келганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
 - ишда иштирок этувчи шахсларга ва хўжалик судлов ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларига уларнинг процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тушунтирилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;
 - суд томонидан мажлис залидан чиқиб кетмасдан чиқарилган ажримлар;
 - ишда иштирок этувчи шахсларнинг оғзаки арзлари ва илтимосномалари;
 - гувоҳларнинг кўрсатувлари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари;
 - айрим процессуал ҳаракатлар бажарилганда олинган маълумотлар.
- ЎзР ХПКнинг 134-моддасига мувофиқ, суд мажлиси баённомасида кўрсатилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати тугалланган ҳисобланмайди. Баённомага иш учун муҳим деб ҳисобланган бошқа маълумотлар ҳам киритилиши мумкин. Жумладан, унда гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортганлиги ёки ёлғон кўрсатма берганлиги

учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги ва ундан бу ҳақда тилхат олинганлиги кўрсатилади.

Баённома котиб томонидан суд мажлисининг ўзида ёки алоҳида процессуал ҳаракат бажарилган вақтда мажлисдан ташқарида тузилади. Баённома раислик қилувчи ва суд мажлиси котиби томонидан мажлисининг эртасидан кечиктирмай ёки бевосита шу ҳаракат бажарилгандан кейин имзоланиши керак.

Хўжалик судлов ишларини юритишнинг иштирокчилари баённома имзоланганидан кейин уч кунлик муддатда суд мажлисининг ёки процессуал ҳаракатнинг баённомаси билан танишиш ҳамда унинг тўла-тўқислиги ва тўғри тузилганлиги хусусида ўз фикрларини бериш ҳуқуқига эга.

Судья баённома хусусида фикрлар қабул қилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида ажрим чиқаради. Мазкур ажрим юзасидан шикоят келтириш мумкин эмас. Баённома ва ажрим юзасидан берилган фикрлар ишга тикиб қўйилади.

Суд мажлисининг баённомаси ишда иштирок этувчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолати сифатида биринчи мартаба хўжалик процессига киритилди. Баённома муҳим далилий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли унинг мазмуни, шакли ва тузилиш тартиби қонун талаблари даражасида бўлиши керак. Баённомада процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган тартибда баён этилиши лозим. Баённомада суд томонидан суд мажлиси залининг ўзида чиқарилган ажримлар ҳам баён қилинади. Булар томонларнинг айрим масалалар бўйича келтирган илтимосномаларини қаноатлантириш ёки рад қилиш тўғрисидаги, жумладан, суд муҳокамасини кейинга қолдириш, қўшимча далилларни талаб қилиш ва бошқа мазмундаги ажримлар киради.

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрлари, оғзаки аризалари ва илтимосномалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, экспертларнинг ўз хулосаларини оғзаки тушунтиришлари баённомада биринчи шахс номидан баён қилиниши лозим. Суд томонидан лозим топилган ҳолатларда гувоҳларнинг кўргазмалари ва экспертларнинг тушунтиришлари улар томонидан имзоланиши мумкин.

Ишда суд мажлиси баённомаси бўлмаса ёки у ЎзР ХПКнинг 134-модда, 3-қисмида кўрсатилган шахслар томонидан имзоланмаган бўлса, биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарори ва апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилиниши учун асос бўлади (ЎзР ХПКнинг 170, 188-моддалари).

5. Суд мажлиси баённомасининг намунаси

Тошкент шаҳри
2002 йил 15 март

10-0312/123-сонли иш бўйича

2002 йил 15 март куни _____ вилояти хўжалик суди ўз биносида (сайёр суд мажлисида Ангрен шаҳар ҳокимияти биносида) раислик қилувчи судья Б. Абдуллаев, ҳайъат аъзолари _____ судья Д. Тошматов ва А. Эркиновлар таркибида (судья Б. Абдуллаевнинг раислигида), А. Бўриевнинг котиблигида, прокурор ёрдамчиси И. Собиров, адвокатлар Р. Пардаев ва С. Алиевлар, даъвогар вакили Л. Шомуратов ҳамда жавобгар вакили О. Тойлоқовларнинг иштирокида 10-0312/123- сонли даъвогар «Қоплонбек» хусусий фирмасининг жавобгар «Лочин» қурилиш-таъмирлаш фирмасига нисбатан етказиб берилган маҳсулот учун ўз вақтида ҳисоб-китоб натижасида вужудга келган қарзни, етказилган моддий зарар ва пеняни ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича хўжалик ишини кўрди.

Раислик қилувчи хўжалик ишини кўриш юзасидан суд мажлисини очиб, қандай иш кўрилишини эълон қилди.

Котиб суд мажлисига тарафларнинг, таклиф қилинганлар ва гувоҳларнинг келганлиги тўғрисида раислик қилувчига ахборот берди.

Э с л а т м а : Суд мажлисига тарафлар келмаган тақдирда бу ҳолат аниқ кўрсатилиши керак. Шундан сўнг судья ёки суд ҳайъати томонидан ушбу масала бўйича қабул қилинган ажрим мазмуни ҳам баён қилиниши лозим (ишни кўришни давом эттириш, бошқа кунга қолдириш, кўрмасдан қолдириш ва ҳоказо).

Гувоҳлар суд залидан чиқарилди.

Раислик қилувчи томонидан тарафларнинг ваколатлари текширилиб, уларнинг ЎзР ХПКнинг 35-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилди.

Раислик қилувчи суд ҳайъатини эълон қилди ва тарафлардан судья, суд ҳайъати, прокурор, эксперт ва таржимонга нисбатан эътирозлари (рад қилиш) бор-йўқлигини сўради.

Томонлардан рад этиш тўғрисида илтимослар тушмади.

Раислик қилувчи суд мажлисини олиб бориш ва далилларни текшириш тартибини белгилади ва томонларнинг қўшимча илтимослари бор-йўқлигини аниқлади.

Томонлардан қўшимча ҳужжатларни ишга қўшиш тўғрисида илтимосномалар билдирилмади (агар шундай илтимослар бўлган тақ-

дирда, у ким томонидан билдирилганлиги, хужжатнинг номи ва суднинг ушбу масалани ўз жойида қандай ҳал этганлиги тўғрисидаги ажримнинг мазмуни баён қилиниши керак).

Эслатма: Ишда иштирок этаётган таржимон ва экспертнинг шахси аниқлангач, улар била туриб ёлгон хулоса бергани, хулоса беришдан бош тортгани ҳамда била туриб нотўғри таржима қилганлиги учун ЎзР ЖКнинг 237—238-моддалари билан жиноий жавобгарликка тортилишлари тўғрисида огоҳлантирилишлари ва улардан бу ҳақда тилхат олиниб, бу ҳолат суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши лозим.

Суд иш бўйича далилларни текширишга ўтади.

Даъвогар вакили:

Шомуротов Лазиз, 1960 йилда туғилган, ЎзР фуқароси, маълумоти олий, oilали, 5 нафар фарзанди бор, депутат эмас. «Қоплонбек» хусусий фирмасида директор ўринбосари булиб ишлайди. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Баҳор кўчаси, 45-уйда яшайди. № 67 Ишончнома 2002 йил 10 мартда берилган.

— Даъвоғони қувватлайман. 2001 йил 24 апрел кунги 56-сонли шартномага асосан, бизнинг фирма 2001 йилнинг июл ойида жавобгарга 23 та эшик, 45 та дераза роми етказиб берган, лекин жавобгар ҳозиргача етказиб берилган маҳсулот учун ҳисоб-китоб қилмади, шуларга асосан, жавобгардан 700.000 сўм қарзни, 15.000 сўм пеня ва 10.000 сўм миқдорда келтирилган зарарни ундириб беришингизни сўрайман.

Раислик қилувчи саволига даъвогар вакили:

— Қарзни ўз вақтида ихтиёрий равишда тўлаш тўғрисида жавобгарга ёзма равишда мурожаат қилганмиз.

Жавобгар вакили саволига даъвогар вакили:

— Эслатма хатини ходимингиз Алимова қабул қилиб олган.

Бошқа саволлар бўлмади.

Жавобгар вакили:

Тойлоқов Обид, 1959 йилда туғилган, ЎзР фуқароси, маълумоти олий, oilали, 4 нафар фарзанди бор, депутат эмас. «Лочин» фирмасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳар, Турон кўчаси, 10-уйда яшайди. № 15 Ишончнома 2002 йил 11 мартда берилган.

— Даъвоғони қисман тан оламан. Ҳақиқатан ҳам даъвогар билан тузилган шартнома асосида эшик ва ромларни олганмиз, ҳисоб-китоб масаласида даъвогар билан ўзаро келишган эдик. Яъни қарзни тўлаш муддатини кечиктиришни илтимос қилганмиз. Қарзни

тўлаш тўғрисидаги эслатма хатини олганимиз йўқ. Шунинг учун даъвонинг пеня ва моддий зарарни ундириш қисмини рад қилишингизни сўрайман.

Прокурор саволига жавобгар вакили:

— Алимова бизда девонхона мудири бўлиб ишлайди.

Адвокат саволига жавобгар вакили:

— Ҳозир ҳисоб рақамимизда пул бор.

Бошқа саволлар бўлмади.

Гувоҳ:

Алимова Раъно. 1971 йилда туғилган, ЎзР фуқароси, «Лочин» фирмасида девонхона мудири бўлиб ишлайди. Тошкент шаҳар, Олтинсой кўчаси, 3-уйда яшайди.

Гувоҳ процессуал ҳуқуқлар билан таништирилиб, ЖКнинг 237, 238-моддалари билан огоҳлантирилди ва бу ҳақда тилхат олинди.

— Мен «Лочин» фирмасида девонхона мудири бўлиб ишлайман. «Қоплонбек» хусусий фирмасидан келган 561-сонли эслатма хатни қабул қилганман ва шу куннинг ўзида уни расмийлаштириб раҳбарга тақдим этганман. Менинг вазифам шундан иборат.

Саволлар бўлмади.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб, томонларнинг кўргазмаларини тинглаб, музокарага ўтади.

Даъвогар вакили:

— Даъвони тўлиқ қаноатлантиришингизни сўрайман.

Даъвогар адвокати Р. Пардаевнинг фикри:

— Ҳурматли суд, бугунги суд процессида шу нарса маълум бўлдики, жавобгар тараф ўз вақтида қарзини тўламаган. Шунинг учун даъвони тўлиқ қаноатлантиришингизни сўрайман.

Жавобгар вакили:

— Даъвони қисман рад этишингизни сўрайман.

Жавобгар адвокати С. Алиевнинг фикри:

— Жавобгар вакилининг фикрига қўшиламан.

Прокурор фикри:

— Ҳурматли суд, бугунги процесс жараёнида кўрилган низо шартнома мажбуриятларини бажармаслик оқибатида келиб чиққан бўлиб, ҳақиқатан ҳам жавобгар «Лочин» фирмаси даъвогар томонидан огоҳлантирилишига қарамай, ўз қарзини тўламай келган. Демак, у шартнома шартларини бузиши оқибатида даъвогарга моддий зарар ҳам келтирган. Бу ҳолатда даъво тўла қаноатлантирилиши лозим деб ҳисоблайман.

Судья (суд ҳайъати) маслаҳат хонасига кириб кетади.

Судья (суд ҳайъати) маслаҳат хонасидан чиқиб, ҳал қилув қарорини ўқиб эшиттирди.

Тарафларга ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш муддати ва тартиби тушунтирилди.

Суд мажлиси ёпиқ деб эълон қилинди.

Раислик қилувчи:

Б. Абдуллаев

Суд мажлиси котиби:

А. Бўриев

(Олий ҳужалик судининг 2002 йил 10 апрелдаги 111-сонли буйруғи билан тасдиқланган).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХҲЖАЛИК
ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ**

*(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг
1997 йил 30 августдаги 478-1-сонли қарори билан
амалга киритилган)
(кўчирма)*

II бўлим

**БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ ХҲЖАЛИК
СУДИДА ИШ ЮРИТИШ**

14-боб. СУД БУЙРУҒИ

102-м о д д а. Суд буйруғи асосида қарзни ундириш

Суд буйруғи кредиторнинг пул суммасини ундириш ёки ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги аризаси бўйича судья чиқарган ҳужжатдир.

Суд буйруғи ижро ҳужжати кучига эга. Суд буйруғи бўйича ундирув буйруқ берилгандан сўнг ўн кунлик муддат ўтгач, суд ҳужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

103-м о д д а. Суд буйруғи бериш бўйича талаблар

Суд буйруғи судья томонидан қуйидаги ҳолларда якка тартибда берилади:

1) солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни ташкилотлар ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса;

2) ҳужжатлар асосида тан олинган дебиторлик қарзини ундириш тўғрисида талаб қўйилса;

3) талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцептга сана қўйилмаган вексель нотариус томонидан протест қилинишига асосланса.

104-м о д д а. Аризанинг шакли ва мазмуни

Ариза ҳужалик судига ёзма шаклда судловга тегишлиликнинг умумий қондалари бўйича берилади. У кредитор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланадиган аризага ишончнома илова қилинади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) ариза берилаётган ҳужалик судининг номи;
- 2) кредиторнинг, қарздорнинг номи ва уларнинг манзиллари;
- 3) кредиторнинг қонун ҳужжатларига асосланган талаби;
- 4) талабга асос бўлган ҳолатлар ва уларни тасдиқловчи далиллар;
- 5) ундириладиган сумманинг ҳисоб-китоби;
- 6) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

105-м о д д а. Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхасини қарздорга топшириш

Кредитор суд буйруғини бериш тўғрисида ариза берганида қарздорга шу аризанинг нусхасини топшириши шарт.

106-м о д д а. Давлат божи

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза учун судга даъво билан умумий тартибда мурожаат қилганда низолашилаётган сумма асосида ҳисоблаб чиқилган ставканинг эллик фоизи миқдориди давлат божи тўланади.

Суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилиш рад этилган тақдирда ундирувчи тўлаган давлат божи ундирувчи томонидан қарздорга умумий тартибда даъво тақдим этилганда тўланиши лозим бўлган бож ҳисобига ўтказилади.

107-м о д д а. Аризани қабул қилишни рад этиш асослари

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этади:

- 1) билдирилган талаб ушбу Кодекснинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса;
- 2) ариза ушбу Кодекснинг 104-моддасида белгиланган талабларга риоя қилмаган ҳолда берилган бўлса;
- 3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса;
- 4) қарздорга ариза нусхаси топширилгани тўғрисидаги далиллар тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Судья аризани қабул этишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

Аризани қабул қилишни рад этиш кредиторнинг ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

108-м о д д а. Ариза юзасидан билдирилган ёзма фикр

Қарздор унга суд буйруғини бериш тўғрисидаги ариза нусхаси топширилган пайтдан бошлаб ўн кунлик муддатда хўжалик судига кредитор талабларига қарши эътирозларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинган ёзма фикрини тақдим этишга ҳақли.

Белгиланган муддатда қарздор томонидан ёзма фикрнинг берилмаслиги, шунингдек, унинг билдирилган талабга розилиги суд буйруғини бериш учун асос бўлади.

Ёзма фикр қарздор ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

109-м о д д а. Суд буйруғини бериш тартиби ва уни беришни рад этиш асослари

Судья суд буйруғини ишни судда муҳокама қилмасдан, қарздор ва ундирувчини чақирмасдан ҳамда уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан беради.

Судья қуйидаги ҳолларда суд буйруғини беришни рад этади:

- 1) агар қарздор билдирилган талабга рози бўлмаса;
- 2) ҳуқуқ тўғрисидаги мавжуд низони тақдим этилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайди деб ҳисобласа.

Судья суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Суд буйруғини беришни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

Суд буйруғини беришни рад этиш ўша талаб бўйича умумий тартибда даъво тақдим этиш имкониятига тўсқинлик қилмайди.

110-м о д д а. Суд буйруғининг мазмуни

Суд буйруғида қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- 1) хўжалик судининг номи ва буйруқ берилган сана;
- 2) ишнинг тартиб рақами, судьянинг фамилияси ва исм-шарифининг бош ҳарфлари, талаб нима ҳақдалиги;

3) қарздор ва кредиторнинг номи, уларнинг манзиллари;
4) ундирилиши лозим бўлган пул суммасининг миқдори ёки талаб қилиб олинishi лозим бўлган мол-мулк, унинг қийматини кўрсатган ҳолда;

5) неустойка, агар тўланиши лозим бўлса;

6) қарздордан ундирувчи ёки давлат фойдасига ундирилиши лозим бўлган давлат божининг суммаси.

Суд буйруғи судья томонидан икки нусхада имзоланади, улардан бири ишда қолади, бошқаси хўжалик судининг гербли муҳри билан тасдиқланиб, ундирувчига берилади.

111-м о д д а. Суд буйруғини бекор қилиш

Агар қарздор узрли сабаб билан кредиторнинг талабига қарши ўз вақтида эътироз билдириш имкониятига эга бўлмаган бўлса, суд буйруғи берилган кундан эътиборан ўн кунлик муддатда ўша судга суд буйруғини бекор қилиш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Судья бундай ҳолда буйруқни бекор қилади, шундан кейин кредиторнинг талаби умумий тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

Суд буйруғини бекор қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрим устидан шикоят қилиниши мумкин.

18-боб. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

135-м о д д а. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш

Хўжалик суди низони мазмунан ҳал қилишда ҳал қилув қарори қабул қилади. Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний ва асослантирилган бўлиши керак. Хўжалик суди ҳал қилув қарорини мажлисда текширилган далиллар билангина асослайди.

Ҳал қилув қарори суд мажлисида, ишни кўриш тугагандан кейин алоҳида хонада қабул қилинади. Ҳал қилув қарорини қабул қилиш вақтида хонада ишни кўраётган хўжалик суди таркибига кирувчи судьяларгина бўлиши мумкин.

Ишни ҳайъатда кўрганда, хўжалик судининг ҳал қилув қарори кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

136-м о д д а. Ҳал қилув қарорини қабул қилишда ҳал этиладиган масалалар

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилишда:

1) далилларга баҳо беради;

2) иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар аниқланганлигини ва қайсилари аниқланмаганлигини белгилайди;

3) ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қайси қонун ҳужжатларини ушбу иш бўйича қўллаш мумкин эмаслигини ҳал қилади;

4) ушбу иш бўйича қайси қонун ҳужжатларини қўллаш зарурлигини белгилайди;

5) ишда иштирок этувчи шахсларнинг қандай ҳуқуқ ва мажбуриятлари борлигини аниқлайди;

6) даъвони қаноатлантириш лозимлиги ёки лозим эмаслигини ҳал қилади.

Хўжалик суди маслаҳат вақтида далилларни қўшимча равишда текширишни ёки иш учун аҳамиятли ҳолатларни аниқлашни давом эттиришни зарур деб топса, ишни кўришни янгидан бошлайди.

137-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг баёни

Ҳал қилув қарори суд мажлисида раислик қилувчи ёки ишни кўраётган судьялар таркибидаги бошқа судья томонидан ёзма баён қилиниб, мажлисда иштирок этаётган барча судьялар томонидан имзоланади.

138-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг мазмуни

Хўжалик суди ҳал қилув қарорини Ўзбекистон Республикаси номи билан қабул қилади.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори кириш, баён қилиш, асослантирувчи ва хулоса қисмларидан иборат бўлади.

Ҳал қилув қарорининг кириш қисмида уни қабул қилган хўжалик судининг номи, суд таркиби, суд мажлиси котиби, ишнинг тартиб рақами, иш кўрилган сана ва жой, ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, низо предмети, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг баён қилиш қисмида даъво аризасининг, унинг юзасидан билдирилган мулоҳазанинг, бошқа тушунтиришларнинг, ишда иштирок этувчи шахслар аризаларининг қисқача мазмуни ифодаланиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг бу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ва хўжалик суди у ёки бу далилларни рад қилишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламас-

лигига сабаб бўлган важ, шунингдек, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда таянган қонун ҳужжатлари кўрсатилиши лозим.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ҳар бир даъво талабини қаноатлантириш ёки қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги хулосалар бўлиши лозим.

Ишда бир неча даъвогар ва жавобгар иштирок этаётган бўлса, қарорда низо улардан ҳар бирига нисбатан қандай ҳал қилингани кўрсатилади.

Дастлабки даъвони ва қарши даъвони тўла ёки қисман қаноатлантирилганда ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида даъволарни ўзаро ҳисобга олиш натижасида ундирилиши лозим бўлган сумма кўрсатилади.

Ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг қандай тақсимланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби кўрсатилади.

Агар хўжалик суди ҳал қилув қарорини ижро этиш тартибини белгиласа ёки унинг ижросини таъминлаш чораларини кўрса, бу тўғрида ҳал қилув қарорида кўрсатилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

139-м о д д а. Пул маблағларини ва мол-мулкни ундириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди пул маблағларини ундириш тўғрисидаги даъвони қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ундирилган сумманинг умумий миқдорини асосий қарзни, зарарларни, неустойкани (жарима ва пеняни) алоҳида-алоҳида аниқлаган ҳолда кўрсатади.

Хўжалик суди мол-мулкни ундириб берганида топширилиши лозим бўлган мол-мулкнинг номи, унинг қиймати ва турган жойини кўрсатади.

140-м о д д а. Ижро ҳужжатини ёки бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Ижро ҳужжатини ёки ундириш сўзсиз (акцептсиз) тартибда, шу жумладан, нотариуснинг ижро ёзуви асосида, амалга оширилмайдиган бошқа ҳужжатни ижро этишга тегишли эмас деб топиш тўғрисидаги низо бўйича даъво қаноатлантирилганида ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида ижро этишга тегишли бўлмаган ҳужжатнинг номи, тартиб рақами ва санаси ҳамда ҳисобдан ўчирилмайдиган сумма кўрсатилади.

141-м о д д а. Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Шартнома тузиш ёки уни ўзгартириш вақтида келиб чиққан низо бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида шартноманинг ҳар бир низоли шarti бўйича қабул қилинган қарор кўрсатилади, шартнома тузишга мажбурлаш тўғрисидаги низо бўйича эса тарафлар қандай шартларда шартнома тузишига мажбурлиги кўрсатилади.

142-м о д д а. Жавобгарга муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори

Жавобгар зиммасига мол-мулкни бериш ёки пул суммасини ундириш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклайдиган ҳал қилув қарори қабул қилинганида хўжалик суди унинг хулоса қисмида шу ҳаракатларни ким, қаерда, қачон ёки қайси давр мобайнида бажариши шартлигини кўрсатади.

Зарурат бўлганда хўжалик суди, агар жавобгар ҳал қилув қарорини бажармаса, даъвогар тегишли ҳаракатларни жавобгар ҳисобидан бажариб, зарур ҳаражатларни ундириб олишга ҳақли эканлигини кўрсатиши мумкин.

Агар ушбу моддада кўрсатилган ҳаракатлар фақат жавобгар томонидан бажарилиши мумкин бўлса, хўжалик суди ҳал қилув қарорида у ижро этилиши лозим бўлган муддатни белгилаб кўяди.

143-м о д д а. Давлат органининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарори

Давлат органининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги иш бўйича ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида куйидагилар акс этиши керак:

1) ҳужжатнинг номи, тартиб рақами, чиқарилган санаси, бошқа зарур реквизитлари ва уни чиқарган орган тўғрисидаги маълумотлар;

2) ҳужжатни тўла ёки унинг маълум қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ёхуд аризаچининг талабини тўла ёки унинг маълум қисмини рад этиш тўғрисидаги кўрсатма.

Давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишни ёки рўйхатдан ўтказишдан бош тортишни ноқонуний, деб топиш тўғрисидаги талаб қаноатлантирилганида, хўжалик суди ҳал қилув қарорининг хулоса

қисмида тегишли давлат органига шундай рўйхатдан ўтказиш мажбуриятини юклайди.

144-м о д д а. Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори

Хўжалик суди юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги аризани қаноатлантирганида, ҳал қилув қароридан аниқланган факт баён қилиниши керак.

Хўжалик судининг юридик аҳамиятга эга бўлган фактни аниқлаш тўғрисидаги ҳал қилув қарори тегишли органлар томонидан шундай фактни қайд этиш учун ёки аниқланган факт муносабати билан юзага келадиган ҳуқуқларни расмийлаштириш учун асос бўлади.

145-м о д д а. Ҳал қилув қарорини эълон қилиш

Ҳал қилув қарори имзолангандан кейин иш кўрилган мажлисининг ўзида раислик қилувчи томонидан эълон қилинади. Алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар юзасидан асослантирилган ҳал қилув қарорини тузиш кўпи билан уч кунга кечиктирилиши мумкин, ammo ҳал қилув қарорининг хулоса қисми ишнинг муҳокамаси тугаган мажлисининг ўзида эълон қилинади. Айтиб ўтиш керакки, бир вақтда раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслар асослантирилган ҳал қилув қарори билан қачон танишишлари мумкинлигини эълон қилади.

Ҳал қилув қарорининг эълон қилинган хулоса қисми барча судьялар томонидан имзоланиши ва ишга қўшиб қўйилиши лозим.

Мажлиса раислик қилувчи хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан шикоят қилиш тартибини тушунтириб беради.

146-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кириши

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган пайтдан кучга киради.

Апелляция шикояти берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаса, апелляция инстанцияси қарор чиқарган пайтдан қонуний кучга киради.

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирганидан кейин ижро этилади.

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорлари, шунингдек, келишув битимини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлар дарҳол ижро этилади.

147-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш

Хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахсларнинг аризалари бўйича ушбу Кодекснинг 7-бобида белгиланган қоидалар асосида ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлаш чораларини кўради.

148-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ишда иштирок этувчи шахсларга қабул қилинган кундан эътиборан беш кунлик муддатда топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

149-м о д д а. Қўшимча ҳал қилув қарори

Ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик суди қуйидаги ҳолларда қўшимча ҳал қилув қарори қабул қилади:

1) ишда иштирок этувчи шахслар далиллар тақдим этган бирон-бир талаб бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинмаган бўлса;

2) суд ҳуқуқ масаласини ҳал қилиб, ундириладиган сумма миқдорини, берилиши лозим бўлган мол-мулкни ёки жавобгар бажариши шарт бўлган ҳаракатларни кўрсатмаган бўлса;

3) суд харажатлари тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган бўлса.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунча қўйилиши мумкин.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш масаласи суд мажлисида ҳал қилинади. Ишда иштирок этувчи шахслар, мажлис вақти ва жойи тўғрисида топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали хабардор қилинади. Тегишли равишда хабардор қилинган ишда иштирок этувчи шахсларнинг келмаганлиги масалани кўришга тўсқинлик қилмайди.

Қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилиш рад этилган тақдирда ажрим чиқарилади.

Хўжалик судининг қўшимча ҳал қилув қарорини қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги ажрими устидан шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

150-м о д д а. Ҳал қилув қарорини тушунтириш. Ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш

Ҳал қилув қарори ноаниқ бўлган тақдирда, низони ҳал қилган хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахснинг ёки суд ижрочисининг аризасига кўра, ҳал қилув қарорини унинг мазмунини ўзгартирмаган ҳолда тушунтириб беришга, шунингдек, ишда иштирок этувчи шахснинг аризасига кўра ёки ўз ташаббуси билан йўл қўйилган ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатолар ва ҳисоб-китобдаги янглишишларни ҳал қилув қарорининг моҳиятига тегмаган ҳолда тузатишга ҳақлидир.

Ҳал қилув қарорини тушунтириб бериш ва ёзувдаги хатолар, ҳарфий хатоларни ёки ҳисоб-китобдаги янглишишларни тузатиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

19-боб. ХЎЖАЛИК СУДИНИНГ АЖРИМИ

151-м о д д а. Ажрим чиқариш ва унинг мазмуни

Хўжалик суди иш кўришни кейинга қолдирганда, иш юритишни тўхтатиб турганда, тугатганда, даъвои кўрмасдан қолдирганда, шунингдек, ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа ҳолларда алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқаради.

Алоҳида ҳужжат тариқасида чиқариладиган ажримда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

1) хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ажрим чиқарилган сана, суд таркиби, суд мажлиси котиби, низо предмети;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ажрим чиқарилаётган масала;

4) хўжалик суди ўз хулосаларини чиқаришга олиб келган сабаблар, бунда таянилган қонун ҳужжатлари;

5) кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса.

Хўжалик суди, суд мажлисида ишни кўраётганида суд муҳокамаси давомида ҳал этилишини талаб қиладиган масалалар бўйича алоҳида ҳужжат тариқасида расмийлаштирмасдан ажрим чиқаришга ҳақлидир. Ажрим оғзаки эълон қилинади ва суд мажлисининг баённомасига ёзиб қўйилади. Ажримда у қайси масала бўйича чиқарилаётгани, суд ўз хулосасини чиқаришга олиб келган сабаблар ҳамда кўриб чиқиладиган масала бўйича хулоса кўрсатилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

152-м о д а. Хусусий ажрим

Низони кўриш вақтида ташкилотлар, давлат органи ва бошқа орган, мансабдор шахс ёки фуқаронинг фаолиятида қонун ҳужжатлари бузилгани аниқланган тақдирда хўжалик суди хусусий ажрим чиқаришга ҳақлидир.

Хусусий ажрим тегишли ташкилотларга, давлат органларига ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга, фуқароларга юборилади, улар бир ойлик муддатда хўжалик судига кўрилган чоралар тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Агар хўжалик низосини кўриб чиқиш чоғида суд мансабдор шахс хатти-ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят иши кўзгатади ҳамда етказилган зарар ундирилишини таъминлаш учун унга тегишли мол-мулкни хатлаб кўяди.

(Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги Қонуни таҳририда).

Хусусий ажрим устидан шикоят қилиш мумкин.

153-м о д а. Ажримни юбориш

Хўжалик суди алоҳида ҳужжат тариқасида ажрим чиқарган ҳолларда у ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга чиқарилгандан кейин беш кун муддатда юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Ушбу Кодексга мувофиқ, устидан шикоят қилиниши мумкин бўлган ажримлар ишда иштирок этувчи шахсларга ва унга дахлдор бошқа шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

III бўлим

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРЛАРИНИ ҚАЙТА КЎРИШ БЎЙИЧА ИШ ЮРИТИШ

21-боб. АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ

156-м о д а. Апелляция шикояти бериш (протест келтириш) ҳуқуқи

Ишда иштирок этувчи шахслар хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти бериш (протест келтириш)га ҳақлидир.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

157-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)ни кўрувчи хўжалик суди

Апелляция шикояти (протести)ни биринчи инстанцияда ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг апелляция инстанцияси кўради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

158-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)ни бериш муддати

Апелляция шикояти (протести) хўжалик суди ҳал қилув қарорини қабул қилгандан кейин, бир ой ичида берилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

159-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)нинг мазмуни

Апелляция шикояти (протести)да қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўлланган хўжалик судининг номи;
- 2) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг номи;
- 3) устидан шикоят берилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори қабул қилинган сана, низоининг предмети;
- 4) шикоят бераётган (протест келтираётган) шахснинг талаблари ва ҳал қилув қарорини нотўғри деб ҳисоблашининг асослари, бунга далил бўлган қонун ҳужжатлари ҳамда иш материаллари;
- 5) шикоятга (протестга) илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Апелляция шикояти, шикоят бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан апелляция протести эса прокурор томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал шу иш бўйича берилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга (протестга) шикоят (протест) нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганлигини тасдиқловчи далиллар илова қилинади. Бундан ташқари шикоятга давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи далиллар ҳам илова қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

160-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)нинг нусхасини ишда иштирок этувчи шахсларга юбориш

Апелляция шикояти (протести) бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протести)нинг ва унга илова қилинган, бу шахсларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

161-м о д д а. Апелляция шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс апелляция шикояти (протести)нинг нусхасини олгач, унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ва ёзма фикрнинг нусхалари ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга юборилганини тасдиқловчи далилларни апелляция шикояти (протести) кўриладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда хўжалик судига юборишга ҳақлидир.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколатли эканлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ёзма фикрга аввал, тақдим этилмаган ҳужжатлар илова қилиниши мумкин. Бу ҳолда ёзма фикрга ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхалари юборилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

162-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)ни қайтариш

Судья апелляция шикояти (протести)ни қуйидаги ҳолларда қайтаради:

1) апелляция шикояти (протести) имзоланмаган ёхуд уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёки мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) апелляция шикояти (протести)га унинг нусхалари ишда иштирок этувчи шахсларга жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

3) давлат божи белгиланган тартибда ва миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар апелляция шикояти (протести)га илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божини тўлаш муддатини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома рад этилган бўлса;

4) апелляция шикоят (протести) белгиланган муддат ўтганидан кейин берилган бўлса ва унда ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

5) ишда иштирок этувчи шахсларга апелляция шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоят (протест) ни берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Апелляция шикоятини (протестини) қайтариш тўғрисидаги ажрим устидан кассация шикоят (протести) келтириш мумкин.

Шикоят берган (протест келтирган) шахс ушбу модданинг биринчи қисмидаги 1, 2, 3-бандларда кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилганидан кейин хўжалик судига апелляция шикоят (протести) билан умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

163-м о д д а. Апелляция шикоят (протести)ни юритишга қабул қилиш тўғрисидаги ажрим

Судья апелляция шикоят (протести)ни иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ажримда апелляция шикоят (протести)ни кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

164-м о д д а. Апелляция инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш апелляция инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишни биринчи инстанция хўжалик судида кўриб чиқиш қоидалари бўйича кўриб чиқилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

165-м о д д а. Апелляция шикоятдан воз кечиш. Протестни чақириб олиш

Апелляция шикоят (протести) берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни апелляция тартибида кўриб чиқишга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори устидан бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлса, апелляция инстанциясида иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди апелляция инстанциясида иш юритишни тугатганлиги тўғрисида ажрим чиқаради.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

166-м о д д а. Ишни апелляция инстанциясида кўриш чегараси

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўрганида ишда мавжуд ва қўшимча тақдим этилган далиллар бўйича ишни қайта кўради. Агар аризачи қўшимча далилларни ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра биринчи инстанция судига тақдим этиш имкониятига эга бўлмаганлигини асосласа, хўжалик суди қўшимча далилларни қабул қилади.

Суд апелляция шикояти (протести)да баён этилган вазият билан чекланиб қолмайди ҳамда ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асосланганлигини тўла ҳажмда текширади.

Иш биринчи инстанцияда кўрилганда тақдим этилмаган янги талаблар апелляция инстанциясида қабул қилинмайди ва кўрилмайди.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

167-м о д д а. Апелляция шикояти (протести)ни кўриш муддати

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан тушган апелляция шикояти (протести) хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

168-м о д д а. Апелляция инстанциясининг ваколатлари

Хўжалик суди ишни апелляция инстанциясида кўргач:

1) суднинг ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдиришга, шикояти (протести)ни эса қаноатлантормасликка;

2) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, янги қарор қабул қилишга;

- 3) ҳал қилув қарорини ўзгартиришга;
 - 4) ҳал қилув қарорини тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни юриштишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;
 - 5) ҳал қилув қарорини бекор қилишга ва ушбу Кодекс 170-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлган тақдирда ишни янгитдан кўриш учун юборишга ҳақли.
- (Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги Қонуни таҳририда).

169-м о д д а. Ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Қуйидагилар хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади:

- 1) иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг тўлиқ аниқланмаганлиги;
- 2) хўжалик суди аниқланган деб ҳисоблаган иш учун аҳамиятли ҳолатларнинг исботланмаганлиги;
- 3) ҳал қилув қарориди баён қилинган хулосаларнинг иш ҳолатларига мувофиқ келмаслиги;
- 4) моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилганлиги ёхуд нотўғри қўлланилганлиги.

170 - м о д д а. Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши

Агар процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нотўғри ҳал қилув қарори қабул қилинишига олиб келган бўлса ёки олиб келиши мумкин бўлса, бу ҳол ҳал қилув қарорини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция хўжалик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун асос бўлади, агар:

- 1) иш суд томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;
- 2) суд ишни мажлис жойи ва вақти тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган ишда иштирок этувчи шахслардан бирортасининг йўқлигида кўрилган бўлса;
- 3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;
- 4) суд ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилган бўлса. Ушбу шахслар бундай ҳал қилув қарори устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақлидир;

5) ҳал қилув қарори судьялардан бирортаси томонидан имзоланмаган бўлса ёки ҳал қилув қарорида кўрсатилмаган судьялар томонидан имзоланган бўлса;

6) ҳал қилув қарори ишни кўрган таркибдаги судьялардан бошқа судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

7) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёки у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

171-м о д д а. Апелляция инстанциясининг қарори

Апелляция шикоятни (протести)ни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, қарор қабул қилинган сана, ишнинг тартиб рақами, қарорни қабул қилган суд таркиби, суд мажлиси котиби мажлисда иштирок этган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари, биринчи инстанцияда ҳал қилув қарори қабул қилинган сана ва ҳал қилув қарорини қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

2) ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи, апелляция шикоятни (протести) берган шахснинг номи;

3) қабул қилинган ҳал қилув қарори мазмунининг қисқача баёни;

4) ҳал қилув қарорининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш масаласи қўйилишига сабаб бўлган асослар;

5) апелляция шикоятни (протести) юзасидан билдирилган мулоҳазада баён қилинган вазлар;

6) мажлисда иштирок этган шахсларнинг тушунтиришлари;

7) ишнинг хўжалик суди томонидан аниқланган ҳолатлари, хўжалик судининг шу ҳолатлар тўғрисидаги хулосаларига асос бўлган далиллар ҳамда хўжалик суди у ёки бу далилларни рад этишига ҳамда ишда иштирок этувчи шахслар асос қилиб келтирган қонун ҳужжатларини қўлламаслигига сабаб бўлган вазлар, шунингдек, суд қарор қабул қилишда амал қилган қонун ҳужжатлари;

8) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини бекор қилаётганда ёки ўзгартираётганда апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг хулосаларига қўшилмаганлигининг сабаблари;

9) апелляция шикоятни (протести)ни кўриб чиқиш натижалари бўйича хулосалар;

10) суд харажатларининг тарафлар ўртасида тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган вақтидан бошлаб қонуний кучга киради.

Қарор қабул қилинган кунидан эътиборан беш кунлик муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

172-м о д д а. Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари)

Хўжалик судининг ажримлари устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Хўжалик судининг ажрими устидан апелляция шикоятлари (протестлари) суднинг ҳал қилув қарори устидан берилган апелляция шикоятлари (протестлари)ни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

Хўжалик суди томонидан апелляция инстанциясида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш, даъво аризасини қайтариш, иш юритишни тўхтатиб туриш, тугатиш, даъвони кўрмасдан қолдириш тўғрисидаги ажримлар бекор қилинган ҳолларда иш биринчи инстанция судига кўриш учун ўтказилади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

22-боб. КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИДА ИШ ЮРИТИШ

173-м о д д а. Кассация шикояти бериш ҳуқуқи

Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ҳамда апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса — кассация протести келтиришга ҳақлидир.

174-м о д д а. Кассация инстанциясида қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текширувчи хўжалик судлари

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари томонидан биринчи ва апелляция инстанцияларида қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ва қарорларнинг қонунийлигини текширади.

Олий хўжалик судининг Раёсати шу суд томонидан биринчи

инстанцияда қабул қилинган ҳал қилув қарорларининг қонунийлигини текширади.

175-м о д д а. Кассация шикояти (протести) ни бериш тартиби

Кассация шикояти (протести) Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳўжалик суди орқали берилади.

Ҳал қилув қарори, қарор қабул қилган ҳўжалик суди шикоят (протест) тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судига иш билан бирга юбориши шарт.

176-м о д д а. Кассация шикояти (протести)ни бериш муддати

Кассация шикояти (протести) ҳўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори қонуний кучга кирганидан кейин бир ой давомида берилиши мумкин.

177-м о д д а. Кассация шикояти (протести)нинг мазмуни

Кассация шикояти (протести)да қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) шикоят (протест) йўлланаётган ҳўжалик судининг номи;
- 2) шикоят (протест) бераётган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;
- 3) устидан шикоят (протест) берилаётган ҳал қилув қарорининг ёки қарорни қабул қилган ҳўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, низо предмети;
- 4) шикоят (протест) берган шахснинг талаблари, моддий ёхуд процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши нимадан иборатлиги;
- 5) шикоят (протест)га илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кассация шикояти (протести)да ишнинг ҳолатлари исботланмаганлигини ёки ишда иштирок этувчи шахсларнинг ҳақиқий муносабатлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарорда баён қилинган хулосалар ишнинг ҳолатларига номувофиқлигини ваз қилиб келтиришга йўл қўйилмайди.

Кассация шикоятни уни бераётган шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган шикоятга унинг суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ваколатини тасдиқловчи ишончнома, агар у аввал, ушбу иш бўйича тақдим этилмаган бўлса, илова қилинади.

Шикоятга давлат божи тўланганлигини ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоятнинг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

178 - м о д д а. Ишда иштирок этаётган шахсларга кассация шикоятни (протести)нинг нусхаларини юбориш

Кассация шикоятни (протести)ни бераётган шахс ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга шикоят (протест) нусхасини ва унга илова қилинган, уларда бўлмаган ҳужжатларнинг нусхаларини юборади.

179-м о д д а. Кассация шикоятни (протести) юзасидан ёзма фикр билдириш

Ишда иштирок этувчи шахс кассация шикоятни (протести)нинг нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ўз ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи шахсларга фикр нусхалари жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни кассация шикоятни (протести) кўриб чиқиладиган кунгача етиб боришини таъминлайдиган муддатда ҳўжалик судига юборишга ҳақлидир.

Ёзма фикр ишда иштирок этувчи шахс ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга унинг ишни юритишга ваколати борлигини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

180-м о д д а. Кассация шикоятни (протести)ни қайтариш

Кассация шикоятни (протести) қуйидаги ҳолларда қайтарилади:

1) кассация шикоятни (протести) имзоланмаган ёки уни имзолашга ҳуқуқи бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;

2) шикоят (протест) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳўжалик судини четлаб ўтган ҳолда юборилган бўлса;

3) кассация шикоятни (протести)га ишда иштирок этувчи шахсларга унинг нусхалари жўнатилганини тасдиқловчи далиллар илова қилинмаган бўлса;

4) кассация шикоятига белгиланган тартибда ва миқдорда дав-

лат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинмаган бўлса, қонунда давлат божи тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти назарда тутилган ҳолларда эса бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;

5) кассация шикоят (протести) белгиланган муддат ўтгандан кейин берилган бўлса ва ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисида илтимоснома бўлмаса;

6) кассация шикоят (протести)да моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларини бузиш ёки нотўғри қўлланиш нимадан иборатлиги кўрсатилган бўлмаса;

7) ишда иштирок этувчи шахсларга кассация шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим юборилгунга қадар шикоят (протест)ни берган шахсдан уни қайтариш тўғрисида ариза тушган бўлса.

Кассация шикоят (протести) биринчи инстанция судининг судьяси томонидан қайтарилади. Агар шикоят (протест)ни қайтариш асослари кассация инстанциясида аниқланган бўлса, шикоят (протест)ни шу инстанция судининг судьяси қайтаради.

Кассация шикоят (протести)ни қайтариш тўғрисида ажрим чиқарилади.

Кассация шикоят (протести)ни қайтариш тўғрисида биринчи инстанция судьяси томонидан чиқарилган ажрим устидан кассация инстанциясига шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

Ушбу модда биринчи қисмининг 1, 2, 3, 4, 6-бандларида кўрсатилган ҳолатлар бартараф этилгач, шикоят (протест)ни берган шахс кассация шикоят (протести) билан хўжалик судига умумий тартибда яна мурожаат қилишга ҳақли.

181- м о д д а. Кассация шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисидаги ажрим

Кассация шикоят (протести) иш юритишга қабул қилингани тўғрисида судья ажрим чиқаради.

Ажримда кассация шикоят (протести) ни кўриш вақти ва жойи кўрсатилади.

Ажрим ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

182-м о д д а. Ҳал қилув қарорини, қарорни ижро этишни тўхтатиб туриш

Ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномасига кўра, кассация инстанциясининг хўжалик суди биринчи инстанция ва апелляция

ция инстанцияси судларида қабул қилинган ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини кассация инстанциясида иш юритиш тамомлагунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли.

183-м о д д а. Кассация инстанциясида ишни кўриш тартиби

Иш кассация инстанциясида ушбу бобда назарда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, биринчи инстанция хўжалик суди томонидан ишни кўриш қоидалари асосида кўрилади. Бунда биринчи инстанция учунгина белгиланган қоидалар қўлланилмайди.

184-м о д д а. Кассация шикоятдан воз кечиш.

Протестни чақириб олиш

Кассация шикояти берган шахс қарор чиқарилгунга қадар ундан воз кечишга ҳақли.

Суд шикоятдан воз кечишни ушбу Кодекс 40-моддасининг тўртинчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича рад этиб, ишни кассация тартибида кўришга ҳақли.

Протест келтирган прокурор, шунингдек, юқори турувчи прокурор суд мажлиси бошлангунча протестни чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани ҳақида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

Суд кассация шикоятдан воз кечишни қабул қилса ёки протест чақириб олинса, агар ҳал қилув қарори, қарор устидан ишда иштирок этувчи бошқа шахслар шикоят қилмаган бўлсалар, кассация инстанциясида иш юритишни тугатади.

Хўжалик суди кассация инстанциясида иш юритишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқаради.

185-м о д д а. Кассация шикоятини кўриш муддати

Хўжалик судининг ҳал қилув қарори ёки апелляция инстанциясининг қарори устидан кассация шикояти (протести) иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судига тушган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг ҳал қилув қарори устидан кассация шикояти (протести) унинг Раёсати томонидан бир ойлик муддатда кўрилади.

186-м о д д а. Кассация инстанциясида ишни кўриш чегараси

Хўжалик суди ишни кассация инстанциясида кўрганида, биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судида моддий ҳамда процессуал ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини текширади.

187-м о д д а. Кассация инстанциясининг ваколатлари

Кассация инстанцияси хўжалик суди ишни кўрганидан кейин қуйидагиларга ҳақли:

1) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгаришсиз, шикоят (протест)ни эса қаноатлангирмасдан қолдиришга;

2) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ҳамда янги қарор қабул қилишга;

3) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини, агар қабул қилинган ҳал қилув қарори ва қарор етарлича асосланмаган бўлса, бекор қилиш ҳамда ишни ҳал қилув қарори ва (ёки) қарори бекор қилинган хўжалик суди инстанциясига янгидан кўриш учун юборишга;

4) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини ўзгартиришга;

5) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини ва (ёки) апелляция инстанциясининг қарорини тўла ёки қисман бекор қилиш ва иш юритишни тугатиш ёхуд даъвои тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

6) аввал қабул қилинган ҳал қилув қарорларидан ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга.

188 - м о д д а. Ҳал қилув қарори ёки қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Моддий ёки процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёхуд нотўғри қўлланилиши хўжалик судининг ҳал қилув қарорини ёки қарорини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши, агар бу бузилиш нотўғри ҳал қилув қарори ёки қарорни қабул қилинишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлса, ҳал қилув қарорини ёки қарорни ўзгартириш ёхуд бекор қилиш учун асос бўлади.

Процессуал ҳуқуқ нормаларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши қуйидаги ҳолларда ҳал қилув қарорини ёки қарорни бекор қилиш учун асос бўлади:

1) иш хўжалик суди томонидан ноқонуний таркибда кўрилган бўлса;

2) иш хўжалик суди томонидан ишда иштирок этувчи, мажлис

вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинмаган шахслардан биронтасининг йўқлигида кўрилган бўлса;

3) ишни кўришда суд иши юритиладиган тил тўғрисидаги қоидалар бузилган бўлса;

4) хўжалик суди ҳал қилув қарорини ёки қарорни қабул қилишда қайси қонун ҳужжатларига амал қилганлиги ҳал қилув қароридан ёки қарорда кўрсатилмаган бўлса;

5) хўжалик суди ишда иштирок этишга жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида ҳал қилув қарори ёки қарор қабул қилган бўлса. Мазкур шахслар бундай ҳал қилув қарори ёки қарор устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят қилишга ҳақли;

6) ҳал қилув қарори ёки қарор судьялардан бири томонидан имзоланмаган бўлса ёхуд ҳал қилув қарори ёки қарорда кўрсатилганидан бошқа судьялар томонидан имзоланган бўлса;

7) ҳал қилув қарори ишни кўрган суд таркибига кирмаган судьялар томонидан қабул қилинган бўлса;

8) ишда суд мажлисининг баённомаси бўлмаса ёхуд у ушбу Кодекс 134-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган шахс томонидан имзоланмаган бўлса.

189-м о д д а. Кассация инстанцияси судининг қарори

Кассация шикояти (протести) ни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилиниб, у барча судьялар томонидан имзоланади.

Қарорда куйидагилар кўрсатилиши лозим:

1) қарорни қабул қилган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами ва қарор қабул қилинган сана, қарорни қабул қилган суд таркиби, мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг фамилиялари ва ваколатлари;

2) кассация шикояти (протести)ни берган шахснинг ва ишда иштирок этувчи шахсларнинг номи;

3) ишни биринчи ва апелляция инстанцияларида кўрган хўжалик судининг номи, ишнинг тартиб рақами, ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинган сана, уни қабул қилган судьяларнинг фамилиялари;

4) қабул қилинган ҳал қилув қарори, қарор мазмунининг қисқача баёни;

5) ҳал қилув қарори, қарорнинг қонунийлигини текшириш тўғрисида масала қўйилишига сабаб бўлган асослар;

6) кассация шикояти (протести) юзасидан ёзма фикр баён қилинган важлар;

7) мажлисда ҳозир бўлган шахсларнинг тушунтиришлари;
8) хўжалик суди ишда иштирок этувчи шахслар асосланган қонун ҳужжатларини қўлламаслигининг сабаблари, шунингдек, қарорни қабул қилишда суд амал қилган қонун ҳужжатлари;

9) биринчи инстанциянинг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанциясининг қарорини бекор қилганда ёки ўзгартирганда кассация инстанцияси суди биринчи инстанция ёки апелляция инстанцияси судининг хулосаларига рози бўлмаганлигининг сабаблари;

10) кассация шикоят (протести)ни кўриш натижалари бўйича хулосалар;

11) агар иш янгидан кўриш учун юборилаётган бўлса, ишда иштирок этаётган шахслар ва хўжалик суди томонидан бажарилиши керак бўлган ҳаракатлар;

12) ишда иштирок этувчи шахслар ўртасида суд харажатларининг тақсимланиши.

Қарор қабул қилинган кундан эътиборан беш кун муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади ёки тилхат олиб топширилади.

Қарор қабул қилинган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради ва унинг устидан шикоят қилиш мумкин эмас.

190-м о д д а. Кассация инстанцияси суди кўрсатмасининг мажбурийлиги

Ишни кассация инстанциясида кўрган хўжалик судининг қарорда баён қилинган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган суд учун мажбурийдир.

Ишни кассация инстанциясида кўраётган хўжалик суди у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, иш янгидан кўрилганида қандай ҳал қилув қарори қабул қилиниши тўғрисидаги масалаларни аввалдан ҳал қилиб қўйишга ҳақли эмас.

191-м о д д а. Хўжалик судининг ажрими устидан кассация шикояти (протести)

Хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда кассация тартибида шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин.

Хўжалик судининг ажримлари устидан тушган кассация шикояти (протести) суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан тушган кассация шикоятларини кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

23-боб. НАЗОРАТ ТАРТИБИДА ИШ ЮРИТИШ

192 - м о д д а. Хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорларини назорат тартибида қайта кўриш

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлари ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахсларнинг протестлари бўйича назорат тартибида қайта кўрилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

193-м о д д а. Протест келтириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг ҳар қандай хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари ва қарорлар устидан протест келтиришга ҳақли, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Раёсатининг қарорлари бундан мустасно.

194-м о д д а. Ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини тўхтатиб туриш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган шахслар протест келтирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди тегишли ҳал қилув қарорининг, қарорнинг ижросини назорат тартибида иш юритиш тамомлангунга қадар тўхтатиб туриши мумкин.

195-м о д д а. Ишларни протестлар бўйича назорат тартибида кўрувчи хўжалик суди

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати барча хўжалик судларининг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестлар бўйича ишларни назорат тартибида кўради.

196-м о д д а. Ишларни талаб қилиб олиш

Ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатиб ўтилган мансабдор шахслар назорат тартибида протест келтиришга асослар мавжудлиги масаласини ҳал этиш учун ишни тегишли хўжалик судидан талаб қилиб олишга ҳақли.

197-м о д д а. Протест келтириш

Протест келтириш учун асослар мавжуд бўлганда, шу жумладан, ишда иштирок этувчи шахснинг аризаси муносабати билан ушбу Кодекснинг 193-моддасида кўрсатилган мансабдор шахс протест келтиради ва уни иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсатига юборади. Хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорига ва қарорига протест келтириш тўғрисидаги ариза иш апелляцияси судида кўрилгандан кейин берилиши мумкин. Протест келтириш учун асослар йўқлиги тўғрисида ариза берган шахс хабардор қилинади.

Протестнинг нухалари ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Назорат тартибида протест келтирган мансабдор шахс уни ишни кўриш боиланишидан аввал чақириб олишга ҳақли. Протест чақириб олингани тўғрисида ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинади.

(Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 30 августдаги Қонуни таҳририда).

198-м о д д а. Протестни кўриш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсати протестни кўришда Олий ҳўжалик суди судьясининг ишнинг ҳолатлари ва протест вазлари тўғрисидаги маърузасини эшитади.

Тушунтиришлар бериш учун Раёсат мажлисига ишда иштирок этувчи шахслар чақирилиши мумкин. Бундай ҳолда уларга Раёсат мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабарномалар юборилади. Уларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқишга тўсиқ бўлмайди.

Ишни назорат тартибида кўришда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ёки унинг ўринбосари иштирок этиб, ўзи келтирган протестни қувватлайди ёки Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раиси ёки унинг ўринбосари келтирган протест бўйича кўрилаётган иш юзасидан хулоса беради.

199-м о д д а. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Раёсатининг ишларни назорат тартибида қайта кўриш бўйича ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриб:

1) ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорини ўзгаритмасиз, протестни эса қаноатлантормасдан қолдиришга;

2) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун юборишга;

3) ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириб ёки бекор қилиб, ишни янгидан кўришга юбормасдан янги қарор қабул қилишга;

4) ҳал қилув қарорини, қарорни тўла ёки қисман бекор қилиб, иш юритишни тугатишга ёхуд даъвони тўла ёки қисман кўрмасдан қолдиришга;

5) иш бўйича илгари қабул қилинган ҳал қилув қарорлари ёки қарорлардан бирини кучда қолдиришга ҳақли.

200-м о д д а. Ҳал қилув қарорини, қарорни ўзгартириш ёки бекор қилиш асослари

Суд ҳужжатининг ноқонунийлиги ёки асоссизлиги ҳал қилув қарорини, қарорни назорат тартибида ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлади.

Хўжалик судининг мазмунан тўғри бўлган ҳал қилув қарори, қарори юзаки асослар бўйичагина бекор қилиниши мумкин эмас.

201-м о д д а. Қарор қабул қилиш тартиби

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раёсати ишни назорат тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилади. Агар Раёсатнинг ҳозир бўлган аъзоларидан кўпчилиги ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган ҳисобланади. Раёсат аъзолари овоз беришда бетараф қолишга ҳақли эмас.

Раёсат қарори Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Раиси томонидан имзоланади.

Раёсат қарори қабул қилинган пайдан бошлаб, қонуний кучга киради.

Раёсат қарори қабул қилинган кундан эътиборан, беш кун муддатда ишда иштирок этувчи шахсларга топширилганлиги маълум қилинадиган буюртма хат орқали юборилади.

202-м о д д а. Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик суди кўрсатмаларининг мажбурийлиги

Ишни назорат тартибида кўрган хўжалик судининг ҳал қилув қарорини, қарорни бекор қилиш тўғрисидаги қароридан баён этилган кўрсатмалари шу ишни янгидан кўраётган хўжалик суди учун мажбурийдир.

Ишни назорат тартибида кўраётган хўжалик суди ҳал қилув қаро-

рида, қарорда аниқланмаган ёхуд рад этилган ҳолатларни аниқлашга ёки исботланган деб ҳисоблашга, у ёки бу далилнинг ишончли ёки ишончсизлиги, бир далилнинг бошқаларидан устунлиги, ишни ян-гидан кўришда қандай ҳал қилув қарори, қарор қабул қилиниши кераклиги масалаларини олдиндан ҳал қилишга ҳақли эмас.

203 - м о д д а. Хўжалик судларининг ажримлари устидан назорат тартибида протест келтириш ва уларни қайта кўриш

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ажримлари устидан назорат тартибида протест келтирилиши ва ушбу Кодексда улар устидан шикоят қилиш назарда тутилган, шунингдек, улар ишнинг келгусидаги ҳаракатига тўсқинлик қилган ҳолларда ҳал қилув қароридан алоҳида қайта кўрилиши мумкин.

Хўжалик судларининг ажримлари устидан келтирилган протестлар суднинг ҳал қилув қарорлари ва қарорлари устидан келтирилган протестларни кўриш учун назарда тутилган тартибда кўрилади.

СУД ҚАРОРЛАРИ ТЎҒРИСИДА*

(Олий ҳўжалик суди Пленумининг
1996 йил 1 мартдаги 54-сонли қарори)

Ҳўжалик судларининг олдида турган иқтисодий муносабатлар соҳасида қонунчиликни мустаҳкамлаш ва одил судловни амалга оширишни такомиллаштириш масаласи қабул қилинаётган суд қарорларининг қонун талабларига тўлиқ жавоб беришини талаб этади. Бу эса, судьяларга алоҳида масъулият ва мажбурият юклайди. Ҳар бир иш бўйича қарорлар қонуний ва асосланган бўлиши лозим. Суд амалиётини ўрганиши шунини кўрсатадики, кўпчилик ишлар бўйича чиқарилаётган қарорлар моддий ҳуқуқ ва процессуал талабларга биноан чиқарилапти.

Шу билан бирга ҳўжалик судлари томонидан айрим ишлар бўйича қабул қилинаётган қарорлар ҳамма вақт ҳам Ҳўжалик процессуал кодекси талаблари ва ишнинг моҳиятига тўла, аниқ жавоб бермайди. Иш жарвёнида объектив таҳлиллар ва аниқ ҳолатлар бўйича йиғилган далил-исботлар қарорларда баъзи пайтларда тўлиқ кўрсатилмайди. Кўплаб қарорларда даъвогарнинг талаблари ва жавобгарнинг вазлари аниқ баён этилмайди, томонлар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг моҳияти чуқур очилмаган ҳолда, аниқланган фактларга ҳуқуқий баҳо берилмайди. Баъзи ҳолларда эса, суд низони моҳияти бўйича ҳал қилишда кўрсатилиши керак бўлган қонунларни кўрсатмайди. Қарорларнинг тузилиш тартибида ҳам бир қатор камчиликлар учрамоқда.

Юқорида кўрсатилган камчиликларнинг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 42, 46-моддаларига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди Пленуми қарор қилади:

1. Ҳўжалик судларининг эътибори суд ҳокимияти актлари бўлган — қарорларни қабул қилишда ҳар бир алоҳида иш бўйича чиқарилган қарор Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал қонунчилиги-

* Мазкур қарорда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йилда қабул қилинган Ҳўжалик процессуал кодекси моддалари кўрсатилган.

нинг талабларига тўлиқ жавоб беришига, қонуний ва асосли бўлишига қаратилган.

Судьялар қарорларни ўзларининг ҳуқуқий онгига таяниб, ташқи муҳит таъсирисиз, қонунлар ва ишдаги мавжуд ҳолатларга асосланган ҳолда қабул қилсинлар. Чиқарилган қарор чуқур асослантирилган, даъвонинг моҳияти бўйича қўйилган барча саволларга жавоб берадиган бўлиши керак. Даъво юзасидан ҳамма масалаларни ҳал қилмасдан, асосланмаган, юзаки тарафлар томонидан тақдим қилинган илтимоснома ва қўшимча далил-исботларни ҳуқуқий баҳоламасдан, қарор чиқарилиши мумкин эмас. Қонун талаблари бузиб чиқарилган қарор, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 98-моддасига биноан бекор қилинади.

2. Мазкур низолар бўйича ҳуқуқий муносабатларни ҳал қилишда процессуал ҳуқуқ талаблари ва моддий ҳуқуқ талаблари тўлиқ ва аниқ қўлланган бўлса, қарорлар қонуний деб ҳисобланади. Агар баъзи ҳолларда, шартномада ёки қонун ости норматив актларидаги ҳолатлар қонунга зидлиги аниқланса, хўжалик судлари қонунга асосланган равишда қарор чиқарадилар.

Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонунлар бўлмаган тақдирда, суд Хўжалик процессуал кодексининг 1-моддаси, 3-бўлимига асосланиб, шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонунни қўллашлари керак.

3. Иш бўйича муҳим бўлган ҳамма ҳолатлар, келтирилган далил-исботларни тасдиқловчи фикрлар томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кўрсатувчи ҳолатларни тасдиқласа, қарор асослантирилган бўлади. Қарорлар иш ҳолати бўйича тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас.

Қарорлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 30, 40-моддалари талабларини ҳисобга олган ҳолда тўла ва аниқ, шу иш билан боғлиқ ишончли ва етарли далилларга асосланган бўлиши керак. Иш бўйича экспертнинг хулосаси, ёзма ва ашёвий далиллар, томонлар вакиллари ва иш процессида қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари исботлаш воситалари бўлиб ҳисобланади. Фақат текширилган ва баҳоланган далил-исботлар суд қарорининг асоси бўла олади. Судлар ўз қарорларида далил-исботларни кўрсатиш эмас, балки бу далил-исботларнинг мазмунини қисқача кўрсатиб ўтишлари керак.

Агар далилларнинг ҳар бирини алоҳида ва жами келтирилган у ёки бу ҳужжатлар, тарафлар вакиллари кўрсатмалари ўзларининг

даъво ёки эътирозларини тасдиқламаслигини аниқласа, қарор чиқаришда суд бу ҳақда ўз хулосасини асослаб кўрсатиши лозим.

Ҳеч қандай далил-исботлар суд учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас, шунинг учун жавобгар даъвони тан олганда ҳам иш кўриш жараёнида аниқланган ҳолатлар қарорда кўрсатилиши керак.

Эксперт хулосасига ҳавола қилинганда, шу хулоса билан қандай ҳолатлар тасдиқланиши қарорда кўрсатилиши лозим. Экспертнинг хулосасидан норози бўлган суд иш бўйича қарорда ўзининг эътирозини асослантирган ҳолда кўрсатиши керак.

4. Хўжалик судлари қарорларининг ижроси бўйича тушунмовчиликлар ва низолар бўлмаслиги учун ХПКнинг 80-моддаси талаби бўйича қарорнинг кириш, таърифлаш, асослаш ва хулоса қисмини аниқ изоҳлаши керак.

4.1. Қарорнинг кириш қисмида кўрсатилган сана суд мажлисида қарор эълон қилинган кун ҳисобланади. Бу тартиб суд мажлисида қарорнинг хулоса қисми эълон қилинаётганда ҳам амалда бўлади. Шунинг учун судьялар томонидан имзоланган ва суд мажлисида эълон қилинган қарорнинг асосланган ва хулоса қисмларига ҳам қарор қабул қилинган бир хил сана қўйилади.

4.2. Қарорнинг таърифлаш қисмида даъво аризасига билдирилган фикр, тушунтиришлар ҳамда илтимосномаларнинг қисқача баёни кўрсатилиши керак.

4.3. Қарорнинг асослаш қисми хўжалик судларининг ҳуқуқий ва фактик ҳолатларига асосланган ҳолда кўрсатилган бўлиши керак.

Қарор матнида асосларнинг (суд фикрлари ва таянган ҳолатлар) баён этилиши, суднинг хулосаси янада тушунарли ва ишончли бўлишини таъминлайди. Қарорнинг фактик асосланиш қисми суднинг даъво асослари ҳақидаги мулоҳазасидан, шу жумладан, қарши даъво ва учинчи шахс даъвосидан, шунингдек, даъвога қарши эътирозларнинг асосига қўйилган фактларнинг мулоҳазаси ва мазкур ишни ҳал этиш учун хўжалик суди томонидан маъқулланган муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа фактлардан таркиб топиши лозим.

Асословчи қисмда хўжалик суди қарори ҳуқуқий асослантирилиши ҳам керак. Бу ерда ишни ҳал қилиш жараёнида суд томонидан қўлланилган моддий ҳуқуқ меъёрлари ва у амал қилган процессуал ҳуқуқ меъёрлари кўрсатилиши лозим. Шу билан бир қаторда қайд этилган у ёки бу ҳуқуқ меъёрларини татбиқ этиш масалалари бўйича тушунтиришларни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг Пленум қарорларига ҳам мурожаат этишлари керак.

Агар ҳўжалик суди ишда қатнашаётган шахслар кўрсатаётган қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий актларни қўлламаса, у ҳолда низони ҳал этишда мазкур қонунлар нима сабабдан қўлланилмаганлигининг сабабларини кўрсатиб ўтиши лозим.

4.4. Хўжалик суди қарорларининг хулоса қисмида томонларнинг ҳар бир талаби қондирилганлиги ёки қондирилмаганлиги кўрсатилиши лозим.

Бир неча даъвогар ва жавобгарлар қатнашаётган ишнинг қарорида, уларнинг ҳар бирига нисбатан низо қандай ҳал қилинганлиги кўрсатиб ўтилади. Дастлабки ва қарши даъволарни тўла ёки қисман қаноатлантириб қабул қилинаётган қарорнинг хулоса қисмида ҳисоб қилиниб, ундирилиши керак бўлган сумма кўрсатилади. Айни пайтда суд иш бўйича жалб қилинмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масалани ечишга ҳақли эмас. Қарорлар қабул қилишда уларнинг ижросини маълум шартлар келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслиги билан боғлиқ қилиб қўймаслик керак.

5. Хўжалик процессуал кодексининг 79-модда, 1-қисмига мувофиқ, суд ҳал қилув қарорини қабул қилишда ташкилотлар ва тадбиркор фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво талабларидан четта чиқиши мумкин. Айни пайтда, ХПКнинг 23-модда, 2-бандига асосан, даъво предмети ёки асоси суднинг ташаббуси билан, жавобгарнинг процессуал ҳуқуқларини бузмасдан ва суд томонидан унга янги ҳолатлар бўйича далил ва исботлар келтириши, шунингдек, суд мажлисида ўзининг важларини баён этган, имкониятларини берган ҳолда даъвогарнинг бевосита суд мажлисида берган розилиги асосида ўзгартирилиши мумкин.

6. Хўжалик судлари ҳал қилув қарорини чиқаришда давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 43, 48-моддалари талабига сўзсиз риоя қилишлари керак. Асосан, бундай қилиш давлат божини аввалдан тўланмай кўзғатилган ишлар бўйича мажбурийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддасига мувофиқ, судья ёки ҳайъат ишни суд мажлисида моҳияти бўйича кўриб чиқиб, тугалланган ҳал қилув қарорини чиқаради. Шу билан бирга, судья ёки ҳайъат ҳал қилув қарорининг фақат хулоса қисмини эълон қилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд мажлисида тарафлар ва уларнинг вакиллари тугалланган ҳал қилув қарори билан қачон таниша олишлари мумкинлиги эълон қилиниши керак. Ҳал қилув қарорининг тўла матни 5 кун мобайнида тайёр бўлиши лозим.

8. Суднинг ҳал қилув қарори низони қайси судья ёки ҳайъат ҳал қилган бўлса, фақат улар томонидан чиқарилиши лозим.

Иш кўриш жараёнида судьяни ўзгартириш лозим бўлиб қолса, иш бошқатдан кўрилиши ва бу ҳақда шу суд раисининг ёки ўринбосарининг қарори бўлиши зарур. Иш кўришда иштирок этмаган судья (ҳайъат) томонидан чиқарилган ҳал қилув қарори бекор қилиш учун асосдир.

9. ХПКнинг 114-моддасида кўрсатилган ҳал қилув қарорининг ижросини кечиктириш ёки ўзгартириш лозим бўлганда ҳамда уни ижро этиш усули ёки тартибини ўзгартириш зарурияти келиб чиқса, буни ҳал қилув қарорини чиқаришда ҳам амалга ошириш мумкин.

Ҳал қилув қарорини ижро этишни кечиктириш ёки чўзиш ҳамда усулини ёки тартибини ўзгартиришга жавобгарнинг мулкӣ ҳолатидаги ўзгаришлар, жавобгарнинг банк ҳужжатлари текшируви ва назорат қилувчи бўлимлар ихтиёрида эканлиги, ҳал қилув қарорини тарафлар томонидан дарҳол қайта кўриш учун ариза берилганлиги (қарор ижросини қайтаришга имконият берилмаслик учун) ва бошқа эътиборга лойиқ вазиятларни асос қилиб олиш мумкин. Бу процессуал ҳаракат тарафлар аризасига ёки суд ташаббусига биноан қўзғатилади ва ижро этилади ҳамда бу ҳаракатлар юзасидан асосланган ажрим чиқарилади. Шу билан бирга суд Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 9-бобида кўзда тутилган ҳал қилув қарори ижро этилишини таъминловчи чораларни кўриши мумкин.

10. Судлар Хўжалик процессуал кодексининг 81-моддаси талаби бўйича ҳал қилув қарорини қайта кўриш учун ариза бериш тартибини тушунтириши лозимлигини кўзда тутиши керак. Тарафларнинг ариза бериш ҳуқуқларини бузмаслик учун ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида бундай ариза бериш тартиби ва муддатлари кўрсатилиши керак.

11. Хўжалик судларининг эътибори иш кўришда иштирок этган, этмаган тарафлар ва бошқа иштирокчиларга ҳал қилув қарорининг нусхаларини қабул қилинган кундан кейин 5 кун ичида юбориш лозимлигини талаб қилувчи Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 68, 84-моддаларига қатъий риоя қилишга қаратиши лозим.

12. Ҳал қилув қарорини чиқарган суд ўз ташаббуси ёки иш кўришда иштирок этган тарафлар илтимосига кўра, даъво аризасида кўрсатилган бирон-бир талаб кўрилмай қолдирилган ёки давлат божи масаласи ҳал қилинмаган бўлса, қўшимча қарор чиқариши мумкин.

Қўшимча қарор судлов ишларини юритиш бўйича ишда ишти-

рок этган тарафларнинг ва бошқа иштирокчиларнинг процессуал ҳуқуқий талабларини бузмаган ҳолда чиқарилади. Чиқарилган қўшимча қарор асосий ҳал қилув қарори сингари тарафлар талаби, прокурор протестига биноан қайта кўриб чиқилиши мумкин. Қайта кўриб чиқиш учун берилган аризани қабул қилмасдан чиқарилган ажрим устидан ҳам шундай тартибда ариза берилиши мумкин. Агар асосий ҳал қилув қарорида давлат божини тарафлар ўртасида тақсимлаш масаласи ҳал қилинган бўлса-ю, лекин у иш моҳияти бўйича суд ҳулосасига тўғри келмаган бўлса, бундай чиқарилган ҳал қилув қарорига қўшимча қарор чиқаришга, шунингдек, тўлдириш ёки тузатишга суд ҳаққи эмас. Суднинг бундай хатосини тўғрилаш белгиланган тартибда ҳал қилув қарорини қайта кўриб чиқиш йўли билан амалга оширилади.

Қўшимча қарорда шу қарор чиқариш учун асос бўлган сабабни кўрсатиш, ҳулоса қисмида қўшимча масала юзасидан ўз якунини изҳор этиб қўйилган, лекин суд томонидан ҳал этилмай қолдирилган талаб бўйича ёки жавобгардан даъвогарга давлат божининг ундириладиган қисми ёхуд суд харажатларини ундириш ва бошқалар кўрсатилган ҳолда қарор чиқарилиши лозим.

13. ХПКнинг 86-моддасига биноан, судья тарафлар талабига биноан қарор моҳиятини ўзгартирмай, мазмунини тушунтириши ҳамда тарафлар илтимосига ёки ўз ташаббуси билан қарор мазмунини ўзгартирмай йўл қўйилган хатоликларни тузатиши мумкин. Бундай процессуал ҳаракатлар ажрим чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Суд шунингдек, ҳал қилув қарорини бевосита ижро этувчи идоралар (умумий судлар ижрочиси, банк, тугатиш комиссияси, молия бўлими, маблағни давлат даромадига ўтказувчи солиқ назорати) илтимосига биноан ҳам ҳал қилув қарорини изоҳлаши мумкин.

Ҳал қилув қарорини изоҳлашдан мақсад, аниқ бўлмаган қисмларни яққол ва тўла изоҳлашдир. Бу ҳолда суд ҳал қилув қарорининг мазмунини ўзгартириши, суд қарорида кўрсатилмаган масалаларни изоҳлаши мумкин эмас. Фақат ҳал қилув қарорини чиқарган судгина шу қарорни изоҳлаши мумкин.

Агар ҳал қилув қарори ижро этилган бўлса ёки ҳал қилув қарорини ижро этиш учун белгиланган муддат ўтиб, бу муддат тикланмаса, қарорни изоҳлашга йўл қўйилмайди.

Ундирилган мулк қиймати, вақти ва кўрилган чораларга ўзгартиришлар киритиш суд томонидан ёзувдаги хатоликларга йўл қўйилган тақдирдагина рухсат берилади.

14. Суд ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш бўйича судлов ҳайъатлари раислари қайта кўриш учун ариза берилган ҳал қилув қарорларининг қонун талабларига тўла

риоя қилинишини мукамал текширишлари ва йўл қўйилган хатликларни ўз вақтида тузатиш чораларини кўришлари лозим. Қонунга мувофиқ бўлмаган ва асоссиз чиқарилган ҳал қилув қарорларининг сабабларини доим таҳлил қилиб бориш, уларнинг олдини олиш, суд ходимларининг малакасини ошириш тадбирларини кўришлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳўжалик суди раиси

М. Абдусаломов

Ўзбекистон Республикаси
Олий ҳўжалик суди судьяси,
Пленум котиби

И. Собиров

ДАЪВО АРИЗАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ РАД ЭТИШ ВА ҚАЙТАРИШ БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИНИНГ ТАФСИЛОТИ

Олий ҳўжалик суди Раёсатининг
1999 йил 29 апрелдаги қарори билан тасдиқланган

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг (бундан буён ХПК деб юритилади) 117 ва 118-моддаларини қўллаш бўйича суд амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш натижалари шуни кўрсатдики, хўжалик судлари даъво аризаларини қабул қилишни рад этиш ва қайтариш асосларини асосан тўғри қўлламоқдалар.

Хўжалик судининг судьяси судга тақдим этилган даъво материалларини текшириш натижаларига кўра, даъво аризасини қабул қилиш, даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ва даъво аризасини қайтариш тўғрисидаги ажримлардан бирини чиқаради. Даъво аризасини хўжалик судида кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисидаги масала Конституция кафолат берган ҳар бир шахснинг судда ҳимоя қилиниши ҳуқуқи билан бевосита боғлиқдир. Даъво аризасини қабул қилиш масаласини даъво аризада кўрсатилган асослар уни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлар учун тегишли маълумотлар етарлилиги текширилган ҳолда судьянинг якка ўзи ҳал этади. Даъво аризасини иш юритувига қабул қилиш ва уни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажримлар судьянинг хоҳишига қараб, бир ажримда баён этилиши мумкин. Ушбу ҳолатда ажримда ишни юритувига қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги масалалар кетма-кетликда ёритилиши лозим бўлади.

ХПКнинг 117-моддасида даъво аризасини қабул қилишни рад этиш мумкин бўлган асослар, рад этишни расмийлаштириш тартиби ва рад этиш ҳақидаги ажрим устидан шикоят қилиш (протест келтириш) ҳолатлари баён этилган. Даъво аризасини қабул қилишни рад этиш асослари хўжалик суди томонидан кенгайтирилиб, шарҳланиши мумкин эмас. Ушбу асосларни кенг шарҳ этишга йўл қўйилмас-

лиги хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқаро-тадбиркорларни хўжалик судига даъво тақдим этиш ҳуқуқини кафолатлайди.

ХПКнинг 117-моддасига мувофиқ, судья қуйидаги ҳолларда даъво аризасини қабул қилишни рад этиши мумкин:

1. Хўжалик судининг судьяси даъво аризасини қабул қилишда агар низо хўжалик судида кўриб чиқишга тегишли бўлмаса ёки хўжалик суди судловига тааллуқли бўлмаса, даъво аризасини қабул қилишни рад этади. Бу ерда сўз идоравийлик тамойилини бузилмаганлиги ҳақида кетади. Чунки, Конституциявий суд ёки бошқа судларнинг ваколатига тегишли бўлган низолар ёки бошқа судларнинг ваколатига тегишли бўлган низолар ёки бошқа ишлар ёхуд қонунга мувофиқ бошқа юрисдикция идоралари томонидан ҳал этиладиган низолар ёки бошқа ишлар хўжалик судида кўриб чиқилмайди. Шу билан бирга бу бандда тааллуқлилиқ масаласи ёритилиб, хўжалик судларига тааллуқли низолар тоифалари ХПКнинг 23, 24-моддаларида батафсил кўрсатилган ҳолда қайд этилган ишлардан ташқари, қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Хўжалик судлари ушбу банд бўйича даъво аризаларини қабул қилишни рад этишларида ХПКнинг 23-моддасининг 5-қисмида кўрсатилган ҳолатни, яъни ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари хўжалик судига, бошқалари эса умумий судга тааллуқли бўлган бир неча талаб бирлаштирилган тақдирда ҳамма талаблар умумий судда кўрилиши керак, қоидасини ҳам қўллашлари лозим.

2. Айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан иш юритишни тугатиш тўғрисида хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки ажрими ёхуд умумий суднинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида ҳал қилув қарори ёки ажрими бўлса, даъво аризани қабул қилиш рад этилади.

Ушбу асосни амалиётда қўллашда хатоликлар ҳам мавжуд, масалан, Навоий вилоят хўжалик суди томонидан, даъвогар — «Мифини» хусусий фирмасининг жавобгар — «Сарбон» жамоа корхонасидан 750360 сўм ундириш тўғрисидаги 02/09-41-сонли иш бўйича 1998 йил 28 февралдаги ажрим билан ХПКнинг 117-моддаси, 2-қисмига кўра, шу томонлар ва шу предмет бўйича томонлар ўртасидаги низо юзасидан вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори мавжуд деган асос билан даъво аризасини қабул қилишни рад этган. Даъвогар бу ажрим устидан шикоят берган. Апелляция инстанциясида аниқланишича, даъвогар даъво ариза берганидан бошлаб, иш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилингунга қадар бўлган давр учун пеня сўраб

мурожаат этган. Биринчи даъво бўйича эса бундай талаб қўйилмаган, шунинг учун апелляция инстанцияси томонидан бу ажрим бекор қилиниб, ХПК нинг 172-моддасига кўра, ишни биринчи инстанцияда мазмунан кўриб чиқиш учун юборилган.

3. Хўжалик суди, умумий суд, ҳакамлар судининг иш юритишида айти бир шахслар ўртасида, айти бир предмет тўғрисида ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса.

4. Айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича низо юзасидан қабул қилинган ҳакамлар судининг қонуний кучга кирган қарори бўлса, хўжалик суди ҳакамлар судининг қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини беришни рад этиб, ишни қарорни қабул қилган ҳакамлар судига янгитдан кўриш учун қайтарган, бироқ ишни ўша ҳакамлар судида кўриш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

ХПКнинг 117-моддасида қайд этилган асослар бўйича хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини қабул қилиш рад этилганида даъвогар айти бир шахслар ўртасидаги, айти бир предмет тўғрисидаги ва айти бир асослар бўйича ва низо хўжалик судига тааллуқли бўлмагани учун низо юзасидан хўжалик судига қайта мурожаат қилишига йўл қўйилмайди.

Хўжалик процессуал кодекси 117-моддасининг 2, 3, 4-бандларида кўрсатилган асослар билан даъво аризани қабул қилишни рад этиш ҳолатлари суд амалиётида кам учрайди. Ушбу ҳолатлар кўп ҳолларда судда иш қўзғатилганидан сўнг ишда иштирок этувчи шахслар орқали аниқланади, бундай ҳолатларда суд ХПКнинг 86-моддаси, 2-бандини қўллаб, иш юритишни тугатади.

Судья юқорида қайд этилган асослар мавжудлигини аниқлаган ҳолларда даъво аризасини қабул қилишни рад этиш ҳақида ажрим чиқариб, уни томонларга ариза судга келиб тушганидан бошлаб, беш кундан кечиктирмасдан буюртма хат орқали юборади. Даъво аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрим суд номидан чиқарилади, чунки хўжалик процессуал қонунчилиги бўйича судья суднинг ҳар қандай актини чиқаришда бевосита суд номидан ҳаракат қилади. Даъвогарга жўнатиладиган қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажримга даъво материаллари илова қилинади. Ушбу ҳолатларда давлат божини қайтариш масаласи муҳим бўлиб, давлат божи Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги (кейинги, яъни 1994 йил 6 май, 1996 йил 30 август, 1996 йил 27 декабр, 1997 йил 27 апрел, 1997 йил 30 август, 1998 йил 1 май, 1998 йил 29 августдаги ўзгартиришлари билан) «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳолларда қайтарилади.

Конунга биноан (6-модда, 6-банд), хўжалик судлари томонидан аризалар (шикоятлар) қайтарилганда ёки уларни қабул қилиш рад этилганида давлат божи қайтариллади.

Хўжалик суди судьясининг даъво аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин. Ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки муурожаат қилинган кундан берилган, деб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Хўжалик процессуал кодексига янги норма суд буйруғи бериш институти киритилган бўлиб, вилоят хўжалик судлари даъво аризани қабул қилишни рад этиш бўйича ХПКнинг 117-моддасидан ташқари, суд буйруғини бериш тўғрисидаги аризани қабул қилишни рад этиш ҳақидаги Кодекснинг 107-моддасини ҳам амалиётда қўлламоқдалар.

Ушбу моддага кўра, томонларнинг суд буйруғини бериш ҳақидаги аризаларини қуйидаги 5 асосга кўра қабул қилиш рад этилади:

1) билдирилган талаб ХПКнинг 103-моддасида назарда тутилмаган бўлса, яъни солиқлар, йиғимлар ва мажбурий тўловларни ундиришни ташкилот ва фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш ҳақидаги талаб, ҳужжатлар асосида тан олинган талаб, талаб тўланмаган, акцептланмаган ва акцентга сана қўйилмаган вексел нотариус томонидан протест қилинишига асосланувчи талабларга мос келмаса;

2) ариза ХПКнинг 104-моддасида белгиланган талабларга, яъни аризанинг шакли ва мазмунига риоя қилинмаган ҳолда берилган бўлса;

3) билдирилган талабни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса (бу ҳолатда фақатгина солиштирув далолатномаси эмас, балки шартнома, юк хатлари, актлар ва бошқа ишга тааллуқли ҳужжатлар);

4) қарздорга аризанинг нусхаси топширилганлиги тўғрисидаги далиллар судга тақдим этилмаган бўлса;

5) билдирилган талаб учун давлат божи тўланмаган бўлса.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суд буйруғи бериш ҳақидаги аризаларнинг аксарияти ариза шакли ва мазмунига амал қилмаслик ва давлат божи тўланмагани учун қайтарилмоқда. Масалан, Бухоро вилоят хўжалик суди томонидан 6 та ариза бож тўламаганлик учун, 1 та ариза ХПКнинг 109-моддасининг 2-бандига кўра, яъни ҳуқуқ тўғрисидаги низони мавжуд берилган ҳужжатлар асосида ҳал этиб бўлмайдиги, хулосаси билан суд буйруғини бериш ҳақидаги аризани қабул қилиш рад этилган. Хўжалик судлари томонидан суд буйруғи бериш

ҳақидаги аризаларни қабул қилишда ҳам хатоликларга йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатларга томонлар давлат божидан озод қилишни сўраб илтимоснома бермасдан фақат маълумотномани умумий тартибда даъво аризани расмийлаштириб тақдим этишса ҳам қабул қилишни рад этиш ўрнига, қабул қилиб суд буйруғи бермоқдалар. Бундай ҳолатлар барча ҳўжалик судлари фаолиятида учрайди.

Шу ерда таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳўжалик судлари ХПКда белгиланган суд буйруғи бериш институтини доим ҳам тўғри қўллашмаяпти. Даъвогарлар кўпинча судга даъво ариза билан мурожаат қилсалар-да, аммо даъво аризалар умумий тартибда кўрилмасдан, суд буйруғи берилмоқда. Бу ишларнинг кўпчилиги давлат бож тўловлари амалга оширилмасдан, бождан озод қилиш масаласи ҳал этилмай кўрилиб, даъво ариза бўйича белгиланган миқдорда давлат божи суммалари жавобгарлардан умумий тартибда тўланиши лозим бўлган божнинг 50 фоизи миқдорида ундирилаётир. Бу эса оқибат натижада давлат божининг умумий миқдорига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳўжалик судлари даъво аризаларни қабул қилишда Ҳўжалик процессуал кодексининг 118-моддасида кўрсатилган камчиликлар борлигини аниқлаганликлари тақдирда даъво аризаларни қайтариш асослари рўйхати, бу процессуал ҳаракатни расмийлаштирини, даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрим устидан шикоят бериш тартиби ва қайтаришнинг ҳуқуқий оқибатлари ёритилган.

Судья даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни қуйидаги ҳолларда қайтаради, яъни:

- 1) даъво аризаси ХПКнинг 112-моддасида белгиланган шакл ва мазмунга риоя қилинмаган бўлса;
- 2) даъво аризаси имзоланмаган ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс ёхуд мансаб мавқеи кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса;
- 3) иш мазкур ҳўжалик суди судловига тегишли бўлмаса;
- 4) ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга даъво аризасининг нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмаган бўлса;
- 5) белгиланган тартиб ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилмаган бўлса, давлат божини тўлашни кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш мумкинлиги қонунда назарда тутилган ҳолларда бу ҳақда илтимоснома берилмаган ёхуд илтимоснома рад этилган бўлса;
- 6) шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда даъвогар жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш

(талабнома юбориш) тартибига риоя этганини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса;

7) бир даъво аризасида бир ёки бир неча жавобгарга ўзаро боғланмаган бир неча талаб бирлаштирилган бўлса;

8) қонун ҳужжатларига ёки шартномага мувофиқ, қарз банк ёхуд бошқа кредит муассасаси орқали олинishi лозим бўлганида, жавобгардан қарзни олиш учун банкка ёки бошқа кредит муассасасига мурожаат қилинганлиги ҳақида далиллар тақдим этилмаган бўлса;

9) агар даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар уни қайтариб олиш тўғрисида даъвогардан ариза тушган бўлса.

Хўжалик судининг судьяси юқорида қайд этилган асослар мавжудлигини аниқлаган ҳолларда даъво аризасини қайтариш ҳақида у олинган кундан бошлаб беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Даъвогарга жўнатиладиган ажримга даъво материаллари қўшиб юборилади. Ушбу ҳолатда ҳам давлат божини қайтариш масаласи мумкин бўлиб, бунда ҳам давлат божи «Давлат божи тўғрисида»ги Қонунда белгиланган ҳолларда қайтарилади. Судьянинг даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрими устидан шикоят қилиш (протест келтириш) мумкин ва томонларнинг ушбу ҳуқуқлари ажримнинг ҳулоса қисмида, албатта, ёритилиши лозим бўлади. Даъво аризани қайтариш ҳақидаги ажрим апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан бекор қилинган тақдирда даъво аризаси хўжалик судига дастлабки мурожаат қилинган кундан берилган деб ҳисобланади. Даъво аризасининг қайтарилиши йўл қўйилган хатолар бартараф этилганидан кейин иккинчи марта хўжалик судига умумий тартибда даъво аризаси билан мурожаат этишга тўсқинлик қилмайди.

Амалиёт таҳлили шуни кўрсатадики, асосан, даъво аризанинг шакли ва мазмунига риоя этмаслик, давлат божи тўламаслик уларни қайтаришга сабаб бўлмоқда.

Хўжалик судлари томонидан даъво аризаларини қайтаришда камчиликлар ва хатоликларга йўл қўйилаётир. Ажримлар расмийлаштирилишида фақат ХПКнинг тегишли моддасини кўрсатиш билан чегараланиб, қайтариш сабабларини ёритмаслик ҳоллари мавжуд.

Хўжалик юритувчи субъектлар кўп ҳолатларда ҳозирги кунгача даъво аризани расмийлаштиришни билмасликлари ва ҳуқуқшунослар йўқлиги оқибатида расмийлаштириш тартибига риоя қилмасдан, жуда қисқа, саёз ва тушунарсиз ёзувлар билан хўжалик судларига тақдим этишмоқда. Бунга Фарғона «Ўзнефтниқайтаишлаш» Давлат

ишлаб чиқариш бирлашмасининг жавобгар — Наманган вилоят «Нуробод» жамоа корхонасидан 87295 сўм ундириш ҳақидаги даъво аризасини мисол тариқасида келтириш мумкин. Ушбу даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар хўжалик суди томонидан ХПКнинг 112-моддасига риоя қилинмагани, даъво ариза 1997 йил 5 сентябр санаси билан қайд этилгани, ундирилиши лозим бўлган сумманинг ҳисоби тақдим этилмагани учун 1998 йил 16 апрелдаги ажрим билан қайтарилган.

